1 қисм

ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ

VI СИНФ. ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ КУРСИ

Кириш

1. География термини биринчи марта қачон ва ким томонидан қўлланилган?

2. Компас дастлаб қаерда ихтиро қилинди, у горизонтнинг қайси томонларини кўрсатар эди?

3. Васко-да-Гамадан илгари Ҳиндистонга борган рус сайёҳи ким бўлган ва у қандай асар ёзиб қолдирган?

4. Шимолий қутбни биринчи бўлиб забт қилган саёҳатчи ким бўлган?

5. Европаликлардан Ҳиндистонга биринчи бўлиб денгиз йўлини очган саёҳатчини айтинг.

6. Қайси саёҳатчи Тинч океан оролларидаги маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ўрганди?

7. Ернинг шар шаклида эканлигини биринчи бўлиб ким ва қандай исбот қилган?

8. Магелландан кейин ер шарини айланиб чиққан саёҳатчини айтинг?

9. Буюк географик кашфиётлар деб қайси эраларни айтадилар?

10. Географиянинг фан сифатидаги ривожига ҳисса қўшган буюк немис олими. Уни баъзан «иккинчи Колумб» ҳам дейдилар. Сўз қайси географ-олим ҳақида кетаётганлигини айтинг.

11. Амударё сувининг бир қисми Каспий денгизга қуйилишини исботлаб берган буюк географ-сайёҳ ким эди? У Сибирь ва Ўрта Осиё, Қрим, Кавказ, Марказий Америка, Марказий Осиёга ҳам саёҳатлар уюштирган.

12. Қайси буюк географ-олим ўз вақтида ажойиб революционер ҳам бўлган. Айтинг-чи, у ким эди?

13. Шимолий қутб устидан диржаблда биринчи бўлиб учиб ўтган жасур сайёҳ ким бўлган?

План ва карта

1. Ер марказига Марнана ботиғидан бориш яқинми ёки қутбдами?

2. Ерда шундай бир нуқта борки, у ерда қутб юлдузи қоқ тепасида туради, ҳамма томонингиз жанубга, сўнгра, кечи ва кундузга бўлинмайди, 360° айланиб бутун дунёни кўриб чиқишингиз мумкин. Бу қаер эканлигини айта оласизми?

3. Ернинг параллелларидан биридаги уйга қуёш нури 6 ой шимолий деразасидан, 6 ой жанубий деразасидан тушади. Шу параллелда кун йил давомида ҳар куни бир вақтда чиқади ва бир вақтда ботади. Айтинг-чи, бу қайси параллель?

4. Ернинг магнит қутбларини картадан аниқланг.

5. 900 килограммлик штанганы Мурманскда кўтарса кўп энергия сарф қилинадими ёки Тошкентдами?

6. Сизнинг яшаб турган жой координатини ғарбий яримшардан қандай топиш мумкин?


7. Ўз кенглик ва узунликлар қайси материкларга тўғри келади?

8. Ўсимликларга қараб шимол ва жанубни қандай аниқлаш мумкин?

9. Қумурсқаларнинг инига қараб горизонт томонларини аниқлаш мумкинми?

10. Кунгабоқар қай вақтда ғарбни аниқ кўрсатади?


11. Қишнинг қуёшсиз, шамолсиз кунларида қор билан қопланган тўқай ичида адашиб қолганлар компассиз қандай ориентир олишлари мумкин?



12. Юқоридаги расмда қайсиси янги ой, қайсиси эски ой?

13. Горизонт томонлари соатга қараб қандай аниқланади?

14. Кроссворд.



Бўйига:


1. Ер шарининг модели.

3. Горизонт томонларини кўрсатувчи асбоб.

Энига:

2. Оралиқ масофани ўлчайдиган асбоб.

4. Ҳақиқий масофани кичрайтириб ёки катталаштириб кўрсатадиган шартли усул.



15. Кроссворд.

Бўйига:

1. Горизонтнинг қуёш ботадиган томони.

3. Туш чизиғини кўрсатадиган асбоб.

4. Горизонтнинг қуёш чиқадиган томони.

Энига:

2. Туш вақтида қуёш кўринадиган томон.

3. Ялангликдаги ер юзасининг кўз илғамайдиган қисми.


4. Жанубнинг қарама-қаршиси.

16. Топишмоқ. Одамсиз мамлакат, уйсиз шаҳар, дарахтсиз ўрмон, сувсиз дарё қаерда бўлиши мумкин?

17. Ер марказидан: Жомолунгма чўққиси узоқдами ёки Килиманжаро чўққисими? Айримлар Жомолунгма чўққиси узоқда дейди, шу фикр тўғрими?

18. Икки группа ўқувчилар саёҳатга чиқишди, улар шимолга қараб 12 км дан юришлари керак эди. Биринчи группа ўқувчилар компасга қараб ориентировка қилдилар, 2-группа қутб юлдузига қараб ориентировка олди. Айтинг-чи, қайси группа аниқроқ натижага эришади?

19. Бир ўқувчи синфдошига хат ёзиб, баъзи сўзлар ўрнига топографик белгилар ишлатди. У ёзган хатнинг мазмуни қуйидагича:



20. Дастлаб глобус ясаган олимни ва унинг ватанини айтинг.

Ернинг қобиғи

Литосфера

1. Океанлардан бирида М. В. Ломоносов шарафига қўйилган тоғ тизмаси бор, айтинг-чи, бу тизма қаерда жойлашган?

2. Планетамиздаги энг баланд чўққи билан энг паст ботиқнинг номини айтинг.

3. Вулкан отилиши туфайли кўмилиб қолган шаҳарни айтинг. Айтинг-чи, у қаерда жойлашган? Ҳозир бу шаҳарда одам яшайдими, йўқми?

4. Планетамизда кучли зилзила рўй берган жойлардан 5 тасининг номини айтинг.

5. Мамлакатимизда қишда ҳам чўмилса бўладиган дарёлар қаерда?

6. Маълумки, Ер марказига томон ҳар 33 м тушганда температура 1° га исийди. Вулкан кратерида, лаванинг температураси 1300° бўлса, у қанча чуқурликдан отилиб чиқаётган бўлади?

7. 8848, 7495, 7134, 6193, 5895, 1894 метрли чўққилар қайси тоғ тизмаларида жойлашганини ва номини картадан аниқланг.

8. Дунёдаги энг катта пасттекисликни айтинг.

9. Нима учун (кекса) кўҳна тоғларнинг қиррали чўққилари бўлмайди?

10. Планетамиздаги энг узун тоғ тизмаси қайси?

11. Планетамиздаги энг баланд тоғ тизмаси-чи?

12. Жомолунгма чўққиси қачон ва кимлар томонидан забт қилинди?

13. Мамлакатимизда фойдали қазилмаларга энг бой бўлган тоғни айтинг.

14. Ҳаракатдаги вулканлардан энг баланди қайси?

15. Литосфера кроссворди.


Энига:

1. Дунёдаги энг баланд тоғ.

2. Ернинг энг устки қобиғи.

4. Дунёдаги энг узун тоғ тизмаси.

6. СССРдаги тоғлардан бири.



8. Жанубий Америкадаги тоғ тизмаси.

Бўйига:

3. Рельеф формаси.

5. СССРдаги икки денгиз оралиғидаги тоғ тизмаси.

7. Дунёдаги энг катта текислик.

9. Ўрта Осиёдаги тоғлик ўлка.

Гидросфера

1. Дунё океанининг энг чуқур жойи неча метр ва у қаерда?

2. СССР қирғоқларини ювиб турган энг чуқур денгизларни айтинг.

3. СССР қирғоқларини ювиб турувчи энг катта океанни айтинг.

4. СССР қирғоқларини ювиб турган денгизлардан энг илиғини айтинг.

5. Пиреней яриморолиқайси океан, денгиз, қўлтиқ, бўғоз билан ўралган?

6. Чуқурликда жойлашган кўл ва денгизлардан 3 тадан мисол келтиринг.

7. Қайси материкни барча океанлар ўраб олган?

8. Қайси бўғоз икки океанни, икки қитъани, икки материкни, икки денгизни, икки давлатни бир-биридан ажратиб турибди?

9. Материкни ҳам, оролни ҳам ҳамма томондан сув ўраб туради. Хўш айтинг-чи, материк оролдан нимаси билан фарқланади?

10. СССР қирғоқларини ювиб турган денгизлардан энг саёз ва энг кичигини айтинг.

11. Европадаги қайси яриморолни 5 та денгиз ювиб туради?

12. Ер юзасидаги энг паст жой қайси яриморолда жойлашган?

13. Нима учун океанларда сув суткасига икки марта кўтарилиб, икки марта пасаяди?

14. Африкадаги қайси дарё энг катта дельта ҳосил этган?

15. СССРдаги қайси кўлнинг бир қисмида сув шўр, иккинчи қисмида чучук? Сабабини тушунтириб беринг.

16. Қайси канал орқали Волга дарёсидан Қора денгизга чиқиш мумкин?

17. Ёмғир сувида туз бўлиши мумкинми?

18. Қайси материкда дарё йўқ? Сабабини айтиб беринг.

19. Дунёда суви энг илиқ ва шўр, бироқ бironта ҳам дарё қуйилмайдиган денгизни айтинг.

20. Тез айтинг:

Бриз бу шаҳар эмас, у нима?
Айсберг бу вулкан эмас, у нима?
Жунгли бу халқ эмас, у нима?
Саванна бу дарё эмас, у нима?


21. Қайси денгиз 3 та қитъа қирғоқларини ювиб туради?

22. Ер шаридаги энг катта кўлни айтинг.

23. Энг катта орол ва энг катта яриморолни айтинг.

24. Дунё океанидаги энг катта оқим қаерда?

25. Қайси орол ва яриморол шу расмдаги шаклга эга?



26. Дунё океанида энг юқори сув кўтарилиши ва қайтиши қаерларда кузатилади?

27. Қайси океан суви илиқроқ ва нега шундай?


28. Қуйидаги 16 та ҳарфни шундай қўйингки, уларни энига ҳам, бўйига ҳам ўқиганда иттифоқдош республика пойтахтининг, Узоқ Шарқнинг йирик дарёсининг, Кавказдаги дарёнинг, Каспий денгизига қуйилувчи биронта дарёнинг номи келиб чиқсин.

	1	2	3	4
1	А	А	А	А
2	Б	К	К	Л
3	М	Р	Р	Р
4	У	У	У	У


29. Қайси каналлар қайси материкларни бир-биридан ажратиб туради?

30. «А» чайнворднни ечсангиз:

1. Қитъа номи
2. Материк номи
3. Материк номи
4. Жанубий Америкадаги дарё
5. Шимолий Америкадаги яриморол
6. Жанубий Американинг йирик давлати
7. Атлантика ҳавзасидаги денгиз
8. Африкадаги мустақилликка эришган мамлакат
9. Узоқ Шарқдаги дарё номи келиб чиқади.



31. Денгизларни ўрганиш чайнворди. Тўғри ечсангиз қуйидаги океанларда жойлашган денгизлар номи келиб чиқади.



1. Тинч океан денгизи.
2. Атлантика океани денгизи.
3. Шимолий Муз океани денгизи.
4. Шимолий Муз океани денгизи.
5. Атлантика океани денгизи.
6. Атлантика океани денгизи.
7. Ҳинд океани денгизи.
8. Атлантика океани денгизи.
9. Атлантика океани денгизи.
10. Атлантика океани денгизи.
11. Тинч океан денгизи.
12. Тинч океан денгизлари.

Бу чайнвордда денгизларнинг номларидаги Р ҳарфи қатнашади. Қолган катакларга тегишли ҳарфларни қўясиз.

32. Чуқурлиги 700 м, эни 75—120 км, тезлиги соатига 3 км дан 10 км гача бўлган оқим номини айтинг.

33. Агар денгиз сувининг 1 литрида 25 грамм туз бўлса, унинг шўрлиги неча промилле (‰) бўлади?

34. Айсберглар қандай ҳосил бўлади, энг катта айсбергнинг катталиги қандай бўлади?


35. СССРдаги энг узун канал номини айтинг.

36. СССРдаги энг катта ГЭСни айтинг.

37. СССРдаги энг катта тоғ музлигини айтинг.

38. Дунёда энг катта дара ҳосил қилган дарё номини айтинг.

39. Денгизлар, бўғозлар ва каналлар. кроссворди.



Бўйига:

1. Шимолий Муз океани билан Тинч океанни туташтирувчи бўғоз.
2. Икки материкни бир-биридан ажратиб турувчи канал.
5. Миср территориясидаги канал.


Энига:

1. Шимолий Муз океанидаги норвег денгизчиси исми билан аталувчи денгиз.

3. Евросиёнинг энг жанубидаги бўғоз.

4. Дунёдаги энг катта кўл.

40. Кроссворд. Бўйига:



1. Катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи океан.

5. Шарқда Атлантика, ғарбда тинч океан билан ўралган қитъа.

7. Энг катта материк.

8. Доимий аҳолиси бўлмаган материк.

9. Шарқий қирғоғи Тинч океан билан ўралган материк.

Энига:

1. Ўртасидан экватор кесиб ўтган материк.

2. Халқ номи билан аталувчи океан.


3. Энг катта океан.

4. Сув қобиғи.

6. Энг катта орол.

41. Ороллар, яриморолларқўлтиқлар кроссворди.

Бўйига:



1. Австралия қитъасига тегишли орол.

3. Охота денгизи билан Япон денгизи ўртасидаги орол.

5. Гейзер ва вулканларга бой бўлган яриморол.

7. Атлантика океанидаги қўлтиқ.

8. Ҳинд океанидаги қўлтиқ.

9. Европадаги яриморол.

Энига:


2. Вулкан ва гейзерларга бой бўлган орол.

3. Энг катта яриморол.

5. Оқ ва Барсиқ денгизларининг сувлари билан ювилиб турган яримороль.

6. Катта яримероллардан бири.

42. Дарёлар ва кўллар кроссворди.



Энига:

1. Европадаги дарё.
2. Дунёдаги энг серсув дарё.
3. Европадаги кўл.
6. Африкадаги энг серсув дарё.
9. Бенгалия қўлтиғига қуйилувчи дарё.

Бўйига:

2. Монголиядан бошланиб Тинч океанга қуйилувчи дарё.
3. Лаптевлар денгизига қуйилувчи энг катта дарё.
4. Дунёдаги энг узун дарё.
5. Дунёдаги энг чуқур кўл.
7. Европанинг энг узун дарёси.
8. Европадаги оқар кўл.

Атмосфера ва биосфера

1. Ой юзаси кундуз кунлари 100—120° гача исийди. Кечалари — 100° совийди. Айтинг-чи, нима учун бундай ҳолат ерда бўлмайди?

2. Ҳаво температурасининг эрталаб, тушда ва кечқурун турлича бўлишини қандай изоҳлайсиз?

3. Ҳаво температураси нима сабабдан ёзда юқори, қишда паст бўлади?

4. Нима сабабдан ҳар 1000 метр юқорига кўтарилганда ҳаво температураси 6° га пасайиб боради?

5. Гўшт тоғ тепасида тез пиширилми ёки тоғ этагидами? Буниг сабабини айтинг.

6. Икки группа альпинистлар координаталари 3° ж. к. 37° шқ. у. бўлган чўққига кўтарилмоқда, картадан ўша тоғни топинг.

Биринчи группанинг барометри соат 12°° да 570 мм ни, иккинчи группа барометри эса 427 мм ни кўрсатди, тоғ этагида ҳаво босими 770 мм. Айтинг-чи, бунда қайси группа альпинистлари неча метрга кўтарилган бўлади?

7. Муссон шамоли нима сабабдан қишда қуруқликдан денгизга, ёзда эса денгиздан қуруқликка эсади?

8. Нима сабабдан кечаси қуруқлик устидаги ҳаво салқин, сув устидаги ҳаво эса илиқ бўлади?


9. Муссон шамоли билан бриз шамоли бир-биридан қандай фарқ қилади?

10. Балиқчилар балиқ овига елканли кемаларда кеч-қурун жўнаб кетиб, эрталаб қайтиб келадилар. Нима сабабдан шундай қиладилар, тушунтириб беринг?

11. Нима сабабдан осмон зангори бўлиб кўринади?

12. Планетамиз ўраб турган атмосфера қобиғи қисмларини айтиб беринг.

13. Қуёшнинг қуйидаги ҳолатларини планетамизнинг қаерларида учратиш мумкин?



14. Расмдаги қайси ҳолат сутканинг қайси вақтига тўғри келади?



15. Туш пайтида қаттиқ жала қуймоқда эди, 6 соатдан кейин қуёш нур сочиб, ҳаво очилиб кетиши мумкинми?

16. Қутб юлдузи А. шаҳарда горизонтдан 30° ва Б. шаҳарда эса 47° бурчак остидан кўринади. Айтинг-чи, бу шаҳарлардан қайсиниси шимолда жойлашган?

17. Қуёш билан ой баъзан қизғиш кўринади, сабабини тушунтириб беринг.

18. Бизнинг кўчадаги уйларнинг сояси тушда кўчага тушмайди, кўчамиз қайси томондан қайси томонга қараб йўналган экан?

19. 22 июнда қуёшнинг горизонтдан баландлиги Ашхобод, Душанбе, Тошкент, Фрунзе шаҳарларидан қай бирида юқори бўлади?

20. 23 сентябрь туш пайтида қуёш нурларининг тушиш бурчаги экваторда неча градусга тенг?

21. Тошкентда қутб юлдузи горизонтдан неча градус юқорида кўринади?

22. Метеорологик ва астрономик ёз қачон бошланади?

23. Дунёда шундай шаҳар борки, у уч революцияни бошидан кечирган, унинг қишки кунлари қисқа, ёзида эса кечаси чироқ ёқмасдан ҳам газета ўқиса бўлади. Шимолда унга тенг келадиган бирорта шаҳар йўқ. Айтинг-чи, бу қайси шаҳар ва қайси кенгликда жойлашган?

24. СССРда қуёш қоқ тепамизда турадиган жойлар борми?

25. Агар Ер юзида ҳарорат 0° бўлса, 8000 м баландда учиб бораётган самолёт ташқарисида температура қанча бўлади?

26. Баъзилар туғилган кунларини фақат 4 йилда бир марта нишонлайдилар. Нима сабабдан шундай, тушунтириб беринг.

27. Қутбларда маҳаллий вақтни қандай билиш мумкин?

28. Жанубий тропик чизиғи қайси материкнинг ўртасидан кесиб ўтган?

29. Ёзда Ленинград, Ростов-Дон, Москва шаҳарларининг қайси бирида кун узунлиги қисқароқ?

30. Нима сабабдан қор ёққандан кейин одатда ҳаво тоза бўлади?

31. Планетамизнинг қаерида кеча билан кундуз доимо тенг бўлади?

32. Планетамизнинг қайси нуқтасида бир сутка бутунлай кундуз ва бир сутка буткул тун бўлади?

33. Қутб кундузи жанубий яримшарда ҳам бўладими? Бу ҳақда нима сабабдан жуда кам ёзадилар?

34. Ҳаво очиқ, осмонда юлдузлар чарақлаб турсада, лекин қутб юлдузини кўриб бўлмайди. Айтинг-чи, нима сабабдан шундай?

35. Тошкентдан шимолий қутб ва экваторгача бўлган масофани картадан қандай аниқлаш мумкин?

36. Шимолий қутб иссиқроқми ёки жанубий қутбми?

37. Шимолий қутб доирасидан шимолда жойлашган СССРнинг йирик шаҳарларини айтинг.

38. 43° ғ. у. да жойлашган шаҳарда 22 декабрда қуёш қоқ тепада (зенитда) туради. Айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

39. Социалистик давлатлардан бирининг пойтахтида 22 июнь куни туш пайтида қуёш зенитда туради. Айтинг-чи, бу қайси шаҳар ва нима сабабдан шундай?


40. Атмосфера кроссворди.

Бўйига:

1. Планетамизнинг ҳаво қобиғи.
6. Қишда кўп ёғадиган ёғин тури.
7. Булут ҳосил бўлмаса ҳам ёғадиган ёғин.

Энига:

2. Ҳаво температурасини ўлчайдиган асбоб.
3. Атмосферанинг энг пастки қатлами.
4. Шамолнинг кучи ва йўналишини аниқловчи асбоб.
5. Ҳаво босимини ўлчайдиган асбоб.
6. Эрта баҳор ва кеч кузда кечаси ҳаво температураси 0° дан пасайганда тушадиган ёғин тури.




Табиат компонентлари алоқадорлиги

1. Муз ва тундра зоналарининг кроссворди.

Энига:

1. Муз зонасида кенг тарқалган уча олмайдиган қуш.
3. Энг йирик денгиз ҳайвони.
5. Тундра зонасига хос ўсимлик.



6. Тундра зонасида яшовчи кемирувчи ҳайвонлардан бири.

Бўйига:


2. Муз зонасининг энг йирик ҳайвони.

4. Тундра ва муз зонасининг йиртқич ҳайвони.

6. Тундра зонасининг жанубида ўсувчи дарахт.

2. Мўътадил минтақа ўрмонлар зонасининг кроссворди.

Бўйига:



1. Мўътадил минтақа ўрмонларида яшовчи мўйнали ҳайвон.

3. Кенг тарқалган дарахт.

Энига:

2. Мўътадил минтақанинг игнабаргли ўрмонларида кенг тарқалган дарахт.

4. Совуққа чидамли игна баргли дарахт.

5. Дарё соҳилларида яшовчи мўйнали ҳайвон.

Ер шарининг аҳолиси ва дунё сиёсий картасидаги давлатлар

1. 1988 йилда дунё аҳолиси қанча эди?

2. Планетамиз аҳолисининг сони йилига қанчадан кўпаймоқда?

3. Аҳолининг ўртача зичлиги қандай аниқланади?

4. Дунёда энг кўп тарқалган тиллардан 10 тасини айтинг.

5. Аҳоли сони жиҳатдан дунёда 1, 2, 3-ўринларда турган давлатларни айтинг.

6. Қайси давлат бутун бир материкда жойлашган?

7. Қуруқликда чегараси бўлмаган 5 та давлатни айтинг.

8. Қайси давлатлар икки қитъада жойлашган?


9. Пойтахти дельтада жойлашган давлат номини айтинг.

10. Бизга дўст бўлган мамлакатлардан бирининг пойтахти 50° ш. к. ва 15° шқ. у. да жойлашган. Бу мамлакатнинг пойтахти қандай аталади?

11. Мамлакатлар кроссворди.

Энига:

1. Европадаги социалистик давлат пойтахти.
5. Осиёдаги социалистик давлат.
7. Социалистик давлат пойтахти.
8. Европадаги социалистик давлат пойтахти.



Бўйига:

2. Социалистик давлат.
3. Дунёдаги энг катта шаҳар.
4. Ўзбекистон билан чегарадош бўлган давлат пойтахти.
5. Аҳолиси сони жиҳатидан энг катта араб давлати.
6. Осиёдаги энг ривожланган капиталистик давлат.

VII СИНФ. МАТЕРИКЛАР ВА ОКЕАНЛАР ГЕОГРАФИЯСИ КУРСИ

Африка

1. Африка сўзининг маъноси нима?
2. Шер оғзидан омон қолган сайёҳ ким?
3. Африкани текширган рус саёҳатчиларининг номини айтинг.
4. Капиталистик дунёдаги олтин ва олмос запасининг қанча қисми Африкага тўғри келади?
5. Нима сабабдан Африканинг жанубида ёз январь ойига тўғри келади?
6. 30° шимолий кенглик, 30° шарқий узунликда жойлашган шаҳарнинг номини айтинг.
7. Нима сабабдан Экваториал Африканинг ғарбий қисмида намгарчилик кўп бўлади-ю, шу зонанинг шарқий қисмида, яъни Шарқий Африкада ёғингарчилик кам бўлади?
8. Экваториал Африкада доимий қор ва музликларни учратиш мумкинми?
9. Қайси пашша чақса киши уйқу касалига мубтало бўлади?

10. Африка саванналарига хос бўлган баланд бўйли дарахтни айтинг.

11. Қайси ҳайвоннинг бўйни ниҳоятда узун, у қайси материкда яшайди?

12. Экваторни икки марта кесиб оқувчи дарёнинг номини айтинг.

13. Энг тез чопадиган ҳайвон нима?

14. Планетамизнинг энг иссиқ ва шўр денгизларидан бири, у энг катта икки материкни бир-биридан ажратиб туради. Бу қайси денгиз, унинг шўрлигига сабаб нима?

15. Африкадаги энг кичик, энг катта ва энг узун оёқли қушларнинг номини айтинг.

16. Саҳрои Кабирга борган сайёҳлардан бири бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди. «Туш пайти эди, ҳаво температураси +43°, атрофдан бирданига гумбурлаган кучли шовқинлар чиқиб ҳамма ёқни ларзага келтирди». Йўл бошловчимиз буни «Қуёш товуши» деб тушунтирди, айтинг-чи, бундай товушларнинг пайдо бўлишига сабаб нима?

17. Ҳавони булут қоплаб, ёмғир ёға бошлади, лекин ёғаётган ёмғирнинг бир томчиси ҳам ерга тушмади, айтинг-чи, бундай қуруқ ёмғирнинг бўлишига сабаб нима ва у қаерларда кузатилади?

18. Дунёдаги энг йирик артезиан қудуғи қаерда жойлашган?

19. Африка материгидаги бир ном билан аталадиган давлатлар билан дарёларни айтинг.

20. Одатда, дарёлар денгиз ёки кўлга қуйилади, аммо Африкада қўлтиқдан бошланиб материк ичкарисига оқувчи дарёлар ҳам бор, айтинг-чи, бу дарё Африканинг қайси қисмида жойлашган?

21. Африка каби Жанубий Америка материги ҳам ҳамма томондан сув билан ўралган бўлса-да, аммо Африканинг шимолида Саҳрои Кабир чўли, Жанубий Американинг шимолида эса нам экваториал ўрмонлар ўсиб ётибди. Айтинг-чи, нега шундай?

22. Африканинг энг кўп ва энг кам ёғин тушадиган районларини айтинг. Ёғин кўп ёки кам ёғишининг сабабини тушунтиринг.

23. Африка материги қайси кенгликлар орасида жойлашган?

24. Африканинг қайси дарёсида СССРнинг бевосита ёрдами билан ГЭС ва сув омбори қурилган?

25. Африкадаги энг баланд чўққи ва энг паст ботиқни айтинг.

26. Африка материгидаги аҳолиси бир миллиондан ортадиган шаҳарлар номини айтинг.

27. Африканинг қайси қисмида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган?

28. Африкада энг баланд ва энг паст бўйли қабилалар қаерларда яшайдилар?

29. Африкадаги нокапиталистик йўлдан бораётган давлатларни айтинг.

30. Африкада мустамлакачилик асорати сақланиб келаётган мамлакатларни айтинг.

31. Африканинг қайси давлатида ирқчилик режими кучайган?

32. Нима сабабдан Ғарбий Африканинг дарёлари Шарқий Африка дарёларидан узун?

33. Африкадаги энг чуқур кўлни айтинг, унинг чуқур бўлиши нимага боғлиқ?

34. Нима сабабдан Африка рудали фойдали қазилмаларга бой?

35. Нима сабабдан экватор ёнида йил бўйи температура юқори бўлади?

36. Африкадаги энг иссиқ жой қаерда?

37. Жанубий Африкадаги тропик минтақаларининг ғарбий қисмида Намиб чўли бор. Бу ерга ёғин кам тушади, лекин шу зонанинг шарқий қисмига ёғин жуда кўп тушади, нега шундай?

38. Нима сабабдан Африканинг шарқий қисмида кўллар кўп? Айтинг-чи, нима учун бу кўллар чўзиқ шаклга эга?

39. Африкадаги қайси кўл ўз қирғоқларини ўзгартириб туради, нега шундай?

40. Цеце пашшаси чақса ҳам таъсир қилмайдиган фақат Африкага хос бўлган ҳайвонни айтинг.

41. Фақат Намиб чўлида учрайдиган ўсимликни айтинг.

42. Африкадаги қайси шаҳарни «мангу баҳор» шаҳри деб атайдилар?

43. Африкадаги қайси мамлакат какао етказишда дунёда биринчи ўринни эгаллайди ва унинг бундай ўринни эгаллашига сабаб нима?


44. Африка материгининг марказидан унинг шимолига томон табиат зоналари қандай алмашинса, унинг жанубида ҳам шундай такрорланади. Лекин бошқа мате-

рикларда табиат зоналари бундай жойлашган эмас. Айтинг-чи, нима сабабдан шундай?

45. Африканинг экватордан шимолдаги қисмида чўллар майдони жанубий қисмидагига нисбатан кўпроқ, сабабини тушунтиринг.

46. 1974—75 йилда Африкада мустақилликка эришган мамлакатларни айтинг.

47. Африкада қуёш нурининг тик тушиши йилнинг қайси ойи, нечанчи числосида кузатилади?






48. А ф р и к а ч а й н в о р д и.

1. Ҳинд океанидаги орол.
2. Африканинг шарқий чеккасидаги бурун.
3. Африкадаги энг катта чўл.
4. Африкадаги энг катта тоғлик.
5. Дунёдаги энг катта чўл.
6. Икки материкни бир-биридан ажратиб турувчи канал.

49. А ф р и к а н и н г д а р ё л а р и в а т о ғ л а р и к р о с с в о р д и.

Энига:



1. Африканинг шимолий қисмидаги тоғ.
4. Энг катта дарё.
5. Гвинея қўлтиғига қуйилувчи дарё.
6. Африкадаги энг йирик шаҳар.
7. Дунёдаги энг узун дарё.


8. Африканинг жанубидаги тоғ.

Еўйига:

1. Нил дарёсига қурилган тўғон.
2. Атлантика океанига қуйилувчи дарё.
3. Африканинг жануби-шарқидаги тоғ.
4. 5199 м баландликдаги чўққи.

50. Африканинг сиёсий картаси кроссворди.

Энига:



1. Африкадаги Халқ Демократик Республикаси.
5. Нокапиталистик йўлдан бораётган давлат.
7. Африканинг жанубидаги давлат.
8. Африканинг ғарбидаги давлат.
9. Дастлаб Конго деб аталган давлат.
10. Конго дарё ҳавзасидаги давлат пойтахти.

Бўйига:

2. Африканинг шимоли-ғарбидаги давлат.
3. Пойтахти Браззавиль бўлган давлат.
4. Илгари Португалия мустамлакаси бўлган давлат.
6. Африканинг ғарбидаги нокапиталистик йўлдан бораётган давлат.

Австралия ва Океания

1. Австралия сўзининг маъноси нима?
2. Қайси сайёҳ Австралия материгини кемада айланиб ўтган-у, лекин уни кўрмаган?
3. Қайси сайёҳ Австралияга биринчи бўлиб қадам қўйган?
4. Қайси материкда нима сабабдан вулкан йўқ?
5. Янги Зеландияга борган туристлардан бири шундай деб ёзади: «22 декабрда қуёшнинг иссиқ кунларидан ва жазирама иссиқдан қочишга жой топа олмасдан қолдик»,—дейди. Туристнинг шу ёзгани тўғрими? Декабрь ойида жазирама иссиқ бўлиши мумкинми?
6. Австралия дарёлари қандай сувлардан тўйинади?
7. Фақат Австралияда ўсувчи энг баланд бўйли дарахтни айтинг.

8. Австралия картасидан халтали ҳайвон номи билан аталадиган оролни топинг.

9. Австралияда яшовчи сут эмизувчи ҳайвонлардан қайсиниси (халтали) мутлақо сув ичмайди?

10. Папуаслар ҳаётини текширган буюк рус саёҳатчиси ким эди?

11. Тухум қўйиб, ундан чиққан боласини сут билан боқувчи Австралиянинг энг типик ҳайвонларини айтинг.

12. Австралия материги ҳамма томондан океан ва денгизлар билан ўралган. Шунга қарамасдан территориясининг 65%и қум ва чўллар билан қопланган. Айтинг-чи, нега шундай?

13. Австралияда ўсувчи ўсимликлардан бирининг танасидан ип ва арқон, илдизидан эса шарбатли ичимлик тайёрлаш мумкин. Шу ўсимлик номини айтинг.

14. Австралияда яшайдиган дунёдаги энг кичик ҳайвонни айтинг.


15. Қайси кўл «Австралиянинг жонсиз юраги» деб ном олган?

16. Қуриб қоладиган дарёлар Австралияда қандай аталади?

17. Австралия чўллари Африка чўлларидан қандай фарқ қилади?

18. Ер шарида йиртқич ҳайвонлар учрамайдиган жойни айтинг.

19. Австралияда ўз ирмоғидан деярли икки марта кичик бўлган дарёнинг номини айтинг.



20. Австралияда қўй ва қуёнларнинг хавфли душманини айтинг.

21. Австралия ва Янги Гвинея бир-биридан денгиз орқали ажралиб туради, лекин уларнинг ҳайвонот дунёси бир-бирига ўхшайди, айтинг-чи, нима сабабдан шундай?

22. Австралия чайнворди.

1. Австралия давлатининг пойтахти.

2. Австралия шимолидаги шаҳар.

3. Австралия жанубидаги бўғоз.
4. Австралиянинг ғарбий бурни.
5. Австралия қирғоқларидаги энг катта қўлтиқ.
6. Австралиядаги йирик дарё.
7. Янги Зеландия давлатининг пойтахти.
8. Австралиядаги энг катта шаҳар.
9. Австралия шимолидаги энг катта орол.

Антарктида

1. Антарктида сўзининг маъноси нима?
2. «Мен жанубий яримшар океанини юқори географик кенгликлардан айланиб чиқдим ва бу айланишимдан сўнг, бу ерларда материк йўқ эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади, борди-ю, агар шундай материк бор бўлса, у ҳам сузиб бориб бўлмайдиган қутбга яқин жойлардагина бўлиши эҳтимол... Хуллас, бундан кейин жанубий материкни ахтариб топишнинг кераги йўқ». Бу сўзлар қачон ва ким томонидан айтилган?
3. «Мирный» ва «Восток» кемаларида Антарктидани кашф қилган рус саёҳатчиларини айтинг.
4. Антарктида қайси йили ва нечанчи числода кашф қилинган?
5. Жанубий қутбни биринчи бўлиб қачон ва ким забт қилди?
6. Жанубий қутбга иккинчи бўлиб қайси саёҳатчи борди?
7. Антарктидадаги СССРнинг станцияларини айтинг.
8. Агар Антарктида материгидаги музлар эритилса, Дунё океанининг сув сатҳи неча метр кўтарилар эди?
9. Антарктидадаги энг баланд чўққини айтинг.
10. Антарктидадаги ҳаракатдаги вулкан қайси, айтинг-чи, нима учун у ҳаракатда?
11. Антарктидага ёзда қуёшдан кўп иссиқлик тушишига қарамасдан, у жуда совуқ бўлади, айтинг-чи, нега шундай?
12. Ер шарининг қаерида энг паст температура кузатилади?
13. Антарктидада яшовчи энг кичик ва энг катта пингвинларни айтинг.
14. Қайси материкда фақат биргина табиат зонаси бор? Нима сабабдан шундай?
15. Айсберглардан чучук сув тайёрлаш мумкинми?

16. Шимолий қутб жанубий қутбга қарағанда бирмунча иликроқ, нега шундай?

17. Планетамизнинг совуқ қутби ва шамоллар қутби қаерларда жойлашган?

18. Антарктидадаги биринчи совет станциясининг «Мирный» деб аталишига сабаб нима?

19. Антарктида материги бўлмаса, ернмиз иқлимида қандай ўзгариш содир бўларди?

20. Антарктида қайси давлатга қарайди?


21. «Даҳшатли шторм палаткани ташлаб чиқиб кетишимизга йўл бермаётир, биз заифланиб қолдик, гарчи мен зўр-базўр ёзаётган бўлсам-да, лекин ҳар ҳолда саёҳатга чиққанимдан ачинмайман. Биз нимага журъат этиб бораётганимизни билардик». Айтинг-чи, бу сўзлар кимники?

22. Антарктика ва Антарктида номлари ўртасида қандай фарқ бор?

23. Ер шаридаги қайси материкнинг ҳамма қирғоқлари шимолга қараган?

24. Антарктида кроссворди.

Бўйига:



1. Антарктидадаги ҳаракатдаги вулкан.

2. Антарктидадаги совет станцияси.

4. Антарктиданинг буюк тадқиқотчиси.

6. Антарктидада энг кўп учрайдиган қуш.

Энига:

3. Антарктида қирғоқларидаги денгиз.

5. Жанубий қутбга биринчи бўлиб борган норвегиялик сайёҳ.

6. СССР станцияси.

7. Энг йирик денгиз ҳайвони.

8. Буюк рус денгизчиси.

9. Горизонт томони номи билан аталувчи Антарктидадаги совет станцияси.

Жанубий Америка

1. Қайси материкдаги қандай бурун чолғу асбоби номи билан аталади?

2. Янги қитъани кашф этган, лекин умрининг охиригача «ғарбий денгиз йўли билан Осиё қирғоқларига етдим» деган саёҳатчи ким эди ва нима сабабдан шундай деган?

3. Христофор Колумб қайси оролларни биринчи саёҳатида кашф этган?

4. Христофор Колумб нечанчи саёҳатида Жанубий Америка материгига қадам босди?

5. Американи иккинчи бўлиб кашф қилган ким эди?

6. Жанубий Америкадаги энг баланд чўққи қандай аталади?

7. Анд тоғларини хаёлан Жанубий Американинг ғарбий қисмидан олиб шарқий қисмига жойлаштирсак, унинг иқлимида қандай ўзгаришлар рўй берар эди?

8. Дунёдаги энг серсув дарёни айтинг. Нима учун у шунчалик серсув?

9. Дунёдаги энг баланд шаршара қайси дарёда?

10. Дунёда энг баландда жойлашган кўлни айтинг.

11. 20°—27° жанубий кенгликлар орасида океан бўйлаб 1000 км га қумли-тошлоқ чўл чўзилиб кетган. Бу район ер шарининг энг қурғоқчил районидир. Айтинг-чи, бу қайси чўл, бу ерда ёғин кам бўлишига сабаб нима?

12. Нима учун Жанубий Америкадаги кўпчилик мамлакатлар янги йилни ёз ойида кутиб оладилар?

13. Жанубий Америкада ўсувчи энг катта баргли ўсимликни айтинг.

14. Жанубий Америкада учрайдиган энг катта илонни айтинг.

15. Амазонка дарёсида яшовчи энг қонхўр йиртқич балиқни айтинг.

16. Жанубий Америка материги учун характерли бўлган митти қушни айтинг.

17. Метислар, мулатлар, самболар деганда нимани тушунасиз?

18. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, Америкадаги давлатлар ва дарё номи келиб чиқади.

А — — — — — — — — А, В — — — — — — — — А,
П — — — — — — — Й, А — — — — — — —А.

19. Анд тоғларида учадиган энг йирик йиртқич қушнинг номини айтинг.

20. Жанубий Америкада шундай ҳайвон борки, маҳаллий халқ унинг гўшти ва сутини истеъмол қилади,

жунидан ҳам фойдаланади, юк ҳам ташийди. Бу ҳайвоннинг номини айтинг-чи?

21. Поляк ёзувчиси Фидлернинг китобида қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: «Бундай ўрмонларга кириб қолган киши икки марта қувонади, табиатнинг бу қадар улуғворлиги ва хилма-хил манзаралардан ҳайратга тушган биринчи куни, у гўё ўзини афсоналардаги жаннатга кириб қолдим, деб ўйлайди ва, ниҳоят, яшил алвасти дастидан эс-ҳушини йўқотиш олдида ундан қутулиб кетаётган сўнгги кунда беҳад қувонади». Айтинг-чи, бу ерда ёзувчи қайси ўрмонларни тилга олган ва нега шундай?

22. Жанубий Америкадаги энг катта ва энг кичик давлатларни айтинг.

23. Жанубий Америка материги Птолемей картасида ва Бехайм глобусида ҳам бормиди?


24. Жанубий Америкада саванналар қандай номлар билан юритилади?

25. Жанубий Американинг саванна ва сийрак ўрмонлари учун характерли бўлган ўсимликларни айтинг.

26. Жанубий Америка даштлари учун характерли бўлган қимматбаҳо мўйнали ҳайвонни айтинг.

27. Жанубий Америка кроссворди.

Бўйига:



1. Жанубий Американинг энг жанубий чеккасидаги бурун.
2. Икки материк ўртасидаги канал.
3. Жанубий Америкадаги дарё.
4. Бир ном билан аталувчи дарё ва давлат.
6. Катта пасттекислик.
8. Материк билан Оловли Ер орасидаги бўғоз.
9. 1973 йил 11 сентябрда халқ ҳокимияти ўрнига фашистик режим ўрнатилган давлат.

Энига:

3. Жанубий Американинг ғарбидан ўтувчи совуқ оқим ва шу номдаги давлат.
5. Анд тоғларининг энг баланд чўққиси.
7. Жанубий Американинг йирик мушуги.
10. Жанубий Америкадаги давлат.
11. Жанубдаги субтропик минтақа номи.
12. Шимолдаги тоғлик.
13. Дунёдаги энг қурғоқчил чўл.
14. Йил бўйи экватор томон эсиб турувчи шамол.

Шимолий Америка

1. Шимолий Американи кимлар биринчи бўлиб кашф қилдилар?
2. Ер шаридаги энг катта орол қайси қитъага қарайди?
3. Дунё океани сувининг энг баланд кўтарилиши ва қайтиши қаерда кузатилади?
4. Шимолий Американинг шимолий қирғоқларини биринчи бўлиб қайси саёҳатчилар текширган?
5. Жанубий Американинг энг баланд чўққисини айтинг.
6. Ер шаридаги энг узун тоғ тизмаси қаерда жойлашган?
7. Марказий Америкадаги вулканлардан бири 1964 йили тўсатдан отила бошлади. У 15 ой бетўхтов ҳаракатда бўлди. Унинг отилиши миллион-миллион доллар зарар келтирди. Айтинг-чи, бу қайси вулкан?
8. Тез айтинг: Миссисипи дарёси Гудзон, Бискай, Бенгалия, Мексика қўлтиқларининг қайсинисига қуйилади?
9. Атлантика океанига қуйиладиган денгизлардан

бирининг қирғоқлари йўқ. Айтинг-чи, бу денгиз қаерда жойлашган?

10. Шимолий Америкада нечта иқлим минтақаси бор ва қандай аталади?

11. Шимолий Америкада ўсадиган баланд бўйли дарахтни айтинг.

12. Ер шаридаги қайси дарёда дунёда энг йирик каньон (дара) ҳосил бўлган?

13. Кактус ва агава ўсимликларининг ватани қаер?

14. 1959 йилда озодликка эришган республиканинг номини айтинг.

15. Шимолий Американинг маҳаллий аҳолисини қайси халқлар ташкил қилади?


16. Шимолий Америка материгида қайси давлат майдони жиҳатдан энг катта?

17. Гренландия ороли қайси давлатга қарайди?

18. Панама канали қачон қурилди ва ишга тушди, узунлиги қанча?

19. Ҳарфлар билан боғланган чизиқлардан фойдаланиб, Марказий Американинг 2 та вулканини ўқиш мумкин. Айтинг-чи, бу қайси вулканлар?

20. Катта Антил оролларидаги давлат пойтахтининг 3- ва 4-ҳарфларини ташлаб ўқисангиз, Африкадаги какао мамлакати деб аталадиган давлатнинг номи келиб чиқади. Қани айтинг-чи, булар қайси шаҳар ва давлат бўлиши мумкин?



21. Шимолий Американинг илгари Россиянинг мулки бўлган қисмини айтинг.

22. Шимолий Америка дарёларини айтинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйинг.

— и — — и — и — и,
А — а — а — — а,
А — — а — — а —,
— о — о — — — о.

23. Шимолий Америкада дашт ва ўрмон даштларни нима деб аталади?

24. Шимолий Американинг фақат Арктика чўли учун характерли бўлган ҳайвонни айтинг.

25. Шимолий Америкадаги энг катта порт шаҳар қайси? Айтинг-чи, унда қанча аҳоли яшайди?

26. Торнадо (қуюн) Шимолий Американинг қайси қисмида кўпроқ рўй беради, айтинг-чи, у қандай қилиб вужудга келади?

27. Шимолий Америкадаги қайси давлат ўрмонга бойлиги бўйича дунёда иккинчи, газета қоғози тайёрлаш бўйича биринчи ўринда туради?

28. Канада ўтмишда қайси давлатнинг мустамлакаси бўлган?

29. Калифорния водийсига нима сабабдан ёғин жуда кам тушади?

30. Шимолий Америка кроссворди.

1. Шимолий Америкадаги энг катта яриморол.

2. Кордильера тоғларининг энг баланд чўққиси.


3. Шимолий Американинг жанубидаги тоғлик.

4. Дунёдаги энг катта орол.

5. Шимолий Америкадаги кўл.

6. Калифорния қўлтиғига қуйиладиган дарё.

7. Энг катта давлат.



Евросиё

1. «Европа» ва «Осиё» сўзларининг маъноси нимани билдиради?

2. Евросиёдаги қайси бўғозлар икки материк, икки давлат, икки денгизни бир-биридан ажратиб туради?

3. Ер шарида шундай бир «денгиз» борки, унда чўмилсангиз, сувнинг устида ётиб бемалол китоб ўқишингиз мумкин. Бу қайси денгиз ва нима сабабдан шундай?

4. Ранг номи билан аталувчи денгизлар қайси океанларда жойлашган?

5. Тоғ жинси номидаги энг кичик денгизни айтинг.


6. Баландлиги 2500 м келадиган, узунлиги бир неча минг километрларга чўзилган, лекин океан сатҳидан бир метр ҳам юқорига кўтарилмаган тоғ тизмалари қаерларда жойлашган?

7. Планетамиздаги кўллардан бири, унинг территориясига Буюк Британия, Австрия, Швейцария каби дав-


латларни жойлаштириш мумкин. Бу қайси кўл? Кўл сувининг юзаси океан сатҳидан неча метр пастда?

8. Планетамизда шундай бир денгиз борки, у 4 денгиз орқали океан билан туташади, бу қайси денгиз?

9. Океан сатҳидан баландда жойлашган денгиз кўлни айтинг.




10. Қуйидаги катакларга Европадаги 5 та кўл номининг охирги ҳарфлари ёзилди. Қолган катакларга тегишли ҳарфларни қўйсангиз шу кўлларнинг номлари келиб чиқади. Айтинг-чи, бу лар қайси кўллар?



11. Бўш катакларга тегишли ҳарфларни қўйиб чиқсангиз, Евросиёдаги 4 та бўғознинг номи келиб чиқади.

12. Сўроқ аломатлари ўрнида қандай географик объектлар акс эттирилган?



13. Денгизлардан бирида 2 та орол жойлашган, ороллардан бири Европага, иккинчиси Осиёга қарайди. Ороллар номини ва денгизни айтинг.

14. Қайси денгизда ёзда энг юқори температура кузатилади?

15. Андаман ва Никобар оролларини ажратиб турувчи бўғозни айтинг.

16. Ўрта денгиздаги ороллардан бири Ўрта Европадан оқадиган дарё номи билан аталади. Шу орол ва дарёни айтинг.

17. Қайси океанда энг кучли тўлқинлар кузатилади?

18. Қайси бўғоз 2 та денгиз, 2 та океан, 2 та ярим-оролни бир-биридан ажратиб туради?

19. Жомолунгма чўққиси қайси тизмада ва у нечанчи йилда забт қилинди?

20. Евросиёдаги энг баланд чўққи ва энг паст ботиқни айтинг.

21. Евросиёда энг кўп ёғин тушадиган районни айтинг ва нега бу ерга ёғин кўп тушади?

22. Евросиёда энг иссиқ ва энг совуқ бўладиган жойлар қаерларда жойлашган?

23. Евросиё материгининг жануби-ғарбий субтропик районларида ёғин қиш ойида кўп ёғади, ёзда кам, шу материкнинг шарқий субтропик қисмида ёз ёмғирли бўлиб, қиш қуруқ келади. Буларнинг сабаби нимага боғлиқ?

24. Евросиёдаги энг чуқур кўлни айтинг, у нега бунчалик чуқур?

25. Евросиёдаги ранг номи билан аталадиган дарёларни айтинг.

26. Евросиёдаги кўчиб юрувчи кўлнинг номини айтинг.

27. Евросиёдаги дарёлардан бирининг ўнг қирғоғи Европада, чап қирғоғи Осиёда, айтинг-чи, бу қайси дарё?

28. Осиё чўлларининг подшо ўсимлигини айтинг.

29. Евросиёда ўсадиган энг узун пальмани айтинг.

30. Осиёда ўсадиган, паразит ҳаёт кечирувчи, гули катта ўсимликни айтинг.

31. Евросиёда яшовчи энг катта калтакесакни айтинг.

32. Евросиёдаги энг катта мева берувчи дарахтни айтинг.

33. Евросиёда аҳоли энг зич жойлашган районларни айтинг.

34. Евросиёдаги энг катта фьордни айтинг.

35. Евросиёдаги аҳоли сонига кўра энг катта бўлган шаҳарларни айтинг.

36. Осиёдаги қайси давлат араб давлатларининг ерларини зўравонлик билан босиб олди?

37. Осиёдаги қайси халқ ўзини хань деб атайди?

38. 1907—1909 йилларда Гоби чўлида қадимий Хоро-Хото шаҳрининг қолдиқларини топган жасур саёҳатчини айтинг.

39. Осиё чўлларида яшовчи қайси ҳайвонни чўл кемаси дейишади?

40. Олд Осиёда ўсувчи қайси ўсимликни халқ нон ўрнида истеъмол қилади?

41. Осиёда нефть энг кўп учрайдиган жойни айтинг.

42. «Агар кундуз куни ҳаво очиқ ва сокин бўлса, кун илиқ, ҳатто иссиқ бўлади, қуёш қиздиради, аммо осмонни булут босиши, айниқса, ёмғир ёғиши ёки кучли шамол туриши билаиоқ, ҳаво дарҳол совиб кетади. Ҳаво очиқ, шамолсиз кечалар, бутун ёз бўйи этни жунжитади, бир кун давомида эрталаб қиш манзарасини кўриш мумкин». Бу сўзларни қайси буюк саёҳатчи айтган эди?

43. Япониядаги энг баланд муқаддас вулканни айтинг.

44. Қайси халқ сигирни муқаддас деб билади?

45. Қайси қитъада Москва тоғ тизмаси ва унинг Кремль чўққиси бор? У қаерда жойлашган ва ким томонидан кашф қилинган?

46. Ҳиндистонда қайси жой рус саёҳатчиси номига қўйилган?

47. Ер шаридаги энг катта вулкан қаерда?

48. Қайси океанга дарёлар кўп сув қуяди?

49. Евросиёнинг қаерини гейзерлар ўлкаси деб аташ мумкин?

50. Осиёнинг энг шимолидаги яриморолни айтинг.

51. Евросиёдаги тоғ тугунларини айтинг ва тоғ тугунлари деганда нимани тушунасиз?

52. 1908 ва 1923 йилларда кучли зилзилалар рўй берган жойларни айтинг ва бундай кучли зилзилаларнинг бўлишига сабаб нима?

53. Евросиё материгининг қайси қисмида ёғин фаслар бўйича бир меъёрида ёғади? Айтинг-чи, бундай бўлишига сабаб нима?

54. Евросиё энг кенг тарқалган қайси маданий ўсимликларнинг ватани ҳисобланади?

55. Экваториал ўрмонлар учун характерли бўлган ўнта ҳайвонни айтинг.

56. Дунёга Нансен, Р. Амудсен каби машҳур қутб денгизчи сайёҳларни етиштириб берган давлатни айтинг.

57. Қуйидаги дарёларни ўқинг: И — — — — — — и, Г — — г, — — а — — а — — — — — а, а — — а — а. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйинг.

58. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб, пойтахт шаҳарларни ўқинг: О — — о, А — — — — а, А — — — — — а. Айтинг-чи, улар қайси давлатларнинг пойтахтлари?


59. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб, давлатларнинг номларини айтинг:

Я — — — — я, Ф — — — — — — — н,
И — — — — — — — я, И — — — — — — — я,
И — — — — — я,

60. Евросиёнинг сиёсий картаси кроссворди.

Энига:


1. Япония давлатига қарайдиган ороллар группаси.
3. Осиёдаги давлатнинг пойтахти.
5. СССР билан чегарадош давлат.
6. Европадаги социалистик давлат пойтахти.
8. СССР билан чегарадош социалистик давлат.



9. Европадаги капиталистик давлат пойтахти.
10. Европада ороллар ва яриморолда жойлашган капиталистик давлат.
11. Арабистон яриморолининг жанубидаги давлат.
12. Кичик Осиё яриморолидаги давлат.

Бўйига:

2. Европадаги социалистик давлат.
3. Европадаги социалистик давлат пойтахти.
4. Осиёдаги ороллардa жойлашган давлат.
7. Болқон яриморолидаги давлат пойтахти.
8. СССР билан чегарадош давлатнинг пойтахти.




61. Европанинг дарёлари ва кўллари чайнворди.

1. Волга дарёсининг ўнг ирмоғи.
2. Ленинград областидаги машҳур дарё.

3. Волга дарёсининг чап ирмоғи.
4. Франциядаги йирик дарё.
5. Балтика денгизига қуйиладиган дарё.
6. Балтика ҳавзасининг дарёси.
7. Судет тоғларидан бошланиб Шимолий денгизга қуйиладиган дарё.
8. Шарқий Европадаги кўл.
9. Ғарбий Европада Швейцария давлатидаги шаҳар номи билан бир номда аталувчи кўл.
10. Баренц денгизига қуйиладиган дарё.

62. Европанинг ер юзаси тузилиши кроссворди.

Бўйига:




1. Қирғоқлари ўйилиб кетган яриморол.
2. Ўрта денгизга туртиб чиққан яриморол.
5. Сицилия оролидаги ҳаракатдаги вулкан.
7. Европанинг жанубидаги тоғлар.

Энига:

3. Европадаги 5 та давлат территорияси бўйлаб чўзилган ёш тоғ.
4. Исландия оролидаги ҳаракатдаги вулкан.
5. Атлантика океани ва Ўрта денгиз оралиғидаги яриморол.
8. Европанинг энг чекка шимолий нуқтаси.
9. СССР территориясидаги яриморол.

63. Евросиёнинг рельефи, денгизлари, қирғоқ тузилиши кроссворди.




Бўйига:

1. Скандинавия яриморолида кенг тарқалган қирғоқ типи.
3. Евросиёнинг шарқида жойлашган орол.
4. Қара денгизига туртиб чиққан яриморол.
7. Баренц ва Оқ денгизлар ўртасидаги яриморол.
8. Дунёдаги энг катта ва баланд тоғлик.

Энига:

2. Вулкан ва гейзерларга бой бўлган орол.
5. Болқон ва Кичик Осиё яриморолларн оралиғидаги денгиз.
6. Осиё ва Европа қитъаларини ажратувчи табиий чегара.
7. Вулканларга сероб бўлган икки денгиз оралиғидаги яриморол.
9. Дунёдаги энг шўр денгиз.
10. Апеннин яриморолидаги вулкан.

64. Евросиёнинг дарёлари ва кўллари кроссворди.



Бўйига:

1. Тибет тоғлигидан бошланувчи дарё.
2. Альп тоғларидан бошланиб Ўрта денгизга қуйиладиган дарё.
3. Евросиёда каттали-ги бўйича 2-ўринда турувчи кўл.
4. Бенгалия қўлтиғига қуйиладиган дарё.
5. Европа қитъасидаги энг узун дарё.
8. Такла-Макон чўлини кесиб ўтувчи дарё.

Энига:

2. Альп тоғларидан бошланиб денгизга қуйиладиган дарё.
6. Евросиёнинг шимоли-ғарбидаги чучук сувли кўл.
7, 9. Амур дарёсининг ирмоқлари.
10. Евросиёнинг шарқидаги серсув дарё.
11. Евросиёнинг жануби-шарқидаги Жанубий Хитой денгизига қуйиладиган дарё.

65. География картадан 3 та Европани топинг-чи?

VIII—IX СИНФЛАР. СССР ГЕОГРАФИЯСИ

Кириш

СССРнинг географик ўрни

1. СССР территорияси қайси материклардан катта ва қанча майдонни эгаллайди?

2. СССРнинг материкдаги шимолий бурнини ким кашф қилган?

3. Осиё билан Америка қитъалари ўртасидаги бўғоздан В. Берингдан ҳам олдин ўтган рус саёҳатчиларини айтинг.

4. СССР қуруқликда нечта давлат билан чегарадош ва уни нечта денгиз ўраб туради?

5. СССР чегараси экватор чизиғидан неча км узун?

6. СССР қайси давлатлар билан энг узун ва энг қисқа масофада чегараланади?

7. СССР чегараси бўйлаб суткасига 30 км дан юрилса, уни неча кунда айланиб чиқиш мумкин?

8. СССРнинг қайси яриморолн ғарбий яримшарда жойлашган?

9. СССРнинг ғарбий ва шарқий, шимолий ва жанубий чекка нуқталари орасидаги масофалар қанчага тенг?

10. Нечанчи меридиан СССР территориясининг қоқ ўртасидан ўтган?

11. СССРнинг шимолий қутбга энг яқин жойлашган оролини айтинг.

12. Самолётда шимолий қутб орқали қўнмасдан Америкага борган жасур учувчилар кимлар эди?

13. Кушка шаҳридан Шимолий Муз океани қирғоқларигача ва экваторгача неча км?

14. СССР ғарбдан шарққа (шимолий қутб чизиги бўйлаб) неча км га чўзилган (1° ёй — 47 км)?

15. Ватанимизнинг энг шарқий нуқтаси қайси меридиандан ўтган?

16. СССР қуруқлик чегарасининг узунлиги қанча?

17. СССРни ўраб турган денгизларда неча км гача бўлган оралиқ территориал сувлар ҳисобланади?

18. Арктиканинг Совет Иттифоқига қарашли қисми қайси узунликлар оралиғида жойлашган?

19. СССРнинг географик ўрни ва чегаралари кроссворди.

Энига:

1. Беринг экспедициясининг иштирокчиси, рус текширувчиси.

3. СССР Европа қисмининг шимолидаги орол.

4. СССР шарқида чегара бўйлаб оқадиган дарё.

5. СССРнинг жанубидаги чегарадош давлат.

6. СССР билан чегарадош капиталистик давлат.


7. Чегарадош социалистик давлат.

8. Осиёдаги социалистик давлат.

10. СССРнинг энг жанубидаги шаҳар.

11. Бундан 300 йил олдин Шимоли-Шарқий Осиё қирғоқларини текширган буюк рус денгизчиси.

12. СССР билан чегарадош капиталистик давлат.



Бўйига:

2. СССР билан чегарадош социалистик давлат.

3. СССР билан чегарадош бўлган социалистик давлат.

4. ЎзССР билан бевосита чегарадош бўлган давлат.

7. 1742 йилда мамлакатимизнинг материкдаги шимолий нуқтасини кашф қилган саёҳатчининг номи.

9. СССР билан чегарадош, ороллларда жойлашган капиталистик давлат.

20. Айтинг-чи, Россияда география жамиятининг 1-президенти ким бўлган?

21. Қайси денгизлар 3 тадан иттифоқдош республикаларнинг қирғоқларини ювиб туради?

22. Иттифоқдош республикалардан бирининг территориясига бутун Ғарбий Европани жойлаштириш мумкин. Айтинг-чи, бу қайси республика?

23. Қайси иттифоқдош республикалардан Москвага сув йўли орқали бориб бўлмайди?

24. Қайси иттифоқдош республика аҳоли зичлиги бўйича Иттифоқда биринчи ўринда туради?

25. Иссиққўл билан Ғалаба чўққиси қайси иттифоқдош республика территоясида жойлашган?


26. Қуйида иттифоқдош республикаларнинг фақат **Р** ҳарфлари ёзилди, тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, ўша иттифоқдош республикаларнинг номлари келиб чиқади.

1) — — Р — — — —
2) — Р — — — — — — — —
3) — — — Р — — — — — —
4) — — — — Р — — — — —

5) — Р — — — —

ва ҳоказо.

27. Қуйидаги республикалар контуридан Туркманистон ССР ни топинг.




28. СССРнинг сиёсий-маъмурий картаси кроссворди.

Бўйига:

1. Балтика бўйидаги иттифоқдош республика.
2. Ўрта Осиёдаги иттифоқдош республика.
6. Территорияси бўйича энг катта АССР.
8. РСФСР составидаги АССР.
9. РСФСР составидаги АССР.
10. Осиё қитъасининг марказида жойлашган АССР пойтахти.

Энига:



3. СССРда территориясининг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи иттифоқдош республика.

4. Балтика бўйидаги иттифоқдош республика.

5. Грузия ССР составига кирувчи АССР.

7. АССР пойтахти.

10. Волга бўйидаги АССР.

11. Аҳоли сони жиҳатидан РСФСРдан кейинда турувчи иттифоқдош республика.

29. Қайси иттифоқдош республикалар территориясида мамлакатимизнинг шимолий, шарқий чекка нуқталари жойлашган?

30. Территорияси денгиз сатҳидан энг баландда ва энг пастда жойлашган иттифоқдош республикаларни айтинг.

31. Тез айтинг: қайси иттифоқдош республикалар РСФСР билан бевосита чегарадош эмас?

32. СССР территорияси ғарбдан шарққа неча градусга чўзилган?

33. Москвада соат 12^{00} бўлганда Фрунзе, Иркутск, Чита, Владивосток шаҳарларида соат неча бўлади?

34. СССР территориясининг ғарби билан шарқи ўртасидаги вақт фарқини 11 соат-у, 20 минут деймиз. Айтинг-чи, буни қандай аниқлаймиз?

35. Янги йилнинг 1 январида Владивостокдан юборилган табрик телеграммани Москвада 31 декабрда олиш мумкинми?

36. Тез айтинг: Ашхобод, Ереван, Душанбе шаҳарларининг қайси бири экваторга яқинроқ?

37. Маълумки, янги йилни биринчи бўлиб Ватанимизнинг шарқий районларида яшовчи аҳоли кутиб олади, қани айтинг-чи, янги йил Тошкентга қандай тезлик билан кириб келади? Владивостокда янги йилни кутиб олган киши ИЛ—62 самолётида соатига 900 км тезлик билан Тошкентга учиб келиб янги йилни иккинчи марта нишонлаши мумкинми?

38. СССР территориясида янги йилни неча марта кутиш мумкин?

39. Қўлингизда масштаблари ўчиб кетган эски карта, фақат унинг параллелларинигина кўриш мумкин. Айтинг-чи, шу картанинг масштабини қандай аниқлаш мумкин?

40. Бир меридианда жойлашган Тошкент ва Салехард шаҳарлари орасидаги масофани энг оддий усул билан қандай аниқлаш мумкин?


41. А. шаҳар 51° ш. к. ва 30° шқ. у. да жойлашган. Б. шаҳар ҳам 51° ш. к. ва 35° шқ. у. да жойлашган. Қани ҳисоблаб кўринг-чи, шаҳарлар орасидаги масофа қанча км га тенг?

42. Шимолий қутб доирасидаги бир кенгликда жойлашган Салехард шаҳри билан Дежнёв бурни орасидаги масофани қандай аниқлаш мумкин? Бунинг учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланинг:

Географик кенглик	1° ёйнинг узунлиги	Географик кенглик	1° ёйнинг узунлиги
0°	111,3 км	50°	71,68 км
10°	109,62 км	60°	55,79 км
20°	104,63 км	70°	38,18 км
30°	96,47 км	80°	19,39 км
40°	85,38 км	90°	0 км

43. Кроссворд.

Энига:



1. Бир хил температурали жойларни бирлаштирувчи чизиқ.

3. Бурчакларнинг картага тўғри тушириш проекцияси.

6. Бир хил баландликдаги жойларни бирлаштирувчи чизиқ.

7. Ёғин миқдорлари бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқ.

8. Жой рельефини мукаммал чизиб кўрсатиш усули.

9. Нишаблик кўрсаткичи белгиси.

Бўйига:


1. Чизиқлар, майдонлар, бурчакларнинг нотўғри кўрсатилиш проекцияси.

2. Жой ёнбағирларини оч, тўқ рангларга бўяб кўрсатиш усули.

4. Атмосфера босими бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқ.

5. Шимолий йўналиш билан муайян нуқтагача бўлган йўналиш орасида ҳосил бўлган бурчак.

44. Атласдаги топографик шартли белгилардан фойдаланиб, қуйидаги 1 см: 250 м масштабда тузилган топографик картани ўқинг.



VIII СИНФ. СССРнинг ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

СССРнинг рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари

1. СССР территориясидаги жойларнинг абсолют баландлиги қаерга нисбатан белгиланади?

2. Турон пасттекислиги Ғарбий Сибирь пасттекислигидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

3. Шарқий Европа текислигининг кўпгина жойларида бўрнинг қалин қатламлари учрайди. Нима сабабдан шундай, тушунтириб беринг.

4. Ғарбий Сибирь пасттекислиги ер ости сувларига жуда бой, нега шундай?

5. Геосинклинал областларда фойдали қазилмаларнинг қандай турлари кўп учрайди?

6. Тоғ жинсларининг абсолют ёшини қандай аниқлаш мумкин?

7. СССР территориясида қандай платформаларни биласиз?

8. Сибирь платформасида кўплаб нефть конлари топилмоқда. Маълумки, рудали фойдали қазилмаларнинг кўпи платформада ҳосил бўлган, сабабини тушунтириб беринг.

9. Урал ва Хибин тоғларида жуда кўп фойдали қазилмалар учрайди. Нега шундай, сабабини тушунтириб беринг.

10. Баъзи тоғлар секин-аста кўтарилиб бормоқда. Фараз қилайлик, кўтарилиш йилига 1 мм дан бўлса, 50 миллион йилдан кейин уларнинг баландлиги 50 км га етиши керак эди. Аммо кўпчилик баланд тоғларнинг пайдо бўлганига 100 млн. йилдан кўп бўлган. Нима сабабдан ҳали планетамизда баландлиги 10 км келадиган тоғлар йўқ?

11. Мамлакатимиз территориясида СССР, Хитой, Афғонистон давлатларининг чегараларидан ўтадиган қайси тоғ системалари бир-бири билан туташган? Номларини айтинг.

12. Ғалаба чўққиси қайси тоғ тизмасида жойлашган? Бу чўққининг Ғалаба деб аталишига сабаб нима?

13. СССР нинг энг баланд чўққиси билан энг паст ботиғи орасидаги фарқ неча метрни ташкил этади?


14. Картага қарамасдан Тошкент ёки Ашхобод, Куйбишев ёки Калинин шаҳарларидан қайси бири океан сатҳидан баландда жойлашганлигини айтинг.

15. Бу расмда СССР территориясидаги қайси тоғ тизмалари ва уларнинг чўққилари акс этган?

16. Доҳиймиз В. И. Ленин қайси фойдали қазилмани «Саноатимиз нони» деб айтган эди?

17. А. Е. Ферсман Ватанимизнинг қайси районини «Минераллар макони» деб айтган?

18. Мамлакатимиз территориясидан ўтган 60-меридианни баъзан «кумуш меридиан» деб ҳам атайдилар, айтинг-чи, нима сабабдан шундай?



19. Қозоғистондаги йирик темир конларидан бирини самолёт бошқариб кетаётган учувчи кашф этган. Бунинг рудаси мамлакатимиздаги энг йирик металлургия комбинатига жўнатилади. Айтинг-чи, сўз қайси кон ва қайси комбинат тўғрисида кетяпти?


20. Қуйидаги жадвални ким тез тўлдиради? Шартли ҳолда рудали қазилмани 1, чўкинди фойдали қазилмани 2 деб белгиланг.

Фойдали қазилма олинадиган жойлар номи	Қандай фойдали қазилма олинади	Фойдали қазилма олинадиган жойлар номи	Қандай фойдали қазилма олинади
1. Кривой Рог		9. Никополь	
2. Оллаверди		10. Газли	
3. Донбасс		11. Дошкесан	
4. Дашава		12. Самотлор	
5. Ткварчели		13. Мирный	
6. Чиатура		14. Алдан	
7. Қоратов		15. Жезқазган	
8. Соликамск			

21. СССР территориясининг геологик тузилиши кроссворди.

Бўйига:

1. 70 млн. йил давом қилган геологик давр.
2. Ернинг ички қисмидан чиқиб тоғ жинслари орасига кириб келган магма.
3. Полеозой эрасининг охирги геологик даври.
4. Тошкўмирнинг йирик ҳавзаси.



6. Урал, Олтой, Тяншань тоғлари кўтарилган геологик давр.

7. Мезозой эрасининг охирги геологик даври.

Энига:

5. Тоғ жинслари орасида тош қотган денгиз ва қуруқлик жониворларини ўрганувчи фан.


6. Кристалл жинслардан иборат фундаментнинг устини чўкинди жинслар қоплаб ётган жойлар.

8. Ўрта Эра.

9. 24 млн. йил давом этган геологик давр.

22. Тоғлар чайнворди.

Мамлакатимиз территориясида жойлашган охири **Й** ва **Р** ҳарфлари билан тугайдиган тоғларни айтинг.



I

II

СССР ни ўраб турган денгизлар

1. СССР қирғоқларини ювиб турган қайси денгизлар икки давлатни бир-биридан ажратиб туради?

2. СССРнинг қайси денгизини энг ички денгиз деб айтиш мумкин?

3. СССР ни ўраб турган денгизлардан бири СССРдан бошқа яна 6 та давлат қирғоқларини ювиб туради. Шу денгиз ва давлатлар номини айтинг.

4. СССРдаги қайси денгиз жасур саёҳатчилар (акаука сайёҳлар) номи билан аталади?

5. Мамлакатимиз қирғоқларини нечта денгиз сувлари ювиб туради?

6. СССР нинг қайси яриморолн иккита океан сувлари билан ювилиб туради?

7. СССР га қарашли иккита қитъа денгизлари билан ювилиб турадиган оролни айтинг ва картадан топинг.

8. Қуруқлик ичкарисига суқилиб кирган денгизлардан бирининг бир қанча қўлтиқлари бор, у 6 ойгача муз билан қопланиб ётади. Суви у қадар шўр эмас, тюленлар кўп учрайди, айтинг-чи, бу қайси денгиз?

9. СССР денгизлари ичида энг катта ва энг чуқур денгиз бор. Унда кит ва денгиз мушуклари кўп учрайди. Айтинг-чи, бу қайси денгиз?

10. Қайси денгизда социалистик давлатлардан бирининг номидаги қўлтиқ бор?

11. Шимолий Муз океани қанча акваторияни эгаллайди?

12. Чукотка денгизи билан Шарқий Сибирь денгизи бир кенгликда жойлашган. Бироқ Чукотка денгизи, Шарқий Сибирь денгизига қараганда бирмунча илиқроқ, нега шундай?

13. Барча кемалар рус денгизчиси шарафига қўйилган бурун ёнидан ўтаётганларида кема байроғини баланд кўтариб сигнал бериб ўтадилар. Айтинг-чи, бу қайси бурун?

14. Арктика денгизларидан бирида Совет давлати ва Коммунистик партиянинг йирик арбобларидан бири шарафига қўйилган орол бор, айтинг-чи, бу қайси денгизда жойлашган?

15. Россия номидаги орол қайси денгизда жойлашган?

16. Қайси денгизлар 3 та иттифоқдош республика қирғоқларини ювиб туради?

17. Қора денгиздан Азов денгизигача пиёда 2—3 соатларда етиш мумкинми?

18. Денгизлар чуқурлиги қандай асбоб ёрдамида аниқланади?

19. Россияда денгизларни ўрганиш соҳасида катта ишлар қилган буюк адмирал ким эди?

20. СССР қирғоқларини ювиб турган энг саёз, энг чуқур ва энг кичик денгизларни айтинг.

21. Шимолий Муз океанида буюк совет географ-океаншунос олими шарафига қўйилган бўғоз бор, бу бўғоз икки денгизни ва икки оролни бир-биридан ажратиб туради. Бу қайси бўғоз?

22. Мамлакатимиз картасида жасорат кўрсатган хотин-қизлар номи билан аталадиган жойни айтинг.

23. СССРда сув энг юқори кўтариладиган жойларнинг номини айтинг.

24. Камчатка яримороли Охота ва Беринг денгизла-

рининг суви билан ювилиб туради. Камчатский ярим ороли қайси денгиз сувлари билан ювилиб туради?



25. Узоқ Шарқнинг қайси бўғозлари шу ўлканинг ўзидаги областлар номи билан аталади?

26. Сибирь ва Узоқ Шарқни биринчи бўлиб текширган рус саёҳатчиларини айтинг.


27. XIX асрнинг ўрталарига қадар Сахалинни яриморол деб келинган, ҳатто машҳур денгизчилар Крузенштерн ва Лаперузлар ҳам Сахалинни яриморол деб ёзиб қолдирганлар. 1848 йилнинг кузидагина рус денгизчиги Сахалиннинг орол эканлигини исботлайди. Бу машҳур денгизчи ким эди?

28. Шимолда жойлашган Баренц денгизи музламайди-ю, аммо ундан анча жанубда жойлашган Балтика денгизи музлайди, айтинг-чи, нега шундай?

29. Оқ денгизнинг «оқ» деб аталашига сабаб нима?

30. Каспий денгизининг олдинги номларидан 5 тасини айтинг.

31. СССР денгизлари кроссворди.



Бўйига:

1. Лаптевлар денгизидаги порт.

2. СССРдаги энг чуқур денгиз.

3. Ёзда ҳам муз учраб турадиган денгиз.

4. Босфор ва Дарданелл бўғозларидаги қарама-қарши оқимни кашф қилган буюк рус океанографи.

5. Баренц денгизининг жанубий қисмидаги орол.

Энига:

4. Баренц денгизидаги музламайдиган порт.

6. СССРнинг чекка шарқидаги денгиз.

7. Чукотка ва Шарқий Сибирь денгизларини бирлаштириб турувчи бўғоз.

8. Сув энг баланд кўтариладиган денгиз.

9. Япон денгизига жанубдан кириб келувчи оқим.

СССР иқлими

1. Арктика районида 1 га ерга қуёшдан қанча ялпи радиация келишини ҳисобланг. Айтинг-чи, бу қанча тошкўмирни ёққанда ҳосил бўлади, худди шу кўмирни келтириш учун нечта вагон керак?

2. СССРнинг жанубий районларига қуёшдан келадиган ялпи радиация 1 кв. см юзага йилига 160 ккални ташкил этади. Айтинг-чи, шу жойнинг 100 метр жойига келадиган радиация қанча газни ёққанда ҳосил бўлади?

3. Мурманск 68° шимолий кенгликда, Владивосток 42° шим. кенгликда жойлашган, қуёшдан келадиган ялпи радиация Владивосток шаҳрига 120 ккал/см², Мурманскка 80 ккал/см² тушади. Шунга қарамасдан, Мурманск портига кемалар қишда ҳам кириб келаверади, у музламайди. Владивосток портига эса кемалар музёрар кемалар билангина кириб кела оладилар. Айтинг-чи, нега шундай?

4. 22 июнь ва 22 декабрда Челюскин бурни ва Қушка шаҳрида қуёш горизонтдан қанча градус юқорида туради? Жавобингизни схематик равишда тушунтиринг.

5. Ленинград, Тошкент, Москва, Тбилиси шаҳарларининг қайси бирида ёз узоқроқ бўлади?

6. 1940 йил 14 июнда Горький областининг қишлоқларидан бирига кумуш тангалар ёғди. Айрим жойларга қизил ёмғир, кўк қор ёққан ҳоллари ҳам бўлган. Бундай ҳодисаларни қандай тушуниш мумкин?

7. СССРнинг қайси районларида ёз ва қиш фаслларининг ўртача температура амплитудасининг фарқи жуда юқори бўлади?

8. СССРнинг қаерларида ер 800 метргача музлайди?

9. 22 июнь туш пайтида, қуёшнинг горизонтдан баландлиги қуйидаги шаҳарларнинг қайси бирида юқори: Ашхобод, Тошкент, Душанбе.

10. Калуга шаҳри 55° шимолий кенгликда жойлашган, ундан қутб юлдузини неча градус юқорида кўриш мумкин?

11. Энг совуқ ва энг иссиқ температура мамлакатимизнинг қаерларида кузатилади?

12. СССРнинг қайси районларида «қуруқ ёмғир» ёғиши мумкин?

13. СССРда ёғин-сочин энг кўп бўладиган ва энг кам ёғадиган жойларни айтинг.

14. Мамлакатимизнинг кўпчилик районларида куз ва баҳор фаслида кечқурун туман тушади, агар шу пайтда совуқ бўлса, ўсимликларни совуқ уриш ҳолати кузатилмайди, айтинг-чи, нега шундай?

15. Ёзда циклон бўлса ёмғир, қишда эса қор ёғади. Антициклон бўлса қишда совуқ, ёзда қурғоқчилик бўлади. Айтингчи, нега шундай?

СССРнинг ички сувлари ва сув ресурслари

1. Днепр дарёсининг узунлиги 2285 км. Унинг манбаи денгиз сатҳидан 253 м, қуйиш қисми — мансаби эса 100 м баландда. Дарёнинг ўртача нишаблигини топинг.

2. Дарёнинг эни 100 м, ўртача чуқурлиги 2 м, оқим тезлиги 2 м/сек. Сув сарфини аниқланг.

3. СССР территориясида қайси сув ҳавзасига дарёлар кўп сув қуяди?

4. В. И. Ленин номидаги Волга-Балтика сув йўли қачон ишга тушди, унинг узунлиги неча км? У қайси денгиз портларини бир-бири билан бирлаштиради?


5. СССРда қайси дарё энг узун ҳисобланади?

6. Энг катта ҳавзага эга бўлган дарёни айтинг.

7. Энг серсув дарёни айтинг.


8. СССР дарёларининг умумий узунлиги бўйича дунёда қандай ўринни эгаллайди?

9. Н чайнворди. Бўш катакларни тўлдирсангиз:




1. Узоқ Шарқдаги кўл.
2. СССРнинг йирик шаҳри.
3. Жан. Америка дарёси.
4. Амударё ирмоқларидан бирининг номи келиб чиқади.

10. Расмдаги сўроқ ўрнидаги дарёларни аниқланг: улар қайси кўлларга қуйиляпти?



11. Берилган бўш катакларни тўлдирсангиз қуйидаги объектларнинг номи келиб чиқади.



1. Ўрта Осиёдаги дарё.
2. Қозоғистондаги дарё.
3. Фарғона водийсидаги сув омбори.
4. Нидерландиядаги шаҳар.
5. Забайкальедаги шаҳар.

12. СССРда йиртқич ҳайвонлар номи билан аталадиган дарёларни айтинг.

13. СССРдаги бир хил ранг номидаги дарё, кўл, денгизни айтинг.

14. СССР картасидан 4 хил ранг номидаги дарёларни топинг.

15. СССРнинг қаерларида шўр сувли дарёлар бор?

16. СССРдаги энг баланд шаршара қаерда ва қайси дарёда жойлашган?

17. СССР дарёларидан бирининг ирмоғи асосий дарё билан параллел, лекин улар қарама-қарши томонга оқади. Айтинг-чи, бу қайси дарё ва ирмоқ экан?

18. Узунлиги Амударёдан 35 марта қисқа, лекин икки марта серсув дарёни айтинг.

19. СССР Европа қисмидаги дарёлардан бири кўллан оқиб чиқиб иккинчи бир кўлга қуйилади. Шу дарё номини айтинг.

20. Байкал кўлига нечта дарё қуйилади ва қанчаси оқиб чиқади?

21. СССР Европа қисмидаги дарёлардан бири горизонт томонларидан бири номида аталади. Ана шу дарёни айтинг.

22. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, СССР территориясидан оқувчи дарёлар номи келиб чиқади:


А — — — — а, А — — — — а, И — и,
Н — — — н, А — — — н.

23. Қора денгиз бўйидаги Бутуниттифоқ пионерлар лагери номининг ҳарфларини алмаштириб ўқисангиз, Ўрта Осиёдаги дарё номи келиб чиқади, бу қайси дарё?

24. Дарёлар чайнворди. Катакларни тўғри тўлдирсангиз СССРдаги дарёлар номлари келиб чиқади:

1. Лаптевлар денгизига қуйиладиган дарё.
2. Байкалдан бошланувчи дарё.
3. Ўрта Осиёдаги дарё.

4. Шарқий Сибирь денгизига қуйиладиган дарё.
5. Лена ирмоғи.
6. Ленинград областидаги дарё.



7. Амур ирмоғи.
8. Балтика денгизига қуйилувчи дарё.
9. Мурманск областида ГЭСлар кўп қурилган дарё.
10. Охота денгизига қуйилувчи дарё.
11. Молдавия ССРдаги дарё.
12. Шимолий Кавказдаги дарё.
13. Волга ирмоғи.
14. Кавказдаги дарё.

25. Ватанимизнинг қайси яриморолидаги баъзи кўлларда қишда ҳам чўмилиш мумкин?

26. Қозоғистондаги кўллардан бирининг ярми шўр, ярми чучук сув эканлигини биринчи бўлиб ким аниқлаган. Бу қайси кўл? Нима учун кўлнинг ярми шўр, ярми чучук?

27. СССРнинг шимоли-ғарбидаги кўллардан бири икки бўлакдан иборат. Ҳар иккала бўлаги ҳам алоҳида-алоҳида ном билан аталади. Бу кўлларнинг номини айтинг.

28. Океан сатҳидан ҳисоблаганда Каспий денгизининг суви юзасида сузаётган балиқ юқоридами ёки Орол кўлининг чуқур қисмида сузаётган балиқ юқоридами?

29. Иссиққўлнинг иссиқ деб аталишига сабаб нима?

30. Ватанимизнинг қаерини «гейзерлар водийси» деб атайдилар?

31. СССРдаги «олтин» кўли қаерда жойлашган?


32. СССРдаги «ширин» кўли қаерда жойлашган?

33. СССРдаги Байкал кўлини ҳамма билади, Байкал қўлтиғи қаерда жойлашган?

34. СССРдаги энг чуқур кўлни айтинг, унинг бунчалик чуқур бўлишига сабаб нима?

35. Дунёдаги энг тиниқ кўлни айтинг.

36. Қуйидаги контурларда мамлакатимиздаги қайси кўллар акс эттирилган?



37. СССРдаги кўллардан бирининг устидан поездлар қатнайди. Айтинг-чи, бу қайси кўл?

38. Тез айтинг: Иртиш қуйидаги дарёларнинг қайси бирининг ирмоғи (Енисей, Печора, Лена, Обь, Амур)?

39. СССРдаги энг катта тоғ музлигини айтинг.

СССРнинг тупроқлари, ер ресурслари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси

1. Тупроқшунослик фанига асос солган рус олимини айтинг.

2. Нима сабабдан ўрмон-тундрада ўсувчи ўсимликлар ерга чуқур илдиз отмасдан, атрофига илдиз отади?

3. Қайси табиат зонасида замбуруғларнинг бўйи атрофидаги дарахтлардан баланд?

4. Тундра чегараси СССР Европа қисмида Шимолий қутб доираси чизиғининг шимолидан ўтган-у, Осиё қисмида эса анча жанубга тушиб борган, айтинг-чи, нега шундай?

5. СССРнинг ўрмонлар зонасида энг кенг тарқалган дарахт қайси?

6. Новая Земля ороллариниинг ғарбий қирғоқларида кўплаб «қушлар бозори» бор, шарқий қирғоғида эса «қушлар бозори» деярли йўқ. Бунинг сабаби нимада?

7. Нима сабабдан Сибирь ўрмонларида кенг баргли дарахтлар деярли учрамайди?

8. Ўрмонлар зонасининг Уралдан ғарбда энг кенг тарқалган дарахт турларини айтинг.

9. Шарқий Сибирнинг энг кўп тарқалган ўсимлиги қайси, унинг характерли хусусияти нималардан иборат?

10. Ўрмон-дашт полосаси ғарбдан шарққа борган сари торайиб, Шарқий Сибирга боргач, деярли йўқолиб кетади, нега шундай?

11. Доҳиймиз В. И. Ленин декрети билан мамлакатимизда дастлабки ташкил қилинган қўриқхоналарни айтинг.

12. Ёввойи эшак (қулон) СССРнинг қайси қўриқхонасида сақланмоқда?

13. СССРда қайси иттифоқдош республикалар қўриқхоналар сони бўйича олдинги ўринларни эгаллайди?

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

Кириш

1. Ўзбекистон ССР аҳолиси ва майдонининг салмоғи бўйича Иттифоқда нечанчи ўринни эгаллайди?

2. Кунига 30 км дан йўл босганда Ўзбекистон чегарасини неча кунда айланиб чиқиш мумкин?

3. Республикамиз шимолдан жанубга неча градус ва неча км га чўзилган?

4. Тошкент, Урганч, Термиз шаҳарларида қутб юлдузи горизонтдан неча градус бурчак остида кўринади?

5. Япония, Мексика, Греция, Бельгия давлатларидан қайси бири Ўзбекистон ССР билан деярли бир кенгликда жойлашган?

Ўзбекистон ССР табиати ва табиий бойликларини ўрганиш тарихидан

6. Ўзбекистон ССР табиатини текширишда катта ҳисса қўшган совет олимларини айтинг.

7. Тошкентда «Россия география жамияти» филиалининг очилиши Ўзбекистон географиясини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Айтинг-чи, у қачон очилган эди?

8. Буюк ўзбек олимларидан қайси бирини Ўрта Осиё географиясининг асосчиси дейиш мумкин?

9. Абу Райҳон Берунийнинг географияга бағишлаб ёзган қандай асарларини биласиз?

10. Ўзбекистон территориясини ўрганишда буюк рус олимлари ва саёҳатчиларининг роли катта бўлди. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, уларнинг фамилияларини билиб оласиз.

1. П. П. С. Т — — — — — — — — — — —
2. А. П. Ф — — — — — — —
3. Н. Н. С — — — — — — —
4. А. Ф. М — — — — — — — — — —
5. И. В. М — — — — — — —
6. В. Ф. О — — — — —
7. В. А. О — — — — — —
8. Л. С. Б — — —
9. В. А. Ш — — — —
10. К. К. М — — — — —

11. Ўзбекистонда табиий бойликларни қидириб топишда катта ҳисса қўшган совет олимларини айтинг.


12. Антарктидани кашф қилган рус саёҳатчилари шарафига қўйилган ороллар қаерда жойлашган?

13. Орол денгизини ўрганиш экспедициясида қатнашган машҳур украин шоирини айтинг. У экспедиция давомида қандай ишларни бажарди? Экспедиция қачон ва ким томонидан уюштирилган эди?


Рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари

14. Ўзбекистон территориясининг қанча қисми тоғларга ва қанчаси текисликларга тўғри келади?

15. Т е з а й т и ш ў й и н и: ЎзССР табиий картасига қарамасдан қуйидаги контурда рақамлар ўрнида республикамизнинг қайси тоғ тизмалари жойлашганлигини айтинг.



16. Қуйидаги схемадан республикамизнинг қайси тоғ тизмалари жойлашганлигини аниқланг.




17. Ўзбекистоннинг энг баланд тоғ чўққиси ва энг паст ботиғи орасидаги фарқ неча метрга тенг?

18. Ўзбекистон табиий картасидан ҳеч қачон «очилмайдиган ва ёпилмайдиган» 2 та табиий дарвозани топинг.

19. Республикамизда ер тузилишига мувофиқ қиёсий ном билан аталадиган 2 та жой номини айтинг.


20. Ўзбекистон территориясининг бир қисми Турон пасттекислигидан иборат. Айтинг-чи, бу пасттекислик Ғарбий Сибирь паттекислигидан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?



21. Орол кўли бўйидаги ва Устюртдаги тик жарларни табиий географияда қандай ном билан юритадилар?

22. Республикамиз жанубида жойлашган чўллардан бирининг бош ҳарфини алмаштириб ўқисангиз Устюртдаги қум массивининг номи келиб чиқади. Ўша чўл ва қум массивининг номини айтинг.

23. Схема. Бу учбурчак учларида Фарғона водийсидаги 3 та йирик шаҳар, унинг марказида эса чўл жойлашган. Карта ёрдамида ўша шаҳарлар ва чўлни аниқланг.



24. Тоғлар чайнворди. Бўйига «тоғлар» сўзи ёзилди. Агар сиз энига бўш хоналарни тўлдирсангиз:

1. Тошкентдан шарқдаги тоғ тизмаси.
2. Жанубдаги тоғ.
3. Тяньшань тоғ системасидаги тизма.
4. Қизилқумдаги қолдиқ тоғ.
5. Олой тоғ системасига кирувчи тоғ.
6. Тошкент шаҳри жойлашган тоғ тизмасининг номи келиб чиқади.

25. Ўзбекистонда архей ва протеразой эраларининг жинслари қаерларда учрайди?

26. Ўзбекистон территорияси қайси даврда қуруқликка айланган?

27. Қайси даврда Ўзбекистонда қайтадан денгиз босиш рўй берган? Бу даврда қандай фойдали қазилма конлари ҳосил бўлган?

28. Ўзбекистонда палеоген даврида ҳосил бўлган оҳактош, гил, доломит, гипс, мергель каби жинсларда моллюскали фауналарнинг кўп учрашини қандай исботлаш мумкин?

29. Ўзбекистондаги қайси тоғлар неоген охирида кўтарилиб ҳозирги кўринишга эга бўлган?


30. Республикамиз территориясида қандай сабабларга кўра кучли зилзилалар рўй берган? Уларга мисоллар келтиринг.

31. Ўзбекистонда қайси рудали конлар иттифоқ аҳамиятига эга?

32. Фойдали қазилмаларни тўғри топ ўйини.

Ўйин тартиби: ўйин ўқувчилар билан индивидуал равишда ташкил қилинади. Диаметри 2—3 см ли қоғоздан ясалган доирачаларга Ўзбекистон территориясидан топилган фойдали қазилмаларнинг шартли белгилари чизилади. Доирачалар махсус халтачада сақланади. Ўйин бошқарувчиси олдидаги столда эса Ўзбекистон ССР нинг маъмурий картаси туради. Ўйинда иштирок этадиган ўқувчи халтачадан бирданига 3 ёки 5 та доирачани олиб, уни картанинг тегишли жойига қўяди. Ўқувчи ҳар бир доирачадаги тегишли фойдали қазилманинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ҳам гапириб бериши керак. Ўқувчи жавоби тўғри бўлса, унга 2 очко берилади. Агар ўқувчи шу фойдали қазилма ҳақида маълумот билмаса-ю, уни картадан топа олса, унга 1 очко берилади.


Қайси ўқувчи энг кўп очко тўпласа, ўша ўқувчи голиб чиққан ҳисобланади. Доирачалар тахминан қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



33. Ўзбекистон ССР фойдали қазилмалари кроссворди.

Энига:

1. Султон Увайс тоғидаги йирик фосфорит кони.
4. Йирик газ кони.
7. Мис, молибден, олтин, мишьяк бирга чиқадиган кон.
9. Йирик гипс кони.
11. Олтингугурт кони.
12. Фаргона водийсидаги нефть кони.
13. Вольфрам рудаси қазиб олинадиган жой.



Бўйига:

2. Республикамиз жанубидаги нефть кони.
3. Фаргона водийсидаги нефть кони.
5. Алюминий рудаси чиқадиган жой.
6. Йирик газ кони.
8. Олтинчилар шаҳри.
10. Минерал сув чиқадиган жой.

34. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқисангиз, Ўзбекистон территориясида учрайдиган фойдали қазилмаларнинг номларини топган бўласиз.

О — — — — о —, О — о — — — — — —, — о — — о — — — , — о — о — — — —, — у — у —, — — е — е — —.

35. Нима сабабдан тошкўмир даврида гипс ва тузлар кўп ҳосил бўлган?

36. СССРда энг баландда жойлашган кўмир шахтасини айтинг. У республикамизнинг қайси областида жойлашган? Кўмир қандай ташилади?

37. Республикамизда мезозой эрасида ва учламчи даврда ҳосил бўлган энг муҳим фойдали қазилмаларни айтинг.

Ўзбекистон ССР иқлими

38. Нега ва нима учун ўйини. Бу ўйин фақат иқлим темасида эмас, балки бошқа темаларни ўрганишда ҳам қўл келади.

Ўйин тартиби: тенг катталикдаги қоғозларга ўқувчиларга берилиши лозим бўлган саволлар ёзилади. Бу саволлар нега ва нима учун сўроғи иштирокида бўлиши керак. Масалан:

1. Нима сабабдан январнинг ўртача температураси Сурхондарё областида Тошкентга нисбатан юқори?

2. Ёзда Термиз иссиқми ёки экватор? Уларнинг қайси бирида иссиққа бардош бериш осон, нима учун?

3. Нима сабабдан Самарқанд областидаги тоғларнинг ғарбий ёнбағирларига ёғин кўп тушади ва ҳоказо?

Саволга жавоб беришни истаган ўқувчи бир йўла 3 та саволни олади. Агар ўқувчи жавоб бера олса, қоғозни ўзида олиб қолади. Жавоб бера олмаса, қоғозни жойига қўяди. Демак, қайси ўқувчи қўлида қоғоз кўп тўпланса, ўша ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

39. Тошкент шаҳарида 1 кв м жойга қанча ялпи радиация тушади? Бу иссиқлик қанча қўнғир кўмир ва нефтни ёққанда ҳосил бўлади?


40. ЎзССРнинг Орол кўли районида намлик коэффициенти қанчага тенг эканлигини ҳисобланг.

41. Самарқанд областининг ғарбий тоғолди этакларида потенциал буғланиш 1500 мм, айтинг-чи, бу ерда намлик коэффициенти қанчага тенг?

42. Ўзбекистонда энг иссиқ ва энг ёғин кўп тушадиган жойлар қаерларда?

43. Республикамизда Наврўз байрами қачон ва қайси ойда нишонланади, айтинг-чи, нима сабабдан шундай қилинади?

44. Қуйидаги схемада Ўзбекистон иқлимининг қайси ойлардаги ҳолати акс эттирилган?



45. Қуйидаги саволлардан фойдаланиб, Ўзбекистон ССРнинг иқлими кроссвордини тузинг:

Энига:

1. Фарғона дарвозасидан ғарбда циклон, шарқда антициклон бўлганда эсадиган кучли шамол.

4. Иқлимшунос рус олими.

6. Баҳор фаслида ёғинларни кўп келтирувчи ҳаво массаси.

Бўйига:

2. Ўзбекистон текисликларида ёз ва баҳорда эсувчи қуруқ, иссиқ шамол.

3. Республикамиз территориясидан ўтган иқлим минтақаси.

4. Республикамиз жанубида эсувчи чанг-тўзонли шамол.

5. Иқлимшунос рус олими.

7. Фарғона, Оҳангарон, Чирчиқ водийларида тоғлардан водийга эсувчи иссиқ шамол.

Ўзбекистон ССР нинг ички сувлари

46. Д а р ё л а р ў й и н и.

Ўйин тартиби: ўйинни ўтказишда ўқувчиларда Ўзбекистон ССРнинг контур карталари, дарёларининг рўйхати ҳамда 1×1 см ли доирачалар бўлади. Ўйин бошқарувчи қўлидаги рўйхат бўйича дарёлар номини бирма-бир ўқийди. Ўқувчиларнинг вазифаси, контур карталардан шу дарёларнинг бошланиш ва қуйилиш қисмлари-

ни белгилаб чиқишдан иборат бўлиши керак. Ўйин тугагач, унинг натижаси кўриб чиқилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун бир очко берилади. Қайси ўқувчи кўп очко тўпласа, ўша ўқувчи ғолиб чиққан ҳисобланади. Бу ўйинни бутун синф ўқувилари билан ҳам, индивидуал ҳолда ҳам ташкил қилиш мумкин.


47. Ким кўп ёзади ўйини.

Ўйин тартиби: ўқувчилар олдида фақат қоғоз ва қалам бўлиши керак. Ўйинни «Ўзбекистон дарёлари», «Қўллар», «Сув омборлари» темалари бўйича ўтказиш айниқса яхши натижа беради. Бу ўйин учун маълум вақт белгиланади. Масалан, «Ўзбекистон дарёлари» эълон қилинди деяйлик, ўқувчилар эса белгиланган вақт ичида ўзлари билан дарёларнинг номларини ёзиб чиқишлари керак. Ёзилган ҳар бир дарё учун 1 очко берилади. Ўйинда энг кўп очко тўплаган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

48. Дарёлар чайнворди

Қуйида Ўзбекистондаги дарёларнинг фақат **Р** ҳарфлари ёзилди, холос. Агар бўш хоналарга тегишли ҳарфларни қўйсангиз, Ўзбекистондаги 10 та дарёнинг номи келиб чиқади.

1. Энг узун дарё.
2. Сирдарёнинг ирмоғи.
3. Тошкент областидаги дарё.
4. Қуяр жойи йўқ дарё.
5. Сирдарё ирмоғи.
6. ЎзССР жанубидаги дарё.
7. Кўмир ҳавзаси номидаги дарё.
8. Туркистон тизмасидан бошланувчи дарё.
9. Фарғона водийсидаги дарё.
10. Жанубдаги дарё.



49. Республикамиз дарёларидан бирининг суви камайганда ундан шўр сув оқади. Айтинг-чи, бу қайси дарё ва нега шундай?

50. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб дарёлар номини тез ўқинг: — — — а — — — — ё, — — чч — — — — —, — — — — О — о —.

51. Қайси дарё ўтмишда Жайҳун, Ўкуз, Окс номлари билан аталган?


52. Қуйи Амударёда яшовчилар дарёнинг «қирғоқ ювиш» ҳодисасини қандай атайдилар?

53. Амударё сувининг 1 литрида қанча лойқа бор, нима сабабдан у жуда лойқа?

54. Зарафшон қуйи қисмида қандай ном билан юритилади?

55. Республикамиздаги аталиши ранглар номини англатувчи дарёларни айтиб, уларни картадан кўрсатинг.

56. Қуйида сўроқ аломатлари ўрнида республикамизнинг қайси дарёлари ва сув омбори тасвирланган?



57. Т е з а й т и н г: ЎзССР даги қайси дарёларнинг узунлиги 2540 км, 196 км, 2982 км, 740 км?

58. Сирдарёни қадимда греклар қандай ном билан атаганлар?

59. Амударёнинг сув сарфи унинг қуйи қисмида кўпми ёки ўрта қисмидами? Жавобингизни изоҳлаб беринг.

60. Ўзбекистоннинг қайси қисмларида дарёлар кўп? Буни қандай изоҳлаш мумкин?


61. Агар Амударёдан 42° кенглик бўйлаб Сирдарё томон канал қазилса, қайси дарёнинг суви кўпайиши мумкин?

62. Ў з б е к и с т о н с у в о м б о р л а р и к р о с с в о р д и.

Агар бу кроссвордни тўғри ечсангиз, Ўзбекистоннинг қуйидаги дарёларида қурилган сув омборларининг номлари келиб чиқади.

Бўйига:

2. Чув дарёсидаги сув омбори.
3. Зарафшон дарёсидаги сув омбори.
4. Оҳангарон дарёсидаги сув омбори.
5. Яккабоғ дарёсидаги сув омбори.
7. Сирдарёдаги сув омбори.
9. Сурхондарёдаги сув омбори.



11. Ғузор дарёсидаги сув омбори.

12. Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларига хизмат этувчи Сирдарёдаги сув омбори.

Энига:

1. Чирчиқ дарёсидаги сув омбори.

3. Фарғона водийсидаги Қорадарёда қурилган сув омбори.

5. Зарафшон дарёсидаги сув омбори.

6. Қарши каналидаги сув омбори.

7. Қашқадарёдаги сув омбори.


8. Амударёдаги сув омбори.

10. Қарши магистрал каналида қурилган сув омбори.

63. Республикамизнинг суғорув каналлари чайнворди.

Агар сиз бўш хоналарни тегишли ҳарфлар билан тўлдирсангиз: республикамиздаги кўпгина каналлар номини билиб оласиз.

1. Мирзачўлнинг йирик канали.



2. Зарафшон дарёсидан сув олувчи канал.

3. Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи канал.

4. Тўрт ҳарфдан ташкил топган йирик канал.

5. Хоразм воҳасидаги йирик канал.

6. Амударёдан сув олувчи канал.


7. Сирдарёдан сув олувчи канал.
8. Сурхондарё областидаги машина канали.

64. Ўзбекистон кўллари кроссворди.

Агар ушбу кроссвордни тўғри ечсангиз республикамиздаги кўпгина кўллар номини билиб оласиз.

Энига:

1. Фарғона водийсидаги кўл.
4. Ўзбекистонда катталиги жиҳатидан иккинчи кўл.
5. Мирзачўлдаги кўл.
7. Йирик денгиз кўл.



Бўйига:

1. Оҳангарон дарёсининг юқори оқимидаги кўл.
2. Тоғ кўлларидан бири.
3. Шоҳимардондаги тоғ кўли.
6. Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги кўл.

65. Ўзбекистон кўлларининг келиб чиқиш хусусиятларига қараб қандай типларга ажратиш мумкин?

66. Республикамиз ер ости сувларига анча бой. Бу ерда чучук, иссиқ, карбонатли ер ости сувлари жуда кўп. Айтинг-чи, ер ости сувларининг бунчалик хилма-хил бўлишига сабаб нима?

67. Ўзбекистон тупроқларини ўрганиш ўйини.

Ўйин тартиби: Ўзбекистон ССР территориясида учрайдиган тупроқ турларининг ҳар бири бир хил катталикдаги қоғозларга ёзилиб махсус халтачага солинади. Халтача ўқитувчи столида туради. Шунингдек, ўқитувчи столида ЎзССРнинг табиат зоналари картаси ҳам туради. Ўйинга таклиф қилинган ўқувчига халтачадан 5 тагача қоғоз олишга рухсат берилади. Ўқувчи ана шу қоғозда ёзилган тупроқ турларини республикамизнинг қаерларида тарқалганлигини табиат зоналари картасидан кўрсатиши лозим. Ўқувчининг ҳар бир тўғри жавобига 1 очко берилади. Ўйинда қайси ўқувчи кўп очко тўпласа, ўша ўқувчи голиб чиққан ҳисобланади. Бу

ўйинни дарс охирида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида уюштириш мумкин.

68. Ўзбекистон ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш ўйини.

Ўйин тартиби: Ўзбекистон учун специфик бўлган энг муҳим ўсимлик ва ҳайвонларнинг расмлари йиғилади. Бу расмларда ўсимлик ва ҳайвон номлари ёзилмаган бўлиши керак. Ўсимлик ва ҳайвон расмлари алоҳида-алоҳида қўйилади. Расмларнинг тасвири туширилган томони ерга қараб туриши керак. Ўйин бошқарувчи олдида республикамизнинг табиат зоналари картаси туради.

Ўртага ўқувчи таклиф қилинади ва унга 3 та ўсимлик, 3 та ҳайвон расмини олишга рухсат этилади. Ўқувчи ўзига тушган ана шу ўсимлик ва ҳайвонларнинг номларини айтиб, уларнинг қаерларда тарқалганини картадан кўрсатиб бериши зарур. Ҳар бир тўғри жавобга бир очко берилади.

Ўйинни дарснинг характерига қараб дарс бошида ёки охирида уюштириш мумкин.

Бу ўйинни бошқача мазмунда ўтказса ҳам бўлади. Бунда ўқувчи расмдаги тасвирланган ўсимлик ва ҳайвоннинг номини билса уни ўз қўлида олиб қолади, номларини билмаса расмларни ўз жойига қўяди.

Қайси ўқувчи қўлида кўп расм тўпланса, ўша ўқувчи ғолиб чиққан ҳисобланади. Қўлда қолган ҳар бир расм учун 1 очко берилади.


69. Республикамиз территориясида ўсувчи қайси ўсимликни «боши оловда», «оёғи сувда» дейишади, айтингчи, нима сабабдан уни шундай деб юритадилар?

70. Ўзбекистон чўлларида ўсувчи ўсимликлар кроссворди.

Бўйига:

1. Чўлнинг бута ўсимлиги.
3. Чўлнинг бута ўсимлиги.
4. Чўлга хос ўсимлик.
5. Чўлнинг чиройли гулли ўсимлиги.
7. Ҳар 8—9 йилда бир марта уруғ берадиган чўл ўсимлиги.
9. Чўлнинг типик ўсимлиги.
11. Чўлни эрта баҳорда ям-яшил тусга киритувчи ўсимлик.

Энига:



2. Чўлнинг эфемер гулли ўсимлиги.
4. Чўлда ўсувчи гулли эфемероид.
6. «Чўл подшоси» деб ном олган ўсимлик.
8. Чўлда ўсувчи ўсимлик.
9. Устюрт платосида энг кўп тарқалган ўсимлик.
10. Чўлнинг типик ўсимлиги.

71. Дарахтнинг ёши дарахт танасининг кўндаланг кесимидаги доира-ҳалқалар сони билан белгиланади. Бироқ чўлларда ўсувчи саксовулнинг ёшини бундай усулда аниқлаш чалкашлик келтириб чиқаради, чунки саксовул танасида бир йилда бир неча доира ҳосил бўлиши мумкин.Айтинг-чи, нима сабабдан шундай?

72. Халқ медицинасида жуда кўп фойдаланиладиган ўсимликни айтинг.

73. Т е з ў қ и н г: Ўзбекистоннинг чўллари зонасида ўсувчи қуйидаги ўсимликларни ўқинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, уларнинг номлари келиб чиқади.


А — — а — а —, қ — — — — қ, қ — — — — — — — қ, — а — — — а — а —.

74. Тез ўқинг: Ўзбекистоннинг адир зонасида ўсувчи қуйидаги ўсимликларни ўқинг.

С — с — —, л — л —, ч — ч — — — —, — а — — а — — а —.

75. Ўзбекистон ҳайвонот дунёси кроссворди.

Энига:



1. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерида учрайдиган йиртқич ҳайвон.
3. Текислик ва адирнинг ўтхўр ҳайвони.
6. Тоғлар яқинида ва обикор ерларда яшовчи кемирувчи ҳайвон.
7. Сайроқи қуш.
8. Амударёда учрайдиган эндемик балиқ тури.
10. Қумли чўлнинг кемирувчи ҳайвони.
12. Амударё дельтасига кўпайтириш учун 1944 йилда қўйиб юборилган ҳайвон.
13. Энг кўп тарқалган кемирувчи ҳайвон.
14. Тўқайзор қуши.

Бўйига:

2. Чорвачиликнинг хавфли душмани бўлган ҳайвон.
4. Дарё ва кўл ёқаларида яшайдиган қуш.
5. Чўлда энг кўп тарқалган ҳайвон.
8. Қуш номи.
9. Заҳарли ўргимчак.
11. Заҳарли илон.
15. Чўлнинг энг чопқир ҳайвони.

76. Ўзбекистон территориясида яшайдиган оёқсиз калтакесакларни айтинг.

77. Ўзбекистон чўлларида яшовчи 5 та илон турини тез айтинг.

78. Қуйидаги тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз кемирувчи ҳайвон ва қуш номлари келиб чиқади.


1) т — — — — т — — — —, 2) б — — б — —, 3) — и — — — — — и — — —.

Бу ҳайвонлар ҳақида қисқача маълумот беринг.

79. Қ у ш л а р ч а й н в о р д и.

Бўйига «қушлар» сўзи ёзилди.

Бўш хоналарни тўлдирсангиз: республикамизда қандай қушларни учратиш мумкинлигини билиб оласиз.



1. Африкада қишлаб Ўзбекистонга апрель ва май ойларида учиб келувчи фойдали қуш.

2. Ҳиндистон, Олд Осиёда қишлаб март охирида республикамизга келувчи қуш.

3. Тоғ этакларида яшовчи фойдали қуш.

4. Саксовулзорларда яшовчи қуш.

5. Сентябрь, октябрь ойларида Ўзбекистондан учиб кетувчи қуш.

6. Тўқайзорларда яшовчи чиройли ва фойдали қуш номи.

80. Ўзбекистонда ўсувчи қайси ўсимликлардан идиш-товоқ ва турли асбоб-ускуналар тайёрлаш мумкин?

81. Қайси ўсимликлардан қимматли дори-дармонлар тайёрлаш мумкин?

82. Республикамизда ўсувчи муҳим қандли ўсимликларни айтинг.

83. Ўзбекистонда ўсувчи қайси ўсимликлардан елим олинади?

Т о п и ш м о қ:

84. Барги бору гули йўқ. Айтинг-чи, бу қайси ўсимлик?

85. Тегма унга, уруғ отар сенга. Айтинг-чи, бу қайси ўсимлик?

86. СССРда табиатни қўриқлаш соҳасидаги биринчи декрет қачон имзоланди?


87. Айтинг-чи, Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш борасидаги махсус қонун қачон қабул этилган?

88. Ўзбекистондаги миллий паркларни айтинг.

Асосий табиий районлар

Шарқий Европа рельефи ва фойдали қазилмалари

1. К р о с с в о р д.



Энига:

1. Шимолда жойлашган кўмир ҳавзасининг йирик маркази.

4. Бир номдаги кўмир ҳавзаси ва дарё.

6. Йирик газ кони.

7. Ўрмонли Ғарб ва Марказдаги пасттекислик.

Бўйига:

1. Волга дарёси бошланадиган қирлар.

2. Энг йирик темир конларидан бири.

3. Россия текислигининг шимоли-шарқида жуда емирилиб кетган қадимий тоғлар.

4. Белоруссия ССРда жойлашган йирик ботқоқлик.

5. Рангли металл рудаларига бой жой.


Ш а р қ и й Е в р о п а т е к и с л и г и д а р ё л а р и

2. Ч а й н в о р д.

Охири А ҳарфи билан туговчи дарёларнинг номларини ёзинг.

3. Россия текислигининг қайси қисмларида қаттиқ кристалли жинслар ер юзасига чиқиб ётибди?

4. Россия текислигидаги шимол томонга оқувчи дарё-



ларнинг қисқа, жанубга оқувчи дарёларнинг узун бўлишини қандай изоҳлаш мумкин?


5. Нима сабабдан Нева дарёси бошланишидан қуйилишигача тўлиб оқади?

6. Белоруссиянинг энг муҳим қўриқхонасини айтинг. У Белоруссиянинг қайси қисмида жойлашган? Унда нималар сақланади?

Карпат, Қрим, Кавказ тоғлари

1. Кроссворд.

Бўйига:



1. Қрим тоғларининг энг баланд чўққиси.

2. Кавказдаги энг баланд сўнган вулкан, йирик музликлар маркази.

4. Баландлиги 5033 метр келадиган Кавказдаги чўққи.

5. Кавказ тоғларидан бошланиб Каспий денгизига қуйилувчи тез оқар дарё номи.

8. Денгиздан атиги 1—2 метр кўтарилиб турган ясси ботқоқланган текислик.

9. Ўрмонли Карпатнинг жўшқин дарёси.

Энига:

3. Карпатнинг энг баланд чўққиси.

6. Қрим тоғларида кўп ўсувчи дарахт.

7. Қримдаги машҳур пионерлар лагери.

10. Икки дарё ҳосил қилган пасттекислик.

11. Қримнинг жанубида денгизга туртиб чиққан магматик жинслар.

12. Ўрмонли Карпатнинг тез оқар дарёси.

13. Кавказолди билан Россия текислиги ўртасидаги ёки Европа билан Осиё қитъалари чегарасидаги чўкма.

2. Карпат, Қрим, Кавказ тоғлари қайси бурмаланишда кўтарилган?

3. Нима сабабдан Қрим ва Карпат тоғларида доимий музлик йўқ? Аммо шу баландликдаги Урал тоғларида музлик учрайди.

4. Қрим тоғлари рельефнинг қандай шакллари билан характерланади?

5. Кавказ тоғларидаги энг баландда жойлашган кўлни айтинг.

Урал тоғлари

1. К р о с с в о р д.

Бўйига:

1. Ўрта Урал билан Жанубий Урал орасидаги чегара тоғ.


3. Йирик минераллар қўриқхонаси.

4. Ёнмайдиган қоғоз олинадиган фойдали қазилма ва шу номдаги шаҳар.

6. Уралнинг бошланиш қисми.

8. Кама дарёсининг чап ирмоғи.

10. Уралнинг ғарбий ёнбағридан бошланувчи дарё.



Энига:

2. Жанубий Уралдаги юқори сифатли темир рудасига бой тоғ.

5. Уралнинг шарқий ёнбағридан оқувчи дарё.

7. Урал тоғининг энг баланд чўққиси.

9. Уралнинг шарқий ёнбағридан бошланувчи дарё.

11. Йирик ош тузи кони.

13. Ўрта Уралдаги йирик темир рудаси кони.

2. Нима учун Уралнинг ғарбий ёнбағри чўкинди фойдали қазилмаларга, шарқий ёнбағри магматик фойдали қазилмаларга бой?


3. Нима сабабдан Урал фойдали қазилмаларга жуда бой?

4. XVIII аср рус географи П. И. Ричков, бу ерда «даҳшат билан гўзаллик бутунлай аралашиб кетган» деб, Уралнинг қайси қисмини тилган олади?

Ғарбий Сибирь текислиги

1. Кроссворд.

Бўйига:



1. Иртиш дарёсининг ўнг ирмоғи ва шу номдаги дашт.
2. Ғарбий Сибирнинг шимолидаги яриморол.
4. Ғарбий Сибирь кўлларида ҳосил бўладиган органик чўкинди.
5. Мўътадил минтақа ўрмонларининг шимолини ёпасига эгаллаган игна баргли ўрмонлар зонаси.
8. Бараба даштидаги шўр кўл.
10. Ғарбий Сибирнинг йирик дарёси.

Энига:

3. Обь қўлтиғига қуйиладиган дарё.
6. Ғарбий Сибирь шимолидаги яриморол.
7. Обь дарёси билан Иртиш дарёси ўртасидаги катта ботқоқлик.
9. СССРда биринчи ГЭС қурилган дарё.
11. Обь ва Иртиш ўртасидаги дашт.
12. Ғарбий Сибирдан сўнгги йилларда топилган улкан фойдали қазилма.
13. Бир номдаги дашт ва кўл.

2. Қайси олим Ғарбий Сибирда нефть ва газнинг борлигини олдиндан айтиб берди?

3. Қиш Ғарбий Сибирда, Россия текислигига нисбатан анча қаттиқ келади, ёз эса иккаласида ҳам деярли бир хил, баъзан Ғарбий Сибирда иссиқроқ бўлади, нима учун шундай, тушунтириб беринг.

4. Ғарбий Сибирнинг табиат зоналарини айтинг.

5. Нима сабабдан Ғарбий Сибирь дунёдаги энг ботқоқланган районлардан бири саналади?


6. Ғарбий Сибирь территориясида учрайдиган қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларни айтинг.

Шарқий Сибирь

1. Кроссворд.

Энига:

1. Дунёдаги энг йирик тошкўмир ҳавзаси.



3. Шимолий қутб доирасидан шимолдаги энг катта шаҳар.

5. Ўрта Сибирь ясситоғлигининг шимоли-ғарбидаги тоғ.

8. Қатта зинапояга ўхшаш рельеф шакллари.

9. Тупроқ ва намга бефарқ, совуққа чидамли, умри узоқ дарахт.

10. Лаптевлар денгизига қуйиладиган дарё.

11. Қуйи Тунгуска дарёсининг ўнг ирмоғи.

Бўйига:

1. Қимматбаҳо мўйнали йиртқич ҳайвон.
2. Енисей дарёсининг ўнг ирмоғи.
4. Ғарбий Сибирь қирғоқларини ювиб турувчи денгиз.
5. Бир номдаги дарё ва кўл.
6. Путорона платосининг шимолидаги кўл.
7. Ўрта Сибирдаги энг катта тектоник кўл.


2. Нима сабабдан Шарқий Сибирь территориясида ёзда паст босимли область, қишда юқори босимли область вужудга келади?

3. Шарқий Сибирда ёғин миқдорининг ғарбдан шарққа қараб пасайиб боришига сабаб нима?

4. Кроссворд.

Бўйига:

1. Сибирнинг шимоли-шарқидаги ясситоглик.
2. Шимоли-ғарбдан жануби-шарққа йўналган тог тизмаси.



3. Сибирнинг шимоли шарқидаги энг баланд чўққи.

5. Дарё таги музлаб, суюнинг муз устига чиқиб 2—3 метрли муз уюмлари ҳосил қилиши.

7. Сибирнинг шимоли-шарқида кўп тарқалган қимматли металл.

Энига:

2. Сибирнинг шимоли-шарқидаги энг чекка тоғлик.

4. Энг кўп учрайдиган тилоғоч тури.

5. Лаптевлар денгизига қуйилувчи дарё.

6. СССРдаги энг совуқ жой.

8. Сибирнинг шимоли-шарқига асосий ёғин келтирувчи ҳаво массаси.


5. Сибирнинг шимоли-шарқидаги ҳозирги рельеф шакллари қачон ва қандай пайдо бўлган?

6. Маълумки, шимолий яримшарнинг совуқлик қутби Оймякондир. Нима сабабдан у ерда шунчалик совуқ бўлади?

Жанубий Сибирь тоғлари минтақаси

1. Кроссворд.

Бўйига:



1. Байкал кўлида овланадиган энг қимматбаҳо балиқ.

3. Тектоник кўл.

4. Байкал кўлининг шарқидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш мақсадида ташкил этилган қўриқхона.

5. Байкал кўлидаги тугиб кўпаядиган балиқ.

6. Олтойнинг энг баланд чўққиси.

Энига:

2. Жанубий Сибирь тоғлари минтақасининг шимолидаги тоғлик.

4. Ер шарида чучук суви энг кўп бўлган кўл.

7. Осиё қитъасининг маркази деб ном олган шаҳар.

8. Жанубий Сибирнинг йирик тоғ системаси.

9. Байкал кўлининг жанубидаги тизма.

10. Шарққа ва жануби-шарққа йўналган тоғ тизмалари.

2. Кузнецк сойлиги ўзининг нимаси билан машҳур?

3. Олтойнинг энг баланд чўққиси қайси тизмада жойлашган?

4. СССРда 2 та Сахалин ороли бор. Бирини албатта биласиз. Иккинчиси қаердалигини айтинг-чи.

Узоқ Шарқ

1. Кроссворд.

Ёзинг:

1. Узоқ Шарқда ўсувчи, пўстлоғининг қалинлиги 5—7 см келадиган пўкак дарахт.


4. 1710 йилда Камчаткага етиб келган рус тадқиқотчиси.

6. Узоқ Шарқ қирғоқларини ювиб турувчи денгиз.

8. Илдизидан қимматбаҳо дори тайёрланадиган дуккакли машҳур ўсимлик.

9. Узоқ Шарқ ўрмонларида яшовчи ёввойи ҳайвон.

10. СССРда фақат Уссурий ўрмонларида сақланиб қолган ноёб ҳайвон.



Ёзинг:

2. Узоқ Шарққа хос бўлган иқлим типи.

3. Амурнинг чап ирмоғи.

5. Узоқ Шарқдаги йирик полиметалл кони.

7. Ер тагидан отилиб чиқувчи иссиқ сувли булоқлар.

2. Нима сабабдан Узоқ Шарқ дарёлари ёзда тўлиб тошиб оқади-ю, қишда эса суви камайиб қолади?


3. СССРнинг қайси оролларини безакка ўхшатиш мумкин?

4. СССРдаги ороллардан бирига Белгиядек давлатдан иккитасини жойлаштириш мумкин. Оролнинг асосий бойлиги кўмир, нефть, ўрмон, балиқ. Айтинг-чи, бу қайси орол?

Ўрта Осиё ва Қозоғистон

1. Кроссворд.

Бўйига:



1. Оқмас кўл.
3. Катта тоғ тизмаси.
4. Нура дарёсига қуйиладиган оқмас кўл.
5. Ўрта Осиёдаги энг катта пасттекислик.

Энига:

2. Совет Иттифоқидаги энг паст жой.
3. Шимоли-ғарбдан жанубий-шарққа йўналган тоғ тизмаси.
4. Қозоғистондаги бир номдаги плато ва сой.
6. Зайсан кўлидан бошланувчи дарё.
7. Ғарбдан шарққа йўналган тоғ тизмаси.
8. Балхаш кўлига қуйиладиган дарё.
9. СССР чегараси бўйлаб йўналган тоғ тизмаси.

2. Ўрта Осиё ва Сибирда бир хил ном билан аталувчи тоғ тизмасини айтинг.

3. Ўрта Осиёда денгизга етиб бора олмайдиган, бинобарин, қуяр жойи бўлмаган дарёларни айтинг.

4. Осиёни текширган буюк рус географларининг бири П. П. Семёнов Тяньшанскийдир. Қани, айтинг-чи, унинг фамилиясига «Тяньшанский» нима сабабдан ва қачон қўшимча қилинди?

5. Ўрта Осиёдаги энг ёш кўлни айтинг.

6. Ўрта Осиёдаги энг катта музликни ким кашф қилган?

7. Ўрта Осиёдаги энг баландда жойлашган шўр кўлни айтинг.

8. Ўрта Осиёнинг энг баланд довони қайси тоғда?

9. Ўрта Осиёдаги энг баланд шаршарани айтинг.

10. Қозоғистон картасидан бир номдаги баландлик,

пасттекислик, дарё ва аҳоли яшайдиган жойларни айтинг ва топинг.

11. Шарқий Қозоғистонда январь ойининг температураси, Новая Земля оролидагидан қолишмайди, айтинг-чи, нега шундай?

12. Қозоғистонда тюленлар учрайдими?

13. Қозоғистоннинг қайси қисмида тақирлар кўп ва улар қандай йўл билан вужудга келган?

IX СИНФ. СССРнинг ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯСИ

1. Иқтисодий география терминини биринчи бўлиб қўллаган олимни айтинг.

2. Революциядан илгари Россия жаҳон саноат маҳсулотининг қанча қисмини берар эди ва нечанчи ўринда турар эди?

3. Айтинг-чи, чор Россиясининг иқтисодий жиҳатдан жуда қолоқлиги нималарда намоён бўлар эди?

4. 1977 йилда жаҳон саноат маҳсулотининг қанчаси СССРда ишлаб чиқарилган?

5. Совет Иттифоқи қандай хом ашё ва саноат маҳсулотларини тайёрлашда ва ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни эгаллайди?

СССР аҳолиси ва меҳнат ресурслари

1. 1913 йилда мамлакатимиз аҳолиси қанча эди ва у ҳозирда қанчадан кўпаймоқда?

2. Россияда биринчи аҳоли рўйхати қачон ва ким бошчилигида ўтказилган эди?

3. Чор Россияси аҳолисининг қанчаси саводсиз эди?

4. СССРда аҳоли энг зич жойлашган территорияларни айтинг.

5. Россиянинг қоратупроқли зонасида аҳолининг зич жойлашишига сабаб нима?

6. Мамлакатимизнинг шимолий районларидаги аҳолининг маҳсулотини қандай изоҳлаш мумкин?

7. Қайси иттифоқдош республикаларда аҳолининг табиий ўсиши энг юқори?

8. Қайси автоном республика аҳолиси ниҳоятда кўп миллатли?

9. Айтинг-чи, мамлакатимиз аҳолисининг қанча қисми Ҳинд-Европа тиллари оиласида сўзлашади?

10. СССРда аҳолиси млн. кишидан ортиқ бўлган шаҳарларни айтинг.

11. СССРнинг қайси шаҳри икки қитъада жойлашган?

12. СССРда қайси шаҳарлар шу ердаги фойдали қазилма номи билан аталади?

13. А. Навоий достонларидаги образ исмидаги шаҳар.

14. СССРдаги қайси шаҳар номи қуш ва ҳайвон номларининг қўшилишидан ҳосил бўлган?

15. Мамлакатимиз картасида Африка материгидаги номларни учратиш мумкинми?

16. Мамлакатимизда футбол командалари номлари билан боғлиқ бўлган аҳоли пунктларини айтинг.

17. 1) Архангельск, 2) Мелитополь, 3) Орёл, 4) Якутск, 5) Красноярск, 6) Минск, 7) Тбилиси шаҳарлари қайси дарёлар бўйида жойлашган?

18. СССРнинг энг йирик шаҳарларидан бири 6 та ҳарфдан ташкил топган. Агар унинг 2—4—6- ҳарфларини қўшиб ўқисак, шу шаҳар жойлашган Волганинг ўнг ирмоғи келиб чиқади. Айтинг-чи, бу қайси дарё?

19. Дарахт номи билан аталувчи шаҳарни айтинг.

20. СССРдаги қайси шаҳар қуш номи билан аталади?

21. СССРнинг қайси шаҳарларида метрополитен қурилган ва қайсиларида қурилаяпти?

22. Денгиз бўйида жойлашган ва шу денгиз номи билан боғлиқ бўлган шаҳарларни айтинг.

23. В. И. Ленин ва А. М. Горький туғилган шаҳарларининг илгариги номлари қандай эди?

24. СССРнинг қайси шаҳарларининг номи «етти палатада» жойлашганлигидан далолат беради?

25. Забайкальеда фасл номи билан аталувчи шаҳарни айтинг.

26. Пойтахт ва муҳим порт функциясини бажарувчи шаҳарларни айтинг.

27. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шарафига қўйилган шаҳарларни айтинг.

28. СССРнинг энг шимолидаги порт шаҳар, у қиш пайтида ҳам музламайди, айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

29. Қайси шаҳар Волга бўйлаб 70 км дан ортиқ масофага чўзилиб кетган?

30. СССРдаги Куйбишев номи билан боғлиқ бўлган шаҳарлардан 2—3 тасини айтинг.

31. Қайси шаҳар буюк рус композитори номи билан аталади? У қайси область территориясида жойлашган?

32. Ватанимизнинг буюк кишилари шарафига қўйилган 7 та шаҳарни айтинг.

33. Қайси шаҳарлар номи унинг ёнидан туз чиқишидан далолат беради?

34. 60°30′ шим. кенгликдан шимолда жойлашган СССРнинг энг йирик шаҳарларини айтинг.

35. Қайси олимлар ҳам химия, ҳам география соҳасида тадқиқот олиб борганлар?

36. Ватанимиздаги буюк рассомлар номидаги шаҳарларни айтинг.

37. СССРда ёзувчи ва шоирларимиз шарафи билан боғлиқ бўлган шаҳарларни айтинг.

38. 1221 йилда бунёд бўлган шаҳар, унда М. Горький, Я. М. Свердлов, Н. А. Добролюбовлар туғилган. Шаҳар халқ хўжалиги учун кемалар, автомобиллар етказиб беради. Айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

39. СССР шарқидаги қайси шаҳар мамлакатимизнинг шарқий дарвозаси деган номни олган?

40. Туркманистон ССРнинг шаҳар типидаги посёлкаларидан бири, илгари Каспийбўйидаги порт эди, ҳозир кемалар унга 8—9 км етмасданоқ тўхтайди. Айтинг-чи, бу қайси посёлка, кемаларнинг унга кела олмаслигига сабаб нима?

41. Ленинград шаҳри нечта оролда жойлашган?

42. СССР Европа қисмида дарёлар номлари билан аталувчи шаҳарларни айтинг.

43. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб шаҳарларнинг номларини ўқинг ва уларнинг халқ хўжалигидаги ролига қисқача баҳо беринг.

1) — а — — а — — а — а, 2) — а — а — а — — а.

44. Шимолий Муз океанида қатновчи кемалар қирғоқда жойлашган «— икс — — «портидан» — икс —» портга, кийим-кечак, ёқилғи, озиқ-овқат келтиради. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз ўша порт шаҳарларнинг номлари келиб чиқади.

45. Қайси шаҳарга биринчи космонавт Ю. А. Гагарин номи берилган?

46. СССРдаги Италия коммунистик партиясининг асосчиси номидаги шаҳарни айтинг. Шаҳар қандай саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш билан дунёга машҳур?

47. Санкт-Петербург, Вятка, Тверь, Екатеринбург, Самара, Царицин шаҳарлари ҳозир қандай номлар билан аталади?

48. СССРнинг дашт зонасида жойлашган қаҳрамон

шаҳар, ўзи ўрмонлардан анча узоқда, лекин мамлакатимизнинг йирик ўрмон саноати марказларидан бири. Айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

49. СССРнинг йирик денгиз портларидан бири денгиздан 700 км узоқда жойлашган. Лекин океан кемалари унгача бемалол кириб кела олади. Айтинг-чи, бу қайси порт?

Энг муҳим тармоқлараро комплекслар ва тармоқлар географияси. Ёқилғи энергетика комплекси

1. СССР ёқилғи ресурсларининг қайси тури бўйича дунёда биринчи ўринни, қайси турлари бўйича иккинчи ўринни эгаллайди?

2. СССРда кўмирнинг аниқланган потенциал запаси қанча? Айтинг-чи, унинг қанчасини саноат запаси ташкил этади?

3. СССРдаги энг катта кўмир ҳавзаларини айтинг. Улар ишга солинганми ёки йўқми? Сабабини тушунтиринг.

4. СССРда 1990 йилда қанча кўмир қазиб чиқариш планлаштирилган?

5. СССРда нефть ва газ тарқалган территория қанча майдонни ташкил этади?

6. Нефтни қазиб олишнинг энг арзон усулини айтинг.

7. СССРда 1990 йилда қанча нефть ва газ қазиб чиқариш планлаштирилган?

8. СССРнинг қайси райони ҳозир нефть қазиб чиқаришда биринчи ўринда?

9. СССРдаги энг йирик газ қазиб чиқариладиган районларни айтинг.

10. Бухоро гази Уралга қачон етиб борди?

11. 1964 йилда ишга туширилган энг узун нефть қувурининг номини айтинг.

12. Айтинг-чи, мамлакатимизда шартли ёқилғи қилиб қайси кўмир ҳавзасининг кўмири олинган?


13. С С С Р ёқилғи саноати кроссворди.

Бўйига:

1. Узоқ Шарқдаги йирик кўмир кони.

3. СССРда нефть қазиб чиқаришда учинчи ўринда турадиган область.

4. Ўрта Осиёдаги йирик газ кони.



5. Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган тошкўмир ҳавзаси.

6. Нефтни қайта ишлаш саноатининг йирик марказларидан бири.

7. Социалистик мамлакатларга борувчи йирик нефть қувури.

Энига:

2. Қозоғистондаги йирик нефть кони.

4. Шимолий Кавказдаги нефть ва газни қайта ишлайдиган йирик марказ.

7. Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган тошкўмир ҳавзаси.

8. Ғарбий Сибирнинг йирик нефть кони.

9. СССРнинг энг катта нефть кони.

10. Украина ССРдаги газ кони.

14. Нефтни қайта ишлаш саноати жойлаштирилишининг асосий принципи нима?

Электроэнергетика

1. Тез айтинг: В. И. Ленин мамлакатни ёппасига электрлаштиришнинг аҳамиятини қандай изоҳлаган эди?

2. СССРда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг қанчаси иссиқлик электр станцияларига тўғри келади? Нима сабабдан шундай?

3. СССРдаги иссиқлик электр станцияларидан бирининг қуввати 4,8 млн. кВт/с га тенг. У мамлакатимизнинг қайси шаҳарида жойлашган?

4. ГОЭЛРО плани асосида дастлабки қурилган ГЭСни айтинг?

5. Маълумки, бутун дунёдаги энг йирик ГЭС бизнинг мамлакатимизда қурилган. Айтинг-чи бу қайси ГЭС, у қанча қувватга эга?


6. АЭСларни қандай жойларга қурган маъқул?

7. СССР дунёда электр энергия ишлаб чиқариш бўйича нечанчи ўринда туради? 1988 йилда қанча электр энергия ишлаб чиқарилди?

8. Электроэнергетика кроссворди.

Бўйига:

1. Дунёдаги энг катта ГЭС.



2. Волга дарёсидаги ГЭС.

3. СССР нинг Европа қисмидаги энг катта иссиқлик электр станцияларидан бири.

4. Дунёда энг баланд тўғонли ГЭС.

8. Ангара дарёсига қурилган йирик ГЭС.

12. Мамлакатимиз Европа қисмида Ленинград яқинидаги ГЭСлар каскади.

Энига:

5. Россияни электрлаштиришнинг давлат плани.

6. СССРнинг Осиё қисмида қурилаётган энг йирик иссиқлик электр станция.

7. Москва областидаги АЭС.

9. Энг йирик АЭСлардан бири.

10. Енисей ҳавзасида қурилган дастлабки ГЭС.

11. Шарқий Сибирдаги энг йирик иссиқлик электр станция.

Қора металлургия

1. Металлургия комбинати металлургия заводидан қандай фарқ қилади?

2. СССР қора металлургия саноат маҳсулотининг кўлами бўйича дунёда нечанчи ўринни эгаллайди?

3. СССР қора металлургиянинг қайси хом ашё турларини тайёрлашда дунёда биринчи ўринни эгаллайди?

4. СССРда қайси район қора металлургия саноати маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми бўйича биринчи ўринда туради? Нима сабабдан шундай?

5. Мамлакатимизнинг қайси темир руда ҳавзасидан, СССРда қазиб чиқариладиган темир рудасининг 50% и олинади. Битта ҳавзанинг шу қадар катта бўлишини қандай изоҳлайсиз?

6. СССРда 1990 йилда қанча пўлат эритилади?

7. Дунёдаги энг катта металлургия комбинати бизнинг мамлакатимизда. Бу комбинат қандай қувватга эга ва у СССРнинг қайси шаҳрида жойлашган?


8. Қора металлургия кроссворди.

Бўйига:

1. Озарбайжон ССРда қувурлар ишлаб чиқарувчи завод жойлашган шаҳар.

2. Ўрта Осиёда ягона металлургия заводи жойлашган шаҳар.

3. Қозоғистонда тўлиқ циклли металлургия заводи жойлашган шаҳар.



6. Дошкесан темири ва Ткибули кўмири асосида ишловчи завод жойлашган шаҳар.

7. Қора металлургиянинг муҳим хом ашёси.

Энига:

4. Магнитли темир рудасига бой жой.

5. 1932 йилда қурилган металлургия заводи.

8. Донбассдаги йирик металлургия комбинати жойлашган шаҳарлардан бири.

9. Йилига 6 млн. т прокат ишлаб чиқарадиган металлургия заводига қанча маҳсулот келтириш керак бўлади? У қанча темир йўл составини ташкил қилиши мумкин? Тегишли маълумотларни (9-синф) дарслик иловасидаги 14-жадвалдан олинг.

Рангдор металлургия

1. Алюминий олинадиган металлнинг хом ашёларини айтинг.

2. Қайси металлни «паҳлавон металл» деймиз? Айтинг-чи, у нима сабабдан шундай ном олган?

3. Нима сабабдан СССРдаги кўпгина алюминий ишлаб чиқарадиган корхоналар ГЭСлар ёнига қурилган?

4. Рангдор металлургия корхоналарини жойлаштиришнинг энг муҳим принципини айтинг.


5. СССРдаги энг катта мис комбинатлари қаерларда жойлашган?

6. Йилига 1 млрд. кВт/с электр энергия ишлаб чиқарадиган электр станция базасида ҳар йили 500 минг т алюминий ишлаб чиқарадиган қувватга эга бўлган завод қурса бўладими?

7. Қайси металлнинг деярли 80% идан қора метал-

лургияда фойдаланилади? Айтинг-чи, нима сабабдан шундай қилинади?

8. Рангдор металлургия кроссворди. Бўйига:



1. Никель ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бири.

3. Арманистондаги йирик мис ишлаб чиқаришнинг маркази.

4. Алюминий хом ашёси.

Энига:

1. Уралдаги мис ишлаб чиқаришнинг йирик маркази.

2. Украинадаги алюминий ишлаб чиқаришнинг йирик маркази.

5. Ўрта Осиёдаги қўрғошин-рух саноатининг йирик марказларидан бири.

6. Сибирдаги йирик алюминий ишлаб чиқаришнинг йирик маркази.

Машинасозлик комплекси

1. Машинасозлик саноатини жойлаштиришда ҳисобга олинадиган энг муҳим омилларни айтинг.

2. Революцияга қадар машинасозлик қайси шаҳарларда тўпланган эди?

3. СССРнинг қайси шаҳарларида ҳўкиз ва кийик эмблемалари қўйилган автомобиллар ишлаб чиқарилади?

4. СССРдаги қайси шаҳарларда автомобиль заводлари жойлашган?

5. Айтинг-чи, СССРда автомобиль саноати қачон ташкил топган?

6. Мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқариш аҳволи қай даражада?

7. Олтой трактор заводи қайси шаҳарда жойлашган?

8. Машинасозлик саноати кроссворди. Бўйига:


1. Балтикабўйидаги машинасозликнинг турли тармоқлари ривожланган шаҳар.

4. Энергетика машинасозлигининг йирик маркази.

5. Балтика бўйидаги автомобиль заводи жойлашган шаҳар.

6. Волгабўйидаги автомобилсозликнинг йирик маркази.

8. СССРдаги энг йирик автомобиль заводи жойлашган шаҳар.



Энига:

1. Сибирда дарё кемасозлиги ривожланган шаҳар.

2. Транспорт машинасозлигининг йирик марказларидан бири.

3. Кемасозликнинг йирик маркази.

7. Балтикабўйидаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги ривожланган шаҳар.

9. Автомобиллар, кемалар, станоклар, моторлар ишлаб чиқарувчи йирик марказ.

10. Украинада оғир машинасозлик ривожланган шаҳар.

Химия саноати

1. Қайси саноат тармоғини чекланмаган хом ашё базасига эга деб атайдилар? Айтинг-чи, нима сабабдан шундай дейилади?

2. СССРда глаубер тузи олинадиган «табиий фабрика» қаерда жойлашган?


3. Нима сабабдан фосфор ўғитлари ишлаб чиқарадиган заводлар асосан Украина, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда жойлашган? Ҳолбуки бу ўғит хом ашёси апатит, асосан, Кола яриморолида қазиб чиқарилади.

4. Азот ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводларни хом ашё манбаларига яқин қуришнинг афзаллиги нимада?

5. Химия саноати кроссворди.

Энига:

1. Шимолий Кавказдаги синтетик каучук ишлаб чиқаришнинг йирик маркази.



3. Ўзбекистонда суперфосфат ўғити ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бири.

5. Ўзбекистонда газ хом ашёси асосида азот ишлаб чиқарувчи комбинат жойлашган шаҳар.

6. Апатит, фосфорит рудаларининг энг катта кони.

7. Марказий райондаги синтетик ва сунъий толалар, пластмассалар ишлаб чиқариш ривожланган шаҳар.

Бўйига:

1. Белоруссиядаги азот-тук комбинати жойлашган шаҳар.

2. 1928 йилда топилган жаҳондаги энг йирик калий кони.

3. Калий ўғитлари ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бири.

4. Украина ССРдаги йирик газ кони.


Ўрмон саноати

1. Ўрмон саноати ривожланган районларда кўплаб ўрмон-химия комбинатлари бунёд этилган, айтинг-чи, нега шундай?

2. Целлюлоза-қоғоз саноати корхоналарини қайси жойларга қурган маъқул?

3. Ўрмон саноати кроссворди.

Энига:



1. СССР Европа қисмидаги гугурт ишлаб чиқарадиган йирик марказ.

2. СССР шарқидаги ёғочни қайта ишлаш целлюлоза-қоғоз саноатининг энг йирик маркази.

3. Умумиттифоқ қоғозининг 20%ни бераётган иқтисодий район.

4. Фанер ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бирини номи.

6. «Ўрмон пойтахти» деб ном олган шаҳар.

Бўйига:

1. Шарқий Сибирдаги йирик ўрмон саноати комплекси маркази.

2. Марказий райондаги гугурт саноатининг йирик марказларидан бири.

4. Сибирдаги гидролиз саноатининг йирик маркази.

5. Ёғочни комплекс ишлашнинг энг йирик марказларидан бири.

Енгил саноат кроссворди.

Энига:


1. Грузиядаги шойи тўқимачилигининг йирик маркази.

3. XIX асрда қурилган, Балтикабўйидаги тўқимачилик фабрикаси жойлашган шаҳар.

5. Россиядаги жун газлама саноати дастлаб ташкил топган шаҳарлардан бири.

6. Зигир тўқимачилигининг йирик маркази.

7. Марказий райондаги сунъий ипак ишлаб чиқарувчи йирик марказлардан бири.



Бўйига:

2. СССРдаги йирик ип газлама тўқимачилигининг маркази.

3. Озарбайжон ССРнинг йирик шойи тўқиш маркази.

4. Волга-Вятка районидаги мўйначилик саноатининг йирик маркази.

Озиқ-овқат саноати


1. Озиқ-овқат саноати учун денгиздан олинадиган энг муҳим хом ашёни (сув ўтини) айтинг.

2. СССРда энг кўп овланадиган балиқ турини айтинг.

3. СССРдаги балиқ саноатининг энг йирик марказларидан бештасини айтинг.

4. Озиқ-овқат саноати кроссворди.

Энига:



1. СССРдаги йирик гўшт комбинати жойлашган шаҳар.

3. СССРдаги ёғ саноатининг энг йирик маркази.

6. СССРнинг «балиқчилик цехи» деб ном олган области.

7. Шимолий Қавказдаги гўшт-консерва ишлаб чиқаришининг йирик маркази.

8. Украина ССРдаги қанд саноатининг йирик маркази.

Бўйига:

1. Волгабўйидаги йирик ун тортиш маркази.

2. Узоқ Шарқдаги балиқ-консерва саноатининг йирик маркази.

4. Шарқий Сибирдаги йирик сут-ёғ маркази.

5. Украина ССРнинг қанд саноати марказларидан бири.

5. Айтинг-чи, агросаноат комплекси (АСК) билан, аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси (АСБ)нинг бир-биридан фарқини тез тушунтира оласизми?

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида энг кўп учрайдиган қуйидаги иқтисодий терминларни ўқинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз уларнинг номлари келиб чиқади.

— — — — — — — — — — я, — — ш — — —,

— — — — — т у — у — — — — — — — — — — , д — — — — — д.


7. Географик кечамизга қуйидаги мазмундаги телеграммалар тушди, қани уларнинг магзини ечинг-чи.

НОТ, РАПО, БАС, НПО, НУТ.

8. Қуйида 1990 йилда аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши керак бўлган асосий маҳсулотлар (кг ҳисобида) аралаштириб берилди. Қани сиз уларни жой-жойига қўйинг-чи. Ким тез бажарса, ўша ўқувчи ғалаба қилган хисобланади (19, 70, 330—340, 45, 5, 13, 2, 126—135, 66—70).

	1990 йил
1 гўшт ва гўшт маҳсулотлари	?
2 балиқ ва унинг — « — — — —	?
3 қанд	?
4 сут ва унинг маҳсулотлари	?
5 ўсимлик мойи	?
6 сабзавот ва полиз	?
7 мева	?

9. Қуйида АСК (агросаноат комплекси)нинг таркиби нималардан иборат эканлигини тўлдиринг, сўроқлар ўрнида қандай соҳалар системаси мавжуд бўлишлигини ёзинг. Қайси ўқувчи тез ва тўлиқ тўлдирса, ўша ўқувчи ғалаба қилган саналади.



Транспорт комплекси

1. Россияда биринчи темир йўл қачон ва қаерларда қурилган эди?
2. Қайси шаҳар мамлакатимизнинг энг йирик транспорт тугуни ҳисобланади?
3. Дунёдаги энг узун темир йўл қайси шаҳарларни боғлаб турибди?
4. Кенглик ва меридионал йўналишларда электрлаштирилган йирик темир йўл магистралларини айтинг. Улар қайси шаҳарларни боғлаб турибди?
5. Қайси денгизлар юк обороти жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринда туради?
6. СССРда энг кўп юк ташиладиган дарёни айтинг.


7. Сув транспорти кроссворди.

Энига:

1. Совет Иттифоқининг энг йирик денгиз порти.
3. СССР жанубидаги энг йирик денгиз порти.
6. Баренц денгизининг йирик музламайдиган порти.
8. Каспий денгизидаги йирик порт.

9. Узоқ Шарқдаги энг йирик порт.

10. 1932 йилда Шимолий Муз океанини бир мавсумда кесиб ўтган музёрар кема.




Бўйига:

1. Балтика денгизидаги музламайдиган порт.
2. Қора денгиздаги йирик портлардан бири.
4. Кама дарёсидаги порт.
5. Узоқ Шарқнинг катталиги жиҳатидан иккинчи порти.
7. Волга дарёсидаги энг йирик порт.
9. Кема қатнайдиган йирик дарё.

СССРнинг иқтисодий зоналари, иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районлари

1. Қуйидаги контурларда қайси иқтисодий районлар акс эттирилган? Сўроқ белгилари ўрнида қайси шаҳарлар жойлашган?



II. Марказий район

1. Марказий районнинг энг кўзга кўринган 3 та саноат тармоғини айтинг?
2. Нима сабабдан Марказий районда меҳнатни кўп талаб қиладиган саноат тармоқлари анча тараққий этган?

3. Районнинг қайси заводларида мамлакат учун энг юқори сифатли пўлат эритилади?

4. Москва областидаги шаҳарлардан бирининг ўзбек тилидаги таржимаси ПОНА деб юритилади, айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

5. Иваново областида ёшлар шарафига қўйилган шаҳарни айтинг.


6. Тула областида рус саркардаси шарафига қўйилган шаҳарни айтинг.

7. Тула областида қаҳрамон партизан номига қўйилган шаҳарни айтинг.

8. Москва областидаги электро сўзи билан бошланувчи 3 та шаҳарни айтинг.

9. Кроссворд.

Энга:



1. Марказий райондаги тўқимачилик машинасозлигининг йирик маркази.

5. Қурол-яроғ ва самовар ишлаб чиқаришда қадимдан машҳур бўлган шаҳар.

7. Марказий райондаги оғир саноат марказларидан бири бўлган шаҳар.

8. Полиграфия машинасозлигининг йирик маркази.

9. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг йирик маркази.

10. Десна дарёси бўйидаги вагонсозлик, тепловозсозликнинг йирик маркази.

Бўйига:


2. Москвадаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи заводнинг номи.

3. Йирик тепловозсозлик маркази.

4. Владимир областидаги тарихий шаҳар.

6. Дунёда энг йирик зиғир тўқимачилик комбинати жойлашган шаҳар.

III. Марказий Қоратупроқ райони кроссворди.



Бўйига:

1. Ҳисоблаш машиналари, трактор деталлари, аккумулятор, кўчма электр станциялар ишлаб чиқариш ривожланган шаҳар.

3. Саноати асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан иборат область.

4. Йирик темир йўл тугуни.

Энига:

2. Майдони, аҳолиси бўйича Марказий Қоратупроқ районида биринчи ўринда турувчи область.

5. Йирик металлургия комбинати ва трактор заводи жойлашган шаҳар.

6. Тамбов области территориясидан оқувчи дарё.


7. Фойдали қазилмаларга камбағалроқ область.

IV. Шимолий ва Шимоли-Ғарбий райони.

1. Қайси кўл Беломор-Балтика ва Волга-Балтика сув йўлларини бирлаштириб туради?

2. Ленинград шаҳри нечта оролда жойлашган?

3. Қайси шаҳарнинг номлари шу жойдан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар номи билан боғлиқ?



4. Мурманск областининг қайси яримороли шу ерда яшовчи аҳолининг касбкорини билдиради?

5. Псков областининг қайси шаҳари ўз номига монанд эмас?

6. Мурманск областининг қайси шаҳарининг номи унинг чекка шимолда жойлашганлигини кўрсатади?

7. Кроссворд.

Бўйига:

1. Ленинград областининг иккинчи йирик порти ва саноат шаҳри.

2. Боксит, глинозём, руда конлари асосида ташкил топган шаҳар.

3. АССР пойтахти. Йирик саноат маркази.

4. Аҳолисининг 90% и шаҳарларда яшайдиган область.

7. Архангельск областидаги йирик темир йўл тугуни. Энига:

5. Ленинград билан чуқур канал орқали боғланган денгиз қалъаси.

6. Кўҳна рус шаҳри.

8. Шимоли-Ғарбий районнинг йирик қора металлургия комбинати жойлашган шаҳри.

9. Телефон аппаратлари ишлаб чиқарадиган ва зиғир тўқимачилик машинасозлиги ривожланган шаҳар.

10. Вологда областидаги қоғоз саноати ривожланган шаҳар.

V. Волга-Вятка райони. Кроссворд.


Бўйига:

1. Моторлар ишлаб чиқарадиган йирик саноат маркази.

2. Горький областида нефть-химияси саноати билан машҳур бўлган шаҳар.

3. Горький областидаги қоғоз саноатининг йирик маркази.

4. Нефтни қайта ишлаш саноатининг энг йирик маркази.



Энига:

2. Чувашия АССРдаги катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар.

5. Автомобиль ойналари ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган шаҳар.

6. Автобуслар ишлаб чиқариладиган шаҳар.

7. Илгари Хлинов, Вятка деб аталган, ҳозирда область маркази бўлган шаҳар номи.

VI. Волгабўйи райони.

1. Волгабўйи иқтисодий районида аҳоли сони бўйича 1-ўринни эгаллайдиган шаҳарни айтинг.

2. Совет ҳокимияти йилларида пайдо бўлган шаҳарларни айтинг.

3. В. И. Ленин таълим олган, Н. И. Лобачевский, А. М. Бутлеров, Н. Н. Зининлар ишлаган шаҳарни айтинг.

4. Волгоград областида рус совет ёзувчиси шарафига қўйилган шаҳарни айтинг.


5. Волгабўйи районида Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган туз конларини айтинг.

6. Волгабўйидаги автомобилсозликнинг йирик марказларини айтинг.

7. Волгоград дашт зонасида жойлашганлигига қарамасдан, шаҳарда ёғоч саноати жуда тараққий этган, айтинг-чи, нега шундай?

8. Кроссворд.

Бўйига:



1. Волгабўйида нефтни қазиб олишнинг кенг тарқалган усули.

3. Волгабўйидаги йирик саноат маркази.

5. Волгабўйида ишлаб чиқариладиган автомобилнинг маркаси.

Энига:

2. Дунёдаги энг катта нефть кони.

4. Волгабўйининг энг жанубидаги дельтада жойлашган шаҳар.

6. Нефтни қайта ишлаш, химия, машинасозлик саноати ривожланган шаҳар.

7. АССР пойтахти.

VII. Шимолий Кавказ райони.

1. Қайси шаҳарларнинг номлари шу ердан оқадиган сув манбалари билан боғлиқ?

2. Айтинг-чи, Ставрополь ўлкасидаги курорт шаҳри Пятигорск номи нима билан боғлиқ?

3. Қайси шаҳар қадимдан Кавказ дарвозаси деб ном олган?


4. Шимолий Кавказнинг қайси шаҳари кишида қўрқув ҳиссиётини уйготиши билан боғлиқ?

5. Краснодар ўлкасидаги курорт шаҳарларидан бири-

нинг номи 5 та ҳарфдан тузилган бўлиб, уларнинг учтасини «а» ҳарфи ташкил этади, айтинг-чи, бу қайси шаҳар?

6. Кроссворд.

Бўйига:



1. Қора денгизбўйидаги машҳур курорт шаҳар.
2. Ростов областидаги йирик саноат маркази.
3. Олтингугуртли шифобахш сув чиқадиган тог.
4. Шимолий Кавказда яшовчи халқ.
5. Краснодар ўлкасидаги шаҳар.
6. АССР пойтахти.

Энига:

3. Каспий денгизидаги порт, АССР пойтахти.
5. Ростов областидаги шаҳар.
7. Шимолий Кавказда яшовчи Кавказ оиласининг Нах группасига кирувчи халқ.
8. Балиқ-консерва саноатининг йирик маркази.
9. Курорт хўжалиги билан машҳур шаҳар.


VIII. Урал райони

1. Уралдаги энг қадимги металлургия заводларини айтинг.
2. Уралдаги қайси комбинатлар СССРда калий ўғитларини асосий қисмини етказиб беради?
3. «Уралмаш» заводи қандай маҳсулотлар етказиб беради?
4. Свердловск областида йирик совет геологи шарафига қўйилган шаҳарни айтинг.
5. Уралда қурилган биринчи темир йўлни айтинг.
6. Оренбург областидаги қайси шаҳар номи, унинг ёнидан қазиб чиқариладиган руда номи билан боғлиқ?

7. Кроссворд.

Энига:

1. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва қорамол ўлатлари билан машҳур бўлган область.



3. Оғир машинасозликнинг йирик корхонаси.

4. Кама дарёсининг чап соҳилидаги йирик саноат шаҳри.

5. Автомобиль заводи жойлашган шаҳар.

6. Йирик иссиқлик электр станцияси мавжуд шаҳар.

8. Свердловск областидаги саноат шаҳри.

Бўйига:

1. Мис шлаб чиқаришнинг йирик маркази.

2. Йирик металлургия комбинати бўлган шаҳар.

3. Свердловск шаҳридаги химия машинасозлигининг муҳим корхонаси.


7. Урал иқтисодий районининг энг жанубидаги шаҳар.

9. Қора металлургиянинг қадимий марказларидан бири.

IX. Ғарбий Сибирь райони

1. Кроссворд.

Энига:



1. Ғарбий Сибирнинг йирик дарёси.

7. Ғарбий Сибирнинг йирик тузли кўли.


8. Ғарбий Сибирнинг йирик газ кони.

9. Ғарбий Сибирнинг йирик саноат маркази.
10. Новосибирскнинг йўлдош шаҳри.
11. Ғарбий Сибирнинг энг катта саноат шаҳри.

Бўйига:

2. Ўлка марказидаги йирик саноат шаҳри.
3. Обь дарёси бўйидаги ўрмон ва балиқчилар шаҳри.
4. Ғарбий Сибирнинг ёғочсозлик марказларидан бири.
5. Олтой ўлкасининг қанд-шакар, ип газлама ишлаб чиқарадиган йирик маркази.
6. Ғарбий Сибирдаги оғир машинасозликнинг йирик маркази.

X. Шарқий Сибирь райони 1. Кроссворд.



Бўйига:

1. Шарқий Сибирнинг йирик дарёси.
2. Иркутск областидаги йирик саноат маркази.
4. Ўлка пойтахти.
5. Шарқий Сибирдаги йирик графит кони.
7. 3 та дарё сувайирғичида жойлашган область.


Энига:

3. Алюминий хом ашёси.
6. Шарқий Сибирдаги йирик кўмир кони.
8. АССР номи.
9. Енисей дарёси бўйидаги ёғочсозлик саноатининг (тахта тилиш) йирик маркази.
10. Йирик ГЭС.

XI. Узоқ Шарқ райони. Кроссворд.

Энига:

1. Осиё қитъасининг энг чеккасида жойлашган область.
4. Кўмир, нефть, ўрмон ва балиққа бой область.
7. Коряк автоном округи пойтахти.
8. Шарқий Сибирь денгизидаги порт.
9. Узоқ Шарқда биринчи қурилган АЭС.



11 Сахалин областидаги порт шаҳар.

Бўйига:

2. Охота денгизи бўйидаги балиқчилар посёлкаси.

3. АССР пойтахти.


5. Ўрмон, химия, машинасозлик саноатларининг йирик маркази.

6. Кучли сув кўтарилиши ва қайтиши кузатиладиган қўлтиқ.

10. Сахалин областидаги шаҳар.

Украина ССР

XII. Донецк-Днепр бўйи райони



Кроссворд:

Бўйига:

1. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг йирик маркази.

2. Қанд ишлаб чиқаришнинг энг қадимги ва энг йирик маркази.

3. СССРда кўмир қазиб чиқарувчи йирик марказлардан бири.

4. Оғир машинасозлик саноатининг йирик маркази.

Энига:

2. Курортлар ва катта ГРЭС жойлашган шаҳар.

5. Украина ССРнинг илгариги пойтахти ва йирик темир йўл тугуни.

6. Қора металлургия комбинати жойлашган шаҳар.


7. Йирик темир йўл тугуни.

8. «Коммунар» автомобиль заводи жойлашган шаҳар.

9. Кокс-химия, ўғит, кўмир саноати учун машиналар ишлаб чиқарувчи йирик марказ.

XIII. Жануби-Ғарбий район.

Кроссворд.




Бўйига:

1. Тетеров дарёси бўйида жойлашган область маркази.
2. Йирик газ кони.
3. Тўқимачилик, озиқ-овқат ва машинасозлик саноатлари ривожланган шаҳар.
5. Днестр дарёси бўйида жойлашган қанд саноатининг йирик марказларидан бири.
8. Область маркази.
10. Энергетика ва электротехника машинасозлиги ривожланган шаҳар.

Энига:

4. Жанубий Буг дарёси бўйида жойлашган қанд ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бири.
6. Чернигов областидаги шаҳар.
7. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш устун турадиган Киев областидаги шаҳар.
9. Тог-кон саноатининг йирик маркази.
10. Ғарбий Украинанинг йирик транспорт тугуни.
11. Область маркази.

XIV. Жанубий район. Кроссворд.



Бўйига:

1. Қаҳрамон шаҳар.
3. Қора денгиздаги энг катта порт ва саноат тугуни.
5. Кемасозлик саноатининг йирик маркази.

Энига:


2. Қримнинг жанубидаги портлардан бири.
4. Йирик дарё порти.
6. Балиқ саноатининг ва темир руда қазиб чиқаришнинг йирик маркази.

7. Йирик курорт хўжалиги ва туризм ривожланган шаҳар.

8. Қримдаги қаҳрамон шаҳар.

9. Бир номдаги ГЭС ва сув омбори.

XV. Молдавия ССР. Кроссворд.



Энига:

1. Молдавия территориясидан оқувчи дарё.

3. Молдавиядаги қирлар номи.

6. Молдавия ССРнинг шимолидаги энг катта шаҳар.


Бўйига:

2. Молдавиядаги хўжалик аҳамиятига кўра иккинчи шаҳар.

3. Маданий, илмий саноати ривожланган йирик шаҳар.

4. Йирик ГЭС.

5. Озиқ-овқат саноатининг йирик маркази.



XVI. Белоруссия ССР.

Кроссворд.

Бўйига:

1. Иқтисодий райондаги энг катта шаҳар.

3. Могилев областининг муҳим саноат маркази.

4. Неман дарёси бўйидаги минерал ўғитлар ишлаб чиқариладиган шаҳар.

8. БССРда энг кўп учрайдиган ёқилғи хом ашёси.

Энига:

2. Белоруссия шимолидаги йирик машинасозлик ва енгил саноат маркази.


5. Зиғир тўқимачилиги ривожланган шаҳар.

6. Автомобиль саноатининг янги марказларидан бири.

7. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ривожланган шаҳар.

9. Йирик темир йўл тугуни.

XVII. Эстония ССР. Кроссворд.



Бўйига:

1. Рига қўлтиғидаги балиқчилик саноати ривожланган шаҳар.

2. Балтика денгизидаги Эстониянинг энг катта ороли.

4. Сланец қазиб чиқариш саноатининг йирик маркази.

5. Балиқ ва балиқ-консерва ишлаб чиқариш ривожланган посёлка.

6. Энергетика ва электроэнергетика машинасозлигининг йирик маркази.

7. Қоғоз саноатининг йирик маркази.

Энига:

2. Тўқимачилик саноати ривожланган посёлка.

3. Муҳим ёқилғи хом ашёсининг тури.


6. Йирик саноат маркази.

8. Энг қадимги тўқимачилик саноати марказларидан бири.

9. Нефтни қайта ишлашнинг йирик маркази.

XVIII. Латвия ССР.

Кроссворд.



Бўйига:

1. Порт шаҳар.

3. Йирик темир йўл тугуни ва саноат маркази.

4. Ёғочсозлик саноати ривожланган шаҳар.

Энига:

2. Балтикабўйида ягона қора металлургия саноати ривожланган шаҳар.

5. Латвия шимолида ёғочсозлик саноати ривожланган посёлка.

6. Зиғир тўқимачилиги ривожланган шаҳар.

7. Аҳолиси ва саноати жиҳатдан Балтикабўйидаги энг катта шаҳар.

8. Кўн ва пойафзал саноатига эга шаҳар.

XIX. Литва ССР. Кроссворд.


Бўйига:

1. Энг йирик саноат маркази.

2. Қадимий шаҳар.

3. Қоғоз саноатининг йирик маркази.

4. Кўп экиладиган муҳим техника ва озуқа экини.



Энига:

2. Литванинг иккинчи катта шаҳри.

5. Қишлоқ хўжалик хом ашёларини қайта ишловчи йирик шаҳар.

6. Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган табиий бойлик.

7. Литва территориясидан оқувчи дарё.

XVIII. Закавказье иқтисодий райони

Грузия ССР. Кроссворд.

Бўйига:


1. Грузиянинг субтропик районидан оқиб ўтувчи дарё номи.

2. Йирик тошкўмир кони ва иссиқлик электр станцияси.

3. АССР пойтахти ва курорт шаҳри.

5. Закавказьедаги тўла циклли қора металлургия заводи жойлашган шаҳар.

8. Йирик порт.



Энига:

2. Тошкўмир кони.

4. Грузия ССРдаги нефтни қайта ишловчи йирик шаҳар.

6. Йирик марганец кони.

7. Закавказьедаги автомобиль ишлаб чиқарадиган завод жойлашган шаҳар.

9. Грузия ССРнинг йирик саноат тугуни.

Арманистон ССР. Кроссворд.


Бўйига:

1. Йирик саноат марказларидан бири.

2. Закавказьенинг чучук сувли энг йирик кўли.

3. Арманистонда катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар.

6. ГЭСлар каскади бўлган дарё номи.



Энига:

4. Рим билан тенгдош шаҳар.

5. Ёғочсозлик корхоналари билан машҳур бўлган шаҳар.

7. Арманистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 50% ини берадиган водий.

Озарбайжон ССР. Кроссворд.

Бўйига:

1. Тоғли Қорабоғ автоном областининг пойтахти.


2. АССР пойтахти.

3. Темир ва алюминий рудалари қазиб чиқариладиган жой.

5. Йирик ГЭС ва сув омбори.

6. Кура дарёси бўйидаги шаҳар.


7. Боку билан саноат тугуни ҳосил қилган шаҳар.



Энига:

4. Субтропик мевалар етиштириладиган район.
9. Нефть конларидан бири.
10. Йирик ГРЭС.

XIX. Қозоғистон ССР. Кроссворд.



Энига:


1. Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик тошкўмир ҳавзаси.
6. Кемалар қатнайдиган йирик дарё.
7. Саёҳатчи номи билан аталадиган исиқлик электр станцияси.
9. Каспийбўйидаги нефтни қайта ишлаш заводи жойлашган шаҳар.
10. Полиметалл рудалари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ривожланган шаҳар.
11. Мис ишлаб чиқариш саноатининг йирик маркази.

Бўйига:

2. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг йирик маркази.
3. Сирдарё бўйида жойлашган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи йирик шаҳар.
4. Чимкент областидаги тўқимачилик саноати ривожланган шаҳар.
5. Хромит рудалари чиқадиган жой.
8. Целиноград шаҳрининг илгариги номи.

XX. Ўрта Осиё иқтисодий райони

Туркманистон ССР. Кроссворд.



Бўйига:

1. Тўқимачилик саноатининг йирик маркази.
2. СССРнинг энг жанубий шаҳри.
3. Гилам тўқиш ривожланган Амударё бўйидаги шаҳар.
5. Нефть кони.

6. Ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик ривожланган воҳа.


Энига:

2. Каспий денгизи бўйидаги йирик порт.
4. СССРдаги энг узун каналлардан бири.
7. Озиқ-овқат саноати ривожланган шаҳар.
8. Нефть қазиб олинадиган асосий район.

Қирғизистон ССР. Кроссворд.

Энига:

1. Озиқ-овқат ва машинасозлик саноати ривожланган шаҳар.
6. Фрунзе шаҳрининг олдинги номи.
8. Тамаки, қанд лавлаги етиштириш билан машҳур бўлган водий.
9. Бир хил ном билан аталувчи дарё ва область номи.
10. Тошкўмир кони.




Бўйига:

2. Симоб ва сурьма кони.
3. Тошкўмир кони.
4. Бир ном билан аталувчи шаҳар ва нефть чиқадиган жой.
5. Қирғизистоннинг энг шарқидаги тошкўмир кони.
7. Балиқ-консерва саноати билан машҳур бўлган шаҳар.

Тожикистон ССР. Кроссворд.

Энига:

1. Автоном область маркази.
4. Катталиги жиҳатдан иккинчи йирик саноат маркази.
7. Озиқ-овқат саноати ривожланган шаҳар.



8. Консерва саноати билан машҳур бўлган шаҳар.

Бўйига:

2. Тоғли Бадахшон автоном областида яшайдиган халқ номи.

3. Нефть чиқадиган жой.

5. Ҳафтанинг бир куни номи билан аталувчи шаҳар.

6. Йирик ГЭС.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯСИ


Кириш

1. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республика сифатида қачон ташкил топди?

2. Ўзбекистон ССР иқтисодий географик ўрнининг қулайликлари нималардан иборат?

3. Ўзбекистон халқ хўжалигида революцияга қадар қандай соҳалар етакчи эди?

4. Республикамиз картасини ким тез тузади ўйини.




Ўйин тартиби: ЎзССРнинг бир неча нусхадаги контур карталари махсус қоғозларга ёпиштирилиб улар тенг катталикдаги бўлакларга бўлинади.

Ўйинни икки ўқувчи, икки команда ва ҳатто икки синф билан мусобақа тарзида қизиқарли қилиб ўтказиш мумкин.

Белгиланган вақт ичида мусобақалашувчилардан қайси бири Ўзбекистон картасини тез чиза олса ўша томон ғалаба қилган ҳисобланади.

5. Республикамиз картасини биласизми? Қуйидаги схемадан темир йўлга жуда яқин жойлашган шаҳарлар номини айтинг?







6. Тез айтинг: қуйидаги контурларда қайси область территориялари акс этган? Сўроқлар ўрнида қайси шаҳарлар жойлашган?




7. ҚҚАССР пойтахти қачон ва нима сабабдан Тўрткўл шаҳридан Нукусга кўчирилди?


8. Қуйидаги контурларни аниқланг: 1) Қайси область территорияси акс этган? 2) Қайси областга тегишли территория? Сўроқлар ўрнида қайси шаҳарлар бўлиши мумкин?





9. Тез айтинг: қуйидаги контурларнинг қайси бири Сурхондарё областига тегишли?





10. Қуйидаги тўртбурчакдан 3 та тўғри чизиқ ўтказинг, натижада ҳар бир район маъмурий жиҳатдан алоҳида область территорияларида қолсин.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари

11. Революцияга қадар Ўзбекистон аҳолисининг сони қанча эди?

12. ЎзССРда аҳоли энг ва сийрак жойлашган районларни айтинг ва сабабини тушунтиринг.

13. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши революциядан олдинги даврга нисбатан қанча узайди, айтинг-чи, бу нималарга боғлиқ?

14. Ўзбекистонда бутун аҳоли сонида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар салмоғи (47,1%), Иттифоқ миқёсидаги шундай кўрсаткичдан (37,4%) бирмунча ортиқ. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

15. Айтинг-чи, қайси шаҳарнинг илгариги номи Петроалександровск эди?

16. Қайси шаҳар илгари Қот, Шоббоз деб юритилган, ҳозирги номи қандай?

17. Самарқанд шаҳрининг илгариги қандай номларини биласиз?

18. Республикамизда ҳафта кунлари билан боғлиқ бўлган жойларни айтинг.

19. Республикамиздаги атоқли шоир ва олимларимиз номи билан аталувчи шаҳар ва районлар номларини айтинг.

20. Болгар халқининг доҳийси шарафига қўйилган посёлка республикамизнинг қайси областида жойлашган?

21. Тошкент қачондан бошлаб республикамиз пойтахти бўлди? Илгари республика пойтахти қаер бўлган?


22. Ўзбекистондаги қайси районлар СССРдаги йирик шаҳарларнинг номлари билан аталади?

23. Ўзбекистондаги бирор сон билан аталадиган жой номларини айтинг.

24. Қайси шаҳарларнинг илгариги номлари Янги Бухоро, Қовунчи, Асака, Мирзачўл эди?

25. Республикамиздаги фойдали қазилма номлари билан аталувчи жойларнинг номини айтинг.

26. Чайнворднн тез тўлдиринг: бўш хоналарга тегишли ҳарфларни қўйсангиз, Ўзбекистондаги 3 та шаҳар ва битта район марказининг номи келиб чиқади.




27. Республикамиздаги қайси шаҳарни табиий шароити жиҳатидан поқулай жойга қурилган дейиладн? Нима сабабдан шундай?

28. Қуйидаги: Зарафшон, Сирдарё, Сангзор, Шербобод дарёларнинг қайси бирини яқинида Жиззах шаҳри жойлашган.

29. Айлана ўйини.

Ўйинда иштирок қилувчилар доира шаклида турадилар. Ўйин қуйидагича бошланади. Бошловчи ўқувчи Тошкент деса, ундан ўнгда турган ўқувчи айтилган шаҳарнинг охирги ҳарфи, яъни «Т» ҳарфи билан бошланувчи Ўзбекистондаги бошқа бир шаҳарни айтади. М: Тошкент — Термиз — Зарафшон ёки Ленинск — Каттақўрғон — Наманган ва ҳоказо. Қайси ўқувчи 5—10 секунд давомида шаҳар ёки жой номини айта олмай тўхталиб қолса, у ўйиндан чиққан саналади. Ўйин битта ўқувчи қолгунча давом эттирилади. Энг охирида қолган ўқувчи ғалаба қилган ҳисобланади.

30. Ўзбекистон шаҳарларини рақамлар ёрдамида ўрганиш ўйини.



Ўқувчилар кучи билан Ўзбекистоннинг бир неча контур карталари тайёрланади. Бу карталарда шаҳарлар ўрнига рақамлар қўйиб чиқилади, бутун синф ўқувчилари бир вақтда ўйинда иштирок этишлари мумкин.

Ўйинни бошқарувчи қўлида контур картадаги рақамлар ўрнидаги шаҳарларнинг рўйхати бўлиши керак. Ўқувчилар қўлида эса диаметри 1 см катталикдаги доирачалар бўлиши лозим. Улар ўйин бошқарувчи эълон қилган шаҳарни контур картадаги рақам устига қўйиб боришлари керак. Масалан, агар ўқитувчи 5 деб эълон қилган бўлса, ўқувчи ўз доирасини Термиз шаҳрининг устига қўйиши керак ва ҳоказо. Ўйинни бошқарувчи ўйин натижасини текшириб голиб ўқувчини аниқлайди. Ўқувчининг ҳар бир тўғри жавобига 1 очкодан бериб бориш мумкин.

31. Топономик ўйин.

Бир хил катталикдаги қоғозларга республикамиз географиясига оид бўлган жойларнинг номлари ёзилади. Топономик номлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: Хоразм, Орол, Амударё, Тошкент, Свердлов, Куйбишев, Қўқон, Калинин, Тяншань ва ҳоказо.

40. Ўзбекистон ССР саноат маҳсулотларининг қандай турларини ишлаб чиқаришда иттифоқда биринчи ўринни эгаллайди?


41. Ўзбекистоннинг муҳим саноат корхоналари жойлашишини ўрганиш ў й и н и. «Ўзбекистон саноати» темасини ўрганиш жараёнида бу ўйиндан фойдаланиш мумкин. Ўйинда бутун синф ўқувчилари иштирок этиши лозим.

Синфдаги ўқувчилар сонига қараб бир хил катталикдаги қоғозга республикамизда ишлаб чиқариладиган энг муҳим саноат маҳсулотларининг ва баъзи корхоналарининг номлари ёзилади. Лекин улар жойлашган шаҳарлар ёзилмайди.

Маҳсулот ва корхоналарнинг номлари	Қаерда жойлашган
1. Каноп заводи	?
2. Энг йирик шойи комбинати	?
3. Пахта териш машиналари заводи	?
4. Азот ўғитлари ишлаб чиқарувчи заводлар	?
5. Экскаватор заводи	?
6. Балиқ-консерва комбинати	?
7. Энг йирик мева-консерва комбинати	?
8. Суперфосфат ўғитлари ишлаб чиқарувчи заводлар	?
9. Гилам ва палос фабрикалари	?

Ўқувчилар белгиланган вақт ичида сўроқ аломатлари ўрнига тегишли завод ва корхоналар жойлашган шаҳар номини ёзишлари керак. Бу вазифани тўлиқ ва хатосиз ажарган ўқувчи ўйин ғолиби ҳисобланади. Ўйинда картадан фойдаланиш мумкин.


42. Ўзбекистон энергетикасини ў р г а н и ш ў й и н и. Ў й и н т а р т и б и: ўйинни коллектив ва индивидуал равишда ташкил қилиш мумкин. Ўйин учун Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий картаси бўлиши керак. Катталиги 2×2 бўлган қоғозларга иссиқлик ва гидроэлектр станцияларнинг шартли белгилари чизилади. Иссиқлик электр станциялар қизил, гидроэлектр станциялар кўк рангдаги беш юлдузлар тарзида бўлиши мумкин. Уларнинг тагида номлар бўлиши керак. Шартли белгилар расмли томони пастга қаратиб қўйилади.



Ўйинда иштирок қилишни истаган ўқувчига столдан 5 тагача қоғоз олишга рухсат берилади. Ўқувчи қоғозда электр станциянинг қандай типи акс этгани ва у қаерда жойлашганлигини, унинг ерга қурилганлигининг сабабини айтиб, картадан кўрсатиб бериши керак.

Агар ўқувчи саволга жавоб қайтара олса, қоғозни ўз қўлида олиб қолади, жавоб бера олмаса уни ўз жойига, столга қўяди. Ўқувчининг қўлида қолган ҳар бир қоғоз учун бир очко берилади. Демак, қайси ўқувчи қўлида кўп қоғоз тўпланса, ўша ўқувчи ғалаба қилган ҳисобланади. Қўлда қоғознинг қолмаганлиги унинг енгилганини билдиради.

43. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноати кроссворди.



Агар тўғри ечсангиз.

Энига:

1, 5, 11—республикамизнинг йирик нефть конлари.

2, 10—газ конлари.

6—коксланувчи кўмир кони жойлашган жойлар номи келиб чиқади.

Бўйига:

3, 4, 8, 9—республикамиз жанубидаги нефть конлари.

7—Ўрта Осиёдаги йирик кўмир ҳавзаси.

12—йирик газ кони.

Ўқувчилар ҳар бир нефть, газ, тошкўмир конларини картадан топиб, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини айтиб бериши керак.

44. Ўзбекистонда қурилаётган иссиқлик электр стан-


цияларидан бири Ўрта Осиёда энг улкан ҳисобланади. Айтинг-чи, бу объект қаерда қуриляпти, унинг қуввати қанча?

45. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланувчи қора металлургия корхонаси Ўзбекистоннинг қаерида жойлашган? У қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаради? Хом ашёни қаердан олади?

46. Республикамизнинг қайси шаҳрида иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар ишлаб чиқарувчи корхона жойлашган? У халқ хўжалиги учун қандай металлар етказиб беради?

47. Рангдор металлургиянинг қайси тур маҳсулотларини етказишда Ўзбекистон Иттифоқда кўзга кўринарли ўринларни эгаллайди?


48. Ўзбекистон машинасозлиги чайнворди.



Агар чайнвордни тўғри ечсангиз Ўзбекистон ССРнинг йирик машинасозлик корхоналарининг номлари келиб чиқади.

1. Энергетика машиналари ишлаб чиқарувчи завод.
2. Қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи завод.
3. Прицеп ва самосваллар ишлаб чиқарувчи завод.
4. Химия саноати жиҳозлари ишлаб чиқарувчи завод.
5. Насос ва ер қазувчи машиналар ишлаб чиқарувчи завод.
6. Қишлоқ хўжалик машиналари жиҳозлари ишлаб чиқарувчи завод.
7. Пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш саноати учун жиҳоз ва машиналар ишлаб чиқарувчи завод.
8. Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарувчи завод.
9. Тўқимачилик саноати машиналари ишлаб чиқарувчи завод.

Ўқувчилар ҳар бир машинасозлик заводининг нима сабабдан шу ерга қурилганлигини, унинг ишлаб чиқариш алоқалари ва кооперативлашиши, ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг қаерларга жўнатилишини, хом ашёни қаерлардан олиши каби маълумотларни ҳам айтиши керак.



49. Кроссворд.

Агар ушбу кроссворднн тўғри ечсангиз Ўзбекистон химия саноатининг йирик марказлари ва муҳим тармоқлари ҳақида тасаввурга эга бўласиз.

Энига:

1, 10 — Ўзбекистоннинг йирик суперфосфат заводлари жойлашган шаҳарлар.

4. Нефтни қайта ишлаш заводи.

5. Гидролиз заводи.

11. Силикат ишлаб чиқарувчи заводлар жойлашган шаҳарлар.

Бўйига:

1. Цемент ишлаб чиқарувчи завод.
2. Азот ўғитлари комбинати.
6. Азот ўғитлари комбинати.
7. Аммофос ўғитлари ишлаб чиқарувчи завод.
8. Гидролиз заводи.
9. Азот ўғитлари ишлаб чиқарувчи завод.
12. Цемент ишлаб чиқарувчи заводлар жойлашган шаҳарларнинг номлари келиб чиқади.

50. Республикамизда энг катта ёғ-экстракция заводи қайси шаҳарда жойлашган?


51. Ўзбекистон ССР енгил ва озиқ-овқат саноати.

Кроссворд.

Агар тўғри ечсангиз енгил ва озиқ-овқат саноатининг муҳим марказлари келиб чиқади.

Бўйига:

2. Ипак газлама.
3. Меланж газлама.



4. Йп газлама.

6. Штапель газламалари ишлаб чиқарувчи комбинатлар жойлашган шаҳар.

8. Йирик мева-консерва комбинати жойлашган посёлка.

9. Шакарқамиш асосида ичимлик ишлаб чиқариладиган завод жойлашган шаҳар.

Энига:

1. Қоп-қанор фабрикаси жойлашган посёлка.

5. Балиқ консерва комбинати.

7. Жун газлама.

10. Трикотаж кийимлари.

11. Пойабзал ишлаб чиқарувчи фабрикалар жойлашган шаҳарларнинг номлари келиб чиқади.

52. Ж о й т а н л а н г ў й и н и.

СССР иқтисодий географиясидан ўрганилган халқ хўжалигини жойлаштириш принциплари бу ўйинда фойдаланилади.

Ў й и н т а р т и б и: Ўйин коллектив равишда ташкил қилинади. Диаметри 2×3 см катталикдаги доирачалар тайёрланиб, уларнинг бир томони бўялиб, иккинчи томонига номлари ёзилади. Доирачалар турли саноат тармоқлари мазмунига мос рангга бўялиши керак.

Масалан: тўқ қизил — машинасозлик саноати тармоқлари,

оч қизил — энергетика,

кул ранг — иссиқлик электр станциялари,

қора ранг — цемент ишлаб чиқариш,
кўк ранг — химия саноати тармоқлари,
ҳаво ранг — тўқимачилик саноати ва ҳоказо.

Шартли белгилар барча ўқувчиларга етарли бўлиши керак. Ўқувчиларда республикамизнинг табиий ва сиёсий карталари бўлиши лозим.

Ўйинни бошқарувчи навбат билан саноат тармоқларининг номларини эълон қилади. Ўқувчилар қўлларидаги шартли белгида қандай саноат объекти берилган бўлса, уни қуриш мумкин бўлган жойларни картадан топиб, шартли белгини ўша жойга қўйиб чиқади. Масалан, минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхонани бўм-бўш даштга қуриб бўлмайди. Чунки, бу саноатни ривожлантириш учун аввало меҳнат ресурсларини, истеъмолчини ва хом ашё базаларини эътиборга олиш керак. Акс ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот жуда қимматга тушади.

Қора металлургия корхонасини хом ашё манбалари яқинига ёки ёқилғи ва хом ашё оралиғига, энергия манбаларига, истеъмолчи районларни эътиборга олган ҳолда жойлаштирилмоғи керак. Ўқувчиларга ҳар бир саноат объектини қурадиган жойни тўғри танлаганлари учун 1 очко берилади. Ўйин давомида қайси ўқувчи кўп очко тўпласа, ўша ўқувчи ғолиб ҳисобланади. Бу ўйинни дарсда амалий иш сифатида ёки дарсдан ташқари вақтларда уюштириш мумкин.

53. Республикамизнинг XII беш йилликдаги муҳим қурилишларини ўрганиш ўйини.

Бу ўйинни «Ўзбекистон ССР саноати» темасига доир, дарсни мустаҳкамлаш қисмида ташкил қилиш мумкин.

Ўйин тартиби:

Бир хил катталикдаги бир неча қоғозларга республикамизда XII беш йилликда қурилаётган объектлар жойлашган шаҳар ва жойлар ёзилади, лекин ўша объект номи ёзилмайди.

Масалан:

Ҳар бир ўқувчи жой номларининг тўғрисига ўша жойда қурилаётган объектларнинг номларини ёзиши ке

Жой номлари	Қандай саноат объектлари қуриляпти	Жой номлари	Қандай саноат объектлари қуриляпти
Урганч Ширин Тошкент Наманган Қарши Ангрен Навоий		Андижон Мурунтов Муборак Бухоро Қўқон Олмалиқ	

рак. Ўйин бошқарувчи қайси ўқувчининг қанча объект ёзганлигини аниқлайди ва ғолиб ўқувчи белгиланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги

54. Доҳиймиз В. И. Ленин республикамизнинг қайси чўлларн ва водийларини суғоришга 50 млн. сўм маблағ ажратиш ҳақидаги декретга имзо чеккан?

55. 1913 йилда Ўзбекистон қанча пахта етиштирган, бу 1988 йилги кўрсаткичдан қанча кам?

56. Ўзбекистонда пахтадан ташқари яна қандай техника экинлари етиштирилади?

57. Қайси область пахта ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган?

58. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқлари Иттифоқ аҳамиятига эга?

59. Қизийди лаҳзада колхоз бозори.
Уюлмиш тоғ бўлиб қовун ҳам тарвуз.
Шохаднинг узуми, Чортоқ анори
Уйчининг анжири қамаштирмиш кўз.
Қани айтинг-чи, шеърда қайси область боғдорчилиги ҳақида гапирилади?

60. Чорвачилик пахтачилик комплексининг таркиби эканини кандай изоҳлайсиз?

61. СССРда тайёрланадиган пилланинг қанчаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади?

62. Айтинг-чи, қайси область қоракўл қўйларининг сони ва қоракўл терилари тайёрлаш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллайди.

63. Самарқанд области қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайси турларини етказишда ЎзССР ва СССР да биринчи ўринларни эгаллайди?

64. Республикамизда кейинги 10 йил ичида қурилган йирик машина-насос каналларини айтинг.

Ўзбекистон ССРнинг транспорт географияси

65. Ўзбекистонда биринчи темир йўл қачон қурилган, айтинг-чи, у қаерларни боғлаган эди?

66. Тошкентдан Европа шаҳарларига қачондан бошлаб темир йўл орқали бориш мумкин бўлди?

67. Ўзбекистоннинг муҳим транспорт тугунларидан қайсиларини биласиз?

68. Ўзбекистондаги энг узун автомобиль йўлини айтинг. Бу йўл қайси шаҳарларни боғлаб турибди?

69. Республикамиз қайси чет давлатларнинг пойтахтлари билан ҳаво йўли орқали алоқа қилади?

70. Амударёда юк ташиш темир йўлга нисбатан қимматми ёки арзонми? Сабабини тушунтириб беринг.

71. Республика доирасидаги муҳим нефть қувурларини айтинг, улар қаерларни боғлаб турибди?

X СИНФ. ЖАҲОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯСИ

Дунёнинг умумий иқтисодий географик характеристикаси
Дунёнинг ҳозирги замон сиёсий картаси

1. Дунёнинг сиёсий картаси деганда нимани тушунасиз?

2. Мамлакатлар қандай белгиларига кўра классификация қилинади?

3. 1919 йилда мустамлака ва ярим мустамлака системасида давлатлар салмоғи ер шаридаги давлатларнинг неча процентини ташкил этган?

4. НАТО ҳарбий блоки қачон тузилган? Бу сўз қандай маъно англатади?

5. В. И. Ленин ўзининг қайси асарида капиталистик давлатлар ўзаро территориал бўлиниб олинишлиги ҳақида фикр билдирган?

6. Империалистик давлатлар айби билан пайдо бўлган дунёдаги хавфли ўчоқларни айтинг. Улар қаерларда жойлашган?

7. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, нокапиталистик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатларнинг рўйхатини белгиб оласиз:

— — — а — а — — а,
а — — — — а, — — и — — и —, — — — и —.

8. Ҳозирги замон сиёсий картасида нечта мамлакат акс эттирилган?

9. БМТ қачон ташкил этилди ва унга дастлаб нечта давлат аъзо эди?

10. Қайси социалистик мамлакатлар ҳанузгача БМТ га аъзо эмас?

11. Давлат тузуми Конституцион монархия бўлган мамлакатлардан 8 тасини айтиб беринг. Уларни ким картадан тез топса, ўша ўқувчи ғалаба қилган саналади.

12. Абсолют монархияга эга бўлган давлатларни айтинг.

13. Давлат бошлиқлари монархия формасида қандай номлар билан юритилади?

14. Қайси материкдаги давлатларнинг чегаралари кўпчилик ҳолларда меридиан ва параллеллардан ўтган?

15. Т е з а й т и н г: қуйидаги давлатларнинг қайсилари нокапиталистик тараққиёт йўлини танладилар: Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Сурия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Жазоир, Марокаш, Тунис, Эфиопия, Ангола.

16. Қуйидаги давлатларнинг қайсилари федератив тузумга эга? 1. СССР. 2. Буюк Британия. 3. Франция, 4. ГФР. 5. АҚШ. 6. Япония. 7. Польша. 8. Саудия Арабистони. 9. ВСР. 10. Италия.

Дунё табиий ресурслари географияси. Экологик проблемалар

1. Бир мамлакат миқёсида экологик проблемани ечиш мумкинми?

2. Океан ва унинг ресурслари битмас-туганмасдир. Айтинг-чи, нима учун уни қўриқлашга катта эътибор берилаётир?

3. Дунёдаги энг чуқур кўмир шахтаси қаерда жойлашган?

4. Дунёдаги энг чуқур нефть қудуги қайси давлатда жойлашган?

5. Қайси давлатларда ҳайдаладиган ерлар салмоги бутун ер майдонига нисбатан ўта юқори кўрсаткичга эга?

6. Суғориладиган ерлар майдонининг салмоги бўйича дунёда олдинги ўринда турган давлатларни айтинг.

7. Дунёда қўриқхоналари кўп бўлган давлатларни айтинг.

8. Дунёдаги энг йирик миллий парклар қайси мамлакатларда жойлашган?

9. Дунё океанида энг кўп овланадиган балиқ турларини айтинг.

10. БМТ комиссияси дунёдаги қайси дарё сувини нафақат ичишга ва ҳаттоки ерларни суғориш учун ҳам ман қилди? Бу дарё қайси давлат территориясидан оқиб ўтади?

11. Тез айтинг: қуйидаги давлатларнинг қайсилари сув ресурслари билан тўла таъминланган?

Қанада, Бразилия, Жазоир, Заир, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Норвегия.

12. Гидроэнергетика ресурсларига жуда бой бўлган 6 та давлатни тез сананг.

13. Қуйидаги давлатлардан ўрмон ресруслари билан энг кам таъминланганларини картадан тез топинг.

СССР, Франция, Канада, Финляндия, ГФР, Япония, Хитой, Буюк Британия, Ҳиндистон, Норвегия.

Дунё аҳолиси географияси

1. Ҳозирда ер шарида қанча аҳоли яшайди?

2. Ибтидоий одам сайёрамизда қачон пайдо бўла бошлаган?

3. Бундан олти минг йил аввал Еримиз аҳолиси қанча бўлган, бу кўрсаткич 2000 йилда қанча бўлиши мумкин?

4. Аҳолини рўйхатга олиш биринчи марта қайси мамлакатда йўлга қўйилди?

5. Ер шарида ҳар йили қанча киши туғилади ва қанча киши ўлади?

6. Айтинг-чи, дунёда ҳар минутда, ҳар соатда, сутқада қанча чақалоқ туғилади?

7. Туғилиш йилига 2% дан ошиб борса, 2100 йилда дунё аҳолиси қанчага етиши мумкин?

8. Дунёда туғилишни назорат остига олишни давлатнинг расмий программаси деб, қабул қилган давлатлардан 10 тасини айтинг:

9. «Демографик портлаш» ер шари аҳолисига очарчилик келтириши мумкинми?

10. Айтинг-чи, планетамизнинг территорияси қанча, унинг 1 кв. км да аҳоли зичлиги неча кишини ташкил қилади?

11. Дунёда қайси давлат аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда туради?

12. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, дунёда аҳолиси энг зич бўлган давлатлар номлари келиб чиқади.

— а — — — а — — —, — и — — и — — — —, — у — у — — —,

— — а — — а, р — — — — —, — — — — н.

13. Қайси давлатларда одам сони 200—250 та бўлган аҳоли пунктларни ҳам шаҳар деб юритиш қабул қилинган?


14. Дунё аҳолисининг қанчаси шаҳарларда яшайди?

15. Дунёда аҳолиси энг кўп бўлган шаҳарни айтинг.

16. «Урбанизация» даражаси энг юқори бўлган давлатлардан 10 тасини тез айтинг.

17. Чайнворд. Берилган бўш катакларни тўлдирсангиз, Европадаги аҳолиси миллионидан ошган шаҳарларнинг номлари келиб чиқади:

1. Испаниядаги йирик портлардан бири.
2. Англиянинг йирик шаҳри.
3. Италиядаги йирик автомобилсозлик маркази.
4. Пойтахт шаҳар.
5. Оролдаги пойтахт.
6. Европадаги йирик пойтахтлардан бири.



18. Евросиё материгида аҳолиси 10 млн. дан ошган шаҳарлардан 5—6 тасини тез айтинг-чи.

19. Аҳолиси сонида хотин-қизлар салмоғи юқори бўлган мамлакатлардан 10 тасини айтинг.

20. Аҳолисининг барчаси, деярли бир миллатдан иборат бўлган мамлакатлардан 5 тасини тез айтинг-чи.

21. Ер шаридаги энг йирик 10 та халқни айтинг.

22. Дунё аҳолисининг умумий сонида эркаклар ва хотин-қизлар салмоғи қанча?

23. Бутун дунё аҳолисининг қанчаси иқтисодий актив аҳоли ҳисобланади? Айтинг-чи, у материклар бўйича қандай тақсимланган?

24. Аҳолисининг 85—90% и қишлоқ хўжалигида банд бўлган мамлакатдан 10 тасини айтинг.

25. Дунёда биринчи ва иккинчи ўринда турадиган энг кўп тарқалган тил оилаларини айтинг.

26. Европада туғилиш энг паст ва ўлиш юқори бўлган давлатни айтинг.

27. Европа ва Америкада энг кўп тарқалган тил оиласини айтинг.

28. Скандинавия мамлакатларида аҳолининг ўртача ёши қанчага тенг?

29. Африка материгида ўртача ёш қанчага тенг?

30. ХХР даги асосий демографик шиор нима деб юритилади?

31. Эркаклар сони хотин-қизларга қараганда анча устун бўлган мамлакатларни айтинг.

32. Яқин Шарқдаги қайси мамлакатда аҳолининг 50% ини христианлар, 50% ини мусулмонлар ташкил этади?

33. Митти давлатларни ҳисобга олмаганда аҳолиси энг зич бўлган давлатни айтинг.

34. Махсус пойтахт учун қурилган шаҳарларни айтинг.

35. Айтинг-чи, урбанизация сўзининг маъноси нима?

36. Дунёда энг йирик агломерацияга эга бўлган шаҳарларни айтинг.

37. Аҳолисининг табиий кўпайиш суръати бўйича дунёда пешқадам давлатни айтинг.

38. Ушбу мамлакатлардан (Франция, Италия, ГФР, Япония, Канада) қайси бирига хотин-қиз врачларнинг 7—9%и, инженер хотин-қизларнинг 2%и тўғри келишини аниқланг.

39. Дунёда аҳоли сони 1 млн. дан ортиқ бўлган нечта халқ бор?

40. Асосий аҳолиси денгиз сатҳидан 1000 м баландликда яшайдиган қуйидаги давлатлардан 5 тасини ажратинг:

Туркия, Исроил, Боливия, ГФР, Мексика, Япония, Перу, МХР, Вьетнам, Эфиопия, Афғонистон.

41. Аҳолисининг 75% и 3700 м баландда яшайдиган давлатни айтинг.


42. Дунёда энг баланд бино нечта қават ва у қайси шаҳарда жойлашган?

Жаҳон хўжалиги географияси (саноати)
Илмий-техника революцияси

1. «...Машина ва буғдан фойдаланиш туфайли меҳнат тақсимоти шу даражада кенгайиб кетдики, миллий заминдан ажралиб қолган йирик саноат энди бутунлай ташқи бозорга, халқаро алмашувга ва халқаро меҳнат тақсимотига қарамдир» деган сўзлар кимга мансуб?

2. Географик кечамизга қуйидаги мазмундаги телеграммалар тушди: ФТР, ИТП, МГД, ГМТ, ЖГМТ, ХҚМТ, ЎИЁҚ, УБ қани, шуларнинг тўлиқ маъносини очиб беринг-чи?

3. Социалистик меҳнат тақсимотига мувофиқ у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган шаҳарлар ч а й н в о р д и.



1. Йирик порт шаҳар ва машинасозлик маркази.
2. Кўп тармоқли машинасозлик ривожланган шаҳар.
3. ЧРдаги йирик саноат маркази.
4. Пойтахт шаҳар ва йирик саноат маркази.
5. ЎИЁҚ аъзолари билан асосий иқтисодий алоқалар олиб бориладиган порт шаҳар.
6. Кўп тармоқли машинасозлик ва металлургия саноати мавжуд давлат пойтахти.
7. Денгиз кемалари ишлаб чиқариш ривожланган шаҳар.
8. ЧРдаги енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган шаҳарлардан бири.
9. Автобуслар ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган шаҳар.
10. Енгил автомобиллар ишлаб чиқариладиган пойтахт.
11. Кўмир-химия саноати тараққий этган шаҳар.
12. Металлургия машинасозлигининг йирик маркази.

4. Қуйида ишлаб берувчи саноат, хом ашё, ёқилғи— бир жойга тўпланган жаҳондаги йирик марказларни ўқинг:

— — — — — с с, — — — — —с с, — ш — — — — —.

5. Аҳоли жон бошига металл ишлаб чиқариш миқдори бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган давлатнинг номини айтинг.

6. Ташқи савдо оборотининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган давлатнинг номини айтинг.

7. Қишлоқ хўжалиги бўйича меҳнат унумдорлиги энг юқори бўлган давлатларни айтинг.

8. Кемасозликда дунёда Япониядан кейин 2-ўринда қайси давлат туради?

9. Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қайси давлат жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди?

10. Европада қайси давлат аҳоли жон бошига ҳисоблаганда озиқ-овқат саноати ялпи қиймати бўйича 1-ўринда туради?

11. Шимолий Европа давлатларининг қай бирида СССРнинг бевосита ёрдами билан йирик металлургия заводи қурилган? У мамлакат ишлаб чиқараётган пўлат ва чўяннинг қанчасини беради?

12. Капиталистик дунёнинг 90% кўмир запаси 7 та давлат ҳиссасига тўғри келади. Булар қайси давлатлар?

13. Аҳоли жон бошига нефть ишлаб чиқариш бўйича олдинги ўринда турадиган ва ўз нефтининг 90% ини экспорт қилувчи давлатнинг номини айтинг?

14. Қайси давлатда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиянинг деярли 80—100% ини ГЭСлар ишлаб чиқаради?

15. Илмий-техника революциясига хос бўлган 4 та асосий хусусиятни айтинг?

16. Энг йирик супертанкерлар қанча юк кўтара олади ва бундай танкерлар қайси мамлакатларда ишлаб чиқарилади?

17. Қайси давлатлар ишлаб чиқарган қоғознинг деярли ярмини макулатура ҳисобидан олади?

18. Саноат ишлаб чиқариши энг ривожланган давлатларнинг номини айтинг-чи?

19. ИТР ривожланишининг асосий йўналишларини тез айтинг.

20. Ривожланаётган мамлакатларда ИТР ривожланишидаги асосий хусусият нима?

21. Айтинг-чи, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий актив аҳолининг қанчаси қишлоқ хўжалигида банд, бу аҳвол ривожланган капиталистик мамлакатларда қандай?

22. «Яшил революция» деганда нимани тушунасиз?

23. Жаҳон хўжалигида даромад салмоғи бўйича нефть қазиб чиқаришдан кейинги ўринда турадиган тармоқни айтинг.

24. Фойдали қазилмаларни очиқ усулда олиш бўйича қайси давлатлар дунёда олдинги ўринни эгаллайди?

25. Донли экинларнинг ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган давлатларнинг номини айтинг.

26. Метро дастлаб қайси шаҳарларда ва қачон қурилган?

27. Қайси шаҳардаги метро пассажирларни ташиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради?

28. Энг йирик металлургия комбинатлари дунёнинг қайси мамлакатларида қурилган?

29. Жаҳонда мис саноати ниҳоятда ривожланган жойни айтинг.

30. Дунёдаги энг йирик боксит кони қаерда жойлашган?

31. Дунё бўйича маҳсулот қийматига кўра саноатнинг қайси тармоғи 1-ўринда туради?

32. Машинасозлик саноати тараққий этган жаҳондаги (СССРдан ташқари) давлатларни айтинг.

33. Капиталистик мамлакатларда химия саноати тараққий этган 3 та ареални ажрата оласизми?

34. Жанубий яримшарда ўрмон саноати энг тараққий этган 3 та ареални айтинг-чи?

Жаҳон қишлоқ хўжалиги географияси

1. Жаҳон дон хўжалигини одатда 3 та китда туради дейишади. Айтинг-чи, бу китлар қайси дон турларига тўғри келади?

2. Қадимда буғдой экилган районларни аниқлаган буюк совет олимининг номини айтинг?

3. Дунёда буғдой энг кўп етиштириладиган 5 та давлатни айтинг.

4. «Буғдой пойтахти» деб ном олган шаҳарнинг номини айтинг?

5. Биласизми, дунёнинг иккитагина райони жаҳонда етиштирилаётган шолининг 90% ини бермоқда. Айтинг-чи, бу қайси район?

6. Қайси давлатларда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг деярли 90% и шоли билан банд?

7. Маккажўхорининг ватани қаерда?

8. Қайси давлатлар етиштириладиган буғдойнинг 80% ини экспорт қиладилар?

9. Айтинг-чи, картошканинг ватани қаер? Картошка етказиш бўйича дунёда олдинги ўринда турадиган 3 та давлатнинг номини айтинг.

10. Айтинг-чи, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган шакарнинг қанчаси шакарқамишдан ва қанчаси қанд лавлагидан олинади?

11. Қуйидагилардан фойдаланиб (2/3, 3,5, 2,3) чой, кофе, какаонинг қанча қисми Осиё, Африка ва Латин Америкаси ҳиссасига тўғри келишини аниқланг?

12. «Дунёнинг гўшт фабрикалари» деб ном олган районларни айтинг.

13. Соя, кунгабоқар, ер ёнғоқ, зайтун маҳсулотларини етиштиришда қуйидаги мамлакатлардан (Бразилия, Канада, АҚШ, СССР, Франция, Италия, Ҳиндистон, Аргентина, Япония, Мексика) қайси бири дунёда биринчи ўрнини эгаллайди, тегишлисини тез ажратинг.

14. Сабзавот ва полиз маҳсулоти ҳажми бўйича дунёда қайси давлат биринчи ўринни эгаллайди?

15. Узум, олма, банан, апельсин, лимон, мандарин кабилардан қайси давлат қайсинисини етиштиришда биринчи ўринда туради? Тегишлисини чизинг — АҚШ, СССР, Франция, Хитой, Вьетнам, Эрон, Япония, Бразилия, ГФР, Венгрия, Болгария.

16. Гўшт, сут, тухум, ҳайвон ёғи, пишлоқ, жун етиштиришда қуйидаги давлатларнинг қайси бири дунёда биринчи ўринни эгаллайди (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Аргентина, Бразилия, Франция, СССР, Австра-Хитой, Ҳиндистон)?

17. Аҳоли жон бошига гўшт, сут, тухум, жун етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган давлатларни айтинг?

Транспорт

1. Темир йўлда юк ташиш ҳажмига кўра дунёда биринчи ўринда турадиган давлатнинг номини айтинг?

2. Темир йўллар зичлиги бўйича қуйидаги давлатлардан қайсилари дунёда олдинги ўринларда туради. АҚШ, Канада, СССР, ГДР, Швейцария, Бельгия, ГФР, ЧР, Польша, ХХР.

3. Қуйидаги давлатларнинг қайсиларида умуман те-

мир йўл йўқ: Яман, ЯХДР, Қатар, Қувайт, Б. А. Э., Афғонистон, Руанда, Бурунди, МАР, Нигер, ЧАД, Исландия.

4. Дунёдаги энг узун нефть ва газ қувурларининг номини айтинг.

5. Дунёда юк ташиш миқёсига кўра қайси давлат флоти биринчи ўринда туради?

6. Ўз мамлакати портларига деярли кирмайдиган кемалар қайси давлатларга кўпроқ тўғри келади. Айтинг-чи, нима сабабдан шундай?

7. Агар тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз дунёдаги энг катта аэропортлар қайси шаҳарларда жойлашганлигини билиб оласиз.

— — — — —о, — — — —о— —, — о — — о —,
о — — — — —, — о — — о, — о — о — о — — — —,
— — — — — — о.

8. Айтинг-чи, дунёдаги энг йирик темир йўл тоннели қайси давлатда ва у қаерларни бир-бирига боғлаб туради?

Инсониятнинг глобаль проблемалари

1. Айтинг-чи, глобаль проблема нима?

2. Ҳозир дунё бўйича ҳарбий эҳтиёжга сарфланаётган харажатлар қанча долларга етади?

3. Ривожланаётган мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади капиталистик мамлакатларга қараганда неча марта кам?

4. Органик моддаларнинг кўплаб ёқилиши атмосферага кўп миқдорда (CO_2) карбонат ангидрид газининг чиқишига сабаб бўлади. Айтинг-чи, бу иқлимнинг қандай глобаль ўзгаришига олиб келиши мумкин?

5. Аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишда дунёда энг охирги ўринда турадиган давлатларни айтинг.

6. «Денгиз фермалари» деганда нимани тушунасиз?


Жаҳон социалистик хўжалик системаси
Социалистик мамлакатлар

1. Социалистик хўжалик системасига хос бўлган қуйидаги терминларни изоҳланг: ЯХХК, СНТ, СГЎ, ТИК, ИГЎ, АСК.

2. Ў.И.Ё.К га аъзо бўлган мамлакатлар жаҳон саноат маҳсулотининг қанчасини бермоқда?

3. Хорижий Европа социалистик мамлакатлари иқтисодий географик ўрнини белгиловчи қулай омиллардан 4 тасини сананг.

4. Қуйидаги иқтисодий алоқалар қайси социалистик мамлакатга кўпроқ мос келади?



Давлатнинг ер бағрида мавжуд бўлган ресурслар

5. Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси бўйича хорижий социалистик мамлакатлар ўртасида биринчи ўринда турадиган давлатнинг номини айтинг?

6. Польша қайси қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олдинги ўринни эгаллайди?

7. Польша Республикасида қайси хом ашёларни қазиб чиқариш жаҳон аҳамиятига эга?

8. Польша территориясида жойлашган ўлим лагеридан бирида 28 мамлакатнинг 4 млн. киши ёстиғи қуриди. Айтинг-чи, бу қайси лагерь?

9. 3 та социалистик давлат территорияларини бирлаштириб турган халқаро қўриқхонани айтинг?

10. Хорижий социалистик мамлакатлар ичида иккинчи жаҳон урушида энг кўп талафот кўрган давлатнинг номини айтинг?

11. Айтинг-чи, ПР нинг қайси саноат тармоғи жаҳон аҳамиятига эга?

12. ПР нинг энг кўп экспорт қиладиган маҳсулотларини айтинг?

13. ГДР қачон социалистик тараққиёт йўлини танлади?

14. ГДР экономикасида миллий даромаднинг қанчаси саноат улушига тўғри келади?

15. ГДР қайси хом ашёни қазиб чиқаришда дунёда 1-ўринда туради?

16. ГДР нинг ташқи савдо структураси қуйидагилар ўртасида қандай тақсимланган (% ҳисобида) ЎИЁҚ аъзолари — ? Ривожланган капиталистик мамлакатлар — ? Ривожланаётган мамлакатлар — ?

17. Айтинг-чи, ГДР қайси хом ашёларнинг деярли 80—100% ини ташқаридан олади?


18. Немис халқи жаҳонга тарбиялаб берган машҳур кишиларни айтинг.

19. Айтинг-чи, ГДР СССР территориясидаги қандай йирик қурилишларда актив иштирок этди?

20. ГДР миллий даромадининг 40% қайси тармоқ ҳиссасига тўғри келади?

21. ГДР да ўзининг бир неча маҳсулотлари билан жаҳонга машҳур бўлган шаҳарни айтинг.

ГДР шаҳарлари чайнворди.



1. ГДР жанубидаги шаҳар.
2. Машинасозлик ва химия саноати тараққий этган шаҳар.
3. ГФР билан чегарага яқин шаҳар.
4. Кўп тармоқли машинасозлик маркази бўлган тарихий шаҳар.
5. Жаҳон ярмаркалари уюштирилиб туриладиган шаҳар.
6. ГДРдаги энг йирик шаҳар.
7. ГДРнинг марказида жойлашган шаҳар.
8. Енгил ва озиқ-овқат машинасозлиги саноати ривожланган шаҳар.
9. ГДР жанубидаги шаҳар.

23. ГДР ва ГФР қайси саноат тармоқлари бўйича иқтисодий ҳамкорлик қиладилар?

24. Чехословакия Республикаси жаҳонда ва Европада қайси саноат тармоқлари бўйича етакчи ўринни эгаллайди?


25. ЧР аҳоли жон бошига ҳисоблаганда қайси маҳсулот ишлаб чиқаришда дунёда 1-ўринни эгаллайди?

26. ЧР даги йирик шаҳарларни картадан тез топинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, уларни билиб оласиз.

— — а — — — — — а — а, — а — — — а —, Б — — — — — — а, — — — — — а — а, — — а — а, — — — — а — а, — — а — а.

27. ЧР нинг жаҳонга машҳур курортини айтинг.

28. ЧР даги кўпгина шаҳарларнинг охири «це» ҳарфлари билан тугайди. Агар сиз уларни тўғри топсангиз, 1—2—3 Чехиядаги шаҳарлар; 4, 5, 6 — Словакиядаги шаҳарлар номлари келиб чиқади. Картадан уларни топиб иқтисодий аҳамиятини ҳам айтинг (расмга қаранг).



29. Венгрияда қайси хом ашёдан минг хил маҳсулот оладилар?

30. Венгриядаги йирик шаҳарларни картадан топинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз, уларнинг номлари келиб чиқади.


— е — е —, — — — — — — е — —, — е — — — е —, — — — — — — е — — е —, — — е — — е — е —, — е — — е —, — е — — — е — е — — — — —.

31. Венгриянинг «боғи» ва «полизи» деб ном олган районини айтинг.

32. СССР ёрдамида Венгрияда бунёд этилган асосий саноат объектларини айтинг?

33. Хорижий Европа социалистик мамлакатлари ўртасида Руминия қайси хом ашёларни қазиб чиқаришда 1-ўринда туради?

34. Руминия чорвачилигида қайси тармоқ устун туради?



35. Руминиядаги кўпгина шаҳарларнинг охири «шти» билан тугайди. Бўш катакларни тўлдирсангиз муҳим саноат ва озиқ-овқат марказларининг номлари келиб чиқади.

36. Болгария жаҳон бозорида қайси маҳсулотлари билан машҳур?

37. Болгарияда қишлоқ хўжалигини юритишнинг асосий формаси қандай?

38. Болгариядаги қуйидаги шаҳарларни ўқинг. Уларни ким картадан тез топса, ўша ўқувчи ғалаба қилган ҳисобланади:

1. — — — — — — — — —град, 2. — — — — — — — — град, 3. — — — — — — — — — град, 4. — — — — — — град, 5. — — — — — — — град, 6. — — — — — — — град.

39. Болгарияда Буюк Совет кишилари шарафига қўйилган шаҳарларни айтинг-чи?


40. Социалистик давлатлар ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришда биринчи ўринда турадиган давлатларни айтинг?

41. Югославия аҳолисининг катта қисмини қайси халқ ташкил қилади?

42. Югославия қишлоқ хўжалигига хос бўлган характерли хусусиятни айтинг?

43. Югославиянинг асосий савдо алоқалари қайси давлатларга тўғри келади?

44. Бўш катакларни тўлдирсангиз Югославия Социалистик Федератив Республикаси составига кирувчи республикаларнинг номлари келиб чиқади.



45. Айтинг-чи, Албания Халқ Республикаси қачон социалистик Халқ республикаси деб эълон қилинган?

46. Албания хорижий Европа мамлакатлари ўртасида қайси металлни қазиб олишда биринчи ўринда туради?

47. Албаниядаги қуйидаги шаҳарларни картадан топиб ўқинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз уларнинг номлари келиб чиқади.

— — р — — —, — — рр — —, — — р — —, — — — — —р, — — р р — — —, — — — р —, — — — р —.

48. Монголия Халқ Республикаси пойтахти Улан Баторнинг ўзбек тилидаги таржимаси нима эканлигини биласизми?

49. МХРнинг стаҳчи ишлаб чиқариш комплекси нима?

50. Дунёдаги энг йирик 10 та мис-молибден корхоналаридан биттаси МХРда жойлашган. Айтинг-чи, сўз қайси комбинат ҳақида кетяпти?

51. МХРнинг пул бирлигини нима деб атайдилар?

52. МХР аҳолисига хос бўлган 3 та хусусиятни айтинг?

53. КХДР да жаҳон аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни айтинг?

54. КХДРда энг ривожланган саноат тармоғини айтинг?

55. КХДРнинг пул бирлигини нима деб атайдилар?

56. КХДРдаги қуйидаги шаҳарларни картадан топинг, тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз ўша шаҳарларнинг номи келиб чиқади.

— х — — — — —; — — — х — —; х — — — — —; — х — — — — —; х — — — —.

57. Айтинг-чи, Вьетнам Социалистик Республикаси деган ном дунё картасида қачон пайдо бўлди?

58. Вьетнамнинг асосий халқини нима деб юритадилар?

59. Айтинг-чи, ВСР қачон УИЁКга аъзо бўлиб кирди?

60. Айтинг-чи, ВСР аҳолисининг қанчаси қишлоқ хўжалигида банд?

61. Хошимин ва Ханойни бирлаштирнб турган темир йўлни халқ қандай ном билан атайди?

62. ВСРнинг қуйидаги шаҳарлари номларини ўқинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз уларнинг номлари келиб чиқади.

— — — о —, — — — — о —, — о — — — — —, — — — — о, — о — — — — —, —о— — — — —, —о——о—.

63. ЛХДР социалистик система лагерига қачон қўшилди?

64. Айтинг-чи, ЛХДР да нечта миллат ва элат вакиллари яшайди?

65. Хорижий Осиё социалистик мамлакатлари регионидаги энг катта шаҳарни айтинг?

66. ХХР фойдали қазилмаларнинг қайси тури бўйича жаҳонда 1-ўринда туради?

67. Айтинг-чи, ХХР аҳолиси йилига қанча кишига кўпаймоқда?

68. Хитой аҳолиси ёши структурасига хос бўлган қайси хусусияти бўйича жаҳонда энг олдинда туради?


69. Хитойда аҳоли энг зич ва энг сийрак жойлашган районларни картадан тез кўрсатинг. Айтинг-чи, бу жойларда 1 кв. км га неча киши тўғри келади?

70. ХХР саноат маҳсулотининг қайси тури бўйича жаҳонда 1-ўринда туради?


71. ХХР ташқи савдо оборотида етакчи бўлган давлатларни айтинг?

72. Ч а й н в о р д. ХХР даги шаҳарларнинг охирги «чжоу» қисми ёзилди.

Бўш катакларни тўлдирсангиз аҳолиси 1 млн. кишидан ортиқ бўлган шаҳарларнинг номлари келиб чиқади.



73. Қуйидаги схемада берилган сўроқлар ўрнига денгизнинг Хитой халқ хўжалигидаги муҳим йўналишларини акс эттиринг.



74. 136-бетдаги жадвални ким тез тўлдиради? «Хитойнинг саноат тармоқлари». Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 очко берилади. Очколар сони кимда кўп бўлса, ўша ўқувчи ғолиб чиққан саналади.

75. Куба географик ўрнидаги ноқулайлик нимадан иборат?


76. Кубада жаҳон аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилманинг номини айтинг.

77. Куба экспортидан келадиган фойданинг қанчаси қанд ҳиссасига тўғри келади?

Саноат тармоқлари	Марказлари	Тармоқнинг шу ерда жойлашишига сабаб нима
1. Тўқимачилик 2. Химия саноати 3. Машинасозлик 4. Рангдор металлургия 5. Қора металлургия 6. Автомобилсозлик		

78. Кубада Санта билан бошланувчи 3 та шаҳарни айтинг?

79. Қуйида Кубадаги шаҳарларнинг охирги 2 та ҳарфи ёзилди. Катакларни тўлдирсангиз уларнинг тўлиқ номлари келиб чиқади. Айтинг-чи, бу шаҳарлар саноати нимадан иборат.



Халқаро социалистик меҳнат тақсимоти

80. ЎИЁК фаолиятида кузатувчи бўлиб қатнашаётган мамлакатларни айтинг?

81. Картага қарамасдан тез айтинг: «Дўстлик» нефть қувури қайси мамлакатлар территориясидан ўтади?

82. Айтинг-чи, «Союз» газ қувури қаердан бошланади ва социалистик мамлакатларга йилига қанча газ етказиб беради?

83. Бевосита СССР ёрдамида қайси социалистик мамлакатларда АЭСлар қурилган ва қурилмоқда?

84. Қайси капиталистик мамлакатлар ЎИЁКи билан ҳамкорлик қилиш ҳақида битим тузганлар?

85. Жаҳон саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида ЎИЁК ҳиссасини белгилайдиган қуйидаги рақамларнинг қайси бири унга тўғри келади: 1/10, 1/4, 1/3, 1/5 тегишлисининг тагига чизинг.

86. Ким тез тўлдиради ў й и н н и. Бу ўйин 2 та команда ўртасида уюштирилиши мумкин. Жадваллар ҳар бир ўқувчига тарқатилади. Вазифани ким тез ва тўлиқ бажарса, 5 балли баҳо системасидан фойдаланиб, уларга очко қўйиш мумкин. Бунда ғолиблар команда ва шахсий равишда аниқланиши мумкин.

Қуйидаги фойдали қазилма конлари бўлган давлатларни + ва — ишоралари билан тез белгиланг.

Мамлакатлар	тош-кўмир	қўнғир кўмир	табиий газ ва нефть	темир рудаси	боксит	мис рудаси	олтин гугурт
ГДР							
Польша							
ЧР							
Венгрия							
Руминия							
Болгария							
Югославия							

+ ишораси йирик фойдали қазилмаларни акс эттиради. — ишораси йўқ ёки маҳаллий аҳамиятга эга бўлган конларни билдиради.

87. Қуйидаги шаҳарларнинг қайси бирида «Дружба» нефть қувурларидан келадиган нефть асосида қайта ишлайдиган заводлар бор? Тегишлисининг тагига чизинг.
1. Берлин. 2. Прага. 3. Будапешт. 4. Бургас. 5. Полоцк. 6. Плоешти. 7. Братислава.

88. Қуйидаги жадвалдан ГДР ва Польшага хос хусусиятларни тез аниқланг.

Характерли хусусиятлари	Қайси давлат эканлигини кўрсатинг
1. Европа социалистик давлатлари ичида майдони энг катта давлат 2. Аҳолиси қўшнисига қараганда 2 марта кўп бўлган давлат 3. Асосий саноат ишлаб чиқариши мамлакат жанубида жойлашган 4. Нефть ва табиий газ фақат ўз эҳтиёжи учун етарли бўлган 5. Тошкўмир қазиб чиқариш ўз эҳтиёжини қондирмайдиган 6. Деҳқончилигида асосий экинлари жавдар, буғдой, картошка бўлган давлат 7. Одер дарёси асосий транспорт магистрали бўлган давлат 8. Аҳоли зичлиги қўшнисидан юқори бўлган 9. Урбанизация даражаси юқори бўлган 10. Химия саноати жаҳон аҳамиятига эга бўлган давлат	Польшага хос бўлган хусусиятни 1 билан, ГДР ни 2 рақами билан кўрсатинг.

Жаҳон капиталистик хўжалик системаси

1. Жаҳон капиталистик хўжалик системасининг 3 та йирик марказларини топинг?

2. Ривожланган капиталистик мамлакатларда модднй ишлаб чиқаришнинг қанчаси саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади?

3. Қайси капиталистик мамлакатларни ўз минерал хом ашёлари билан тўла таъминлаган деса бўлади?

4. Нима сабабдан ривожланган капиталистик мамлакатлар монополиялари, кам тараққий этган капиталистик мамлакатлардан иммигрант ишчилар ёллашга кўпроқ эътибор берадилар?

5. Европа Иқтисодий ҳамжамияти деганда нимани тушунасиз, айтинг-чи, у қачон тузилган унга қайси мамлакатлар аъзо?

6. Умумий бозор мамлакатлари ичида аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда 1 — 2-ўринларда турадиган давлатларнинг номини айтинг?

7. Капиталистик дунёдаги қайси давлат экономикаси деярли чет эл хом ашёсига таянади?

8. Капиталистик дунёда қайси давлат темир рудаси қазиб чиқаришда 1-ўринда туради?

9. Қайси давлат капиталистик дунёда пўлат ишлаб чиқаришда 1-ўринда туради?

10. Автомобиль ишлаб чиқаришда ва экспорт қилишда капиталистик дунёда 1-ўринда турадиган давлатнинг номини айтинг.

11. Қайси давлатда пассажирлар ташишда автомобиль транспорти энг юқори ўринда туради?

12. Ғарбий Европада иқтисодий жиҳатдан энг қамбағал регион қайси давлатда жойлашган?

Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Осиёдаги ривожланган капиталистик мамлакатлар

1. АҚШ қачон ташкил топган?

2. АҚШга қарам бўлган территорияларни картадан тез топа оласизми?

3. АҚШ да дунёда энг бўлиқ ҳисобланган фойдали қазилмаларни айтинг?

4. АҚШ барча ресурслар билан етарли таъминланган бўлса-да, улардан анчасини четдан келтиради. Айтинг-чи, сўз қайси фойдали қазилмалар устида кетяпти?

5. АҚШда нефтлар энг кўп яшайдиган шаҳарларни айтинг.


6. АҚШдаги энг йирик автомобиль саноатининг марказини айтинг?

7. 1. «Джеперал моторс», 2. «Форд», 3. «Крейслер», 4. «Юпонт де немур», 5. «Монсанто Кемикл», 6. «Доу кемикл» монополиялари АҚШда қайси тармоқларнинг деярли 80—90% ини ўз қўлида тўплаган?

8. АҚШ капиталистик дунёда қайси қишлоқ хўжалик экинлари ялпи маҳсулоти бўйича 1-ўринда туради?

9. АҚШ картасини тузиш бўйича домино ў й и н и. Ў й и н т а р т и б и: АҚШ сиёсий картаси тенг квадратларга бўлиб қирқилади. Унинг пойтахти Вашингтон алоҳида қоғозда қолиши керак, кимнинг қўлида Вашингтон квадрати мавжуд бўлса, у ўйинни бошлайди. Ўйиндан м а қ с а д: АҚШ географик картасини тез тузишдан иборат. Қайси ўқувчи қўлидаги картани биринчи бўлиб тугатса, у ғолиб ҳисобланади. Ўйлашга 25—30 секунддан кўп вақт берилмайди. Ўйинда квадратлар сонига қараб 3—4 ўқувчи иштирок этиши мумкин.

10. АҚШ шаҳарлари. К р о с с в о р д.



Энига:

1. Озиқ-овқат саноатининг йирик маркази.
4. Атлантика океанидаги порт шаҳар.
5. АҚШ жанубидаги саноат ривожланган шаҳарлардан бири.
6. Қўллар бўйидаги шаҳар.
8. Қора металлургиянинг йирик маркази.
9. Дунёдаги йирик портлардан бири.

Бўйига:

1. АҚШ нинг энг жанубидаги порт шаҳар.
2. Саноат шаҳарларидан бири.
3. АҚШ президентларидан бири шарафига қўйилган шаҳар.
4. Тошкент билан биродарлашган шаҳар.
7. Флорида яриморолидаги курорт шаҳар.

11. АҚШнинг қуйидаги шаҳарлари номларини ўқинг ва картадан топинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйинг.

— — — — — — — — —лл, — — — — — — — —лл, — — — — лл —, — —лл— —.


12. ГФР қайси кўрсаткичлар бўйича Европада 1-ўринни эгаллайди?

13. ГФР оғир саноатида ҳукмронлик қилаётган йирик концернларни айтинг. Қани, уларни ўқинг-чи «— — сс — —», «— — — пп», «— — н н — — — — — —».

14. Айтинг-чи, ГФР да электроэнергиянинг қанча қисмини ИЭСлар ишлаб чиқаради?

15. ГФРда жаҳон аҳамиятига эга бўлган портни айтинг?

16. ГФР шаҳарлари ч а й н в о р д и.



1. Эльба дарёси бўйидаги йирик саноат маркази.
2. Хорижий Европадаги энг катта қора металлургия маркази.
3. ГФР марказий қисмидаги саноат шаҳри.
4. Мюнхен яқинидаги шаҳар.
5. 48° ш. к. да жойлашган шаҳар.
6. ГФРнинг энг шимолидаги шаҳар.
7. Дунай дарёси бўйидаги саноат шаҳри.
8. ГФРнинг шимолида жойлашган шаҳарлардан бири.

17. Буюк Британияда қайси табақадаги аҳолини «оқ ёқалилар» деб аташади?

18. Айтинг-чи, Буюк Британияда йирик буржуазия қўлида қанча миллий даромад тўпланган?

19. Буюк Британияда қайси саноат тармоғи маҳсулот қиймати ва экспорт бўйича 1-ўринни эгаллайди?

20. Қуйида Буюк Британияда энг йирик пахта ва жун тўқимачилиги марказларини ўқинг, тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз уларнинг номлари келиб чиқади. — — — — — шир, — — — — шир.

21. Қуйидаги Буюк Британиядаги йирик саноат ва порт шаҳарларини тез ўқинг ва картадан топинг, тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйинг.

— — — тон, — — — — тон, — — — — — — — тон,
— — — — — — — — — тон, — — — — — — — — — — тон.

22. Франциянинг Европадан ташқаридаги қандай департаментларини биласиз?

23. Қайси фойдали қазилмалар бўйича Франция дунёда олдинги ва Европада 1-ўринни эгаллайди?

24. Франция қайси хом ашёнинг деярли 99,5% ини четдан келтиради?


25. Франциянинг қайси шаҳрида четдан келтириладиган хом ашё асосида ишлайдиган энг йирик қора металлургия комбинати жойлашган?

26. Франция қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқлари бўйича Ғарбий Европада ва дунёда 1-ўринни эгаллайди.

27. СССР ва Францияда бир хил номдаги шаҳарларни айтинг?

28. Францияда қайси аҳоли пунктининг номи ўзбек тилидаги сўзлардан бирига тўғри келади?

29. Чайнворд. Бўш катакларни тўлдирсангиз Франциядаги шаҳарларнинг номи келиб чиқади.



1, 2, 3 — йирик портлар.
4 — жанубдаги йирик шаҳар.
5— Париждан шимолдаги шаҳар.
7 — йирик порт.
8 — Луара дарёси бўйидаги шаҳар.

30. 3 минг йил жараёнида дунё цивилизацияси маркази бўлиб келган давлатнинг ҳозирги номини айтинг?

31. Айтинг-чи, Италия Франциядан қайси хусусиятлари билан яққол ажралиб туради?

32. Италияда қайси металл энг кам ва қайси металл энг кўп учрайди?

33. Қуйидаги шаҳарларни тез ўқинг. Тирелар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз Италиядаги шаҳарларнинг номлари келиб чиқади.

— — — — — —но, — — — — — но, — — — — — но,
— — — — я, — — — — — я, — — — — — — я, — — — — — — я,
— — — — — — — — — я.

Европанинг кичик капиталистик мамлакатлари

1. Европадаги митти давлатларнинг номини айтинг?
2. Европадаги энг кўп миллатли давлатни айтинг?

3. Қуйида Европа кичик капиталистик мамлакатларида капитализм юқори ва ўртача ривожланган мамлакатлар аралаштириб берилди. Уларни сиз ажрата оласизми? Бельгия, Финляндия, Нидерландия, Швейцария, Ирландия, Австрия, Норвегия, Дания, Люксембург, Ирландия, Исландия, Испания, Португалия, Греция.

4. Дунёнинг «Ўрмон цехлари» деб ном олган давлатларни айтинг.

5. Энергетикасининг асосини ГЭСлар ташкил қилувчи давлатларни айтинг.

6. Кичик капиталистик мамлакатлар ичида радиотехника, электроника маҳсулотлари билан машҳур давлатнинг номини айтинг.

7. Соатлар ишлаб чиқариш билан қайси давлат машҳур?

8. Кичик капиталистик давлатлар ичида қишлоқ хўжалиги энг юқори даражада интенсивлашган давлатларнинг номини айтинг.

9. Аҳоли жон бошига балиқ овлашда 1-ўринда турадиган давлатни айтинг.

10. Кичик капиталистик мамлакатлар ичида СССР билан энг кўп савдо алоқаси қиладиган давлатнинг номини айтинг.

11. Аҳоли жон бошига гўшт, тухум экспорт қилишда дунёда 1-ўринда турадиган давлатни айтинг.

12. Туризмдан катта даромад олувчи давлатни айтинг.

13. Кичик капиталистик мамлакатлар ичида денгиз флоти энг тараққий этган давлатларни айтинг.

14. Европанинг кичик капиталистик мамлакатларида доҳимиз В. И. Ленин бўлган шаҳарларнинг номини айтинг.

Ривожланаётган мамлакатлар

1. Айтинг-чи, Ер шарида қанча ривожланаётган мамлакат бор?

2. Айтинг-чи, ривожланаётган мамлакатлар қуруқлик майдонининг қанчасини эгаллайди?

3. Ривожланаётган мамлакатлар ичида энг каттаси ва энг кичигини айта оласизми?

4. Ривожланаётган мамлакатлар ичида нефтга энг бой бўлган давлатнинг номини айтинг.

5. Ривожланаётган мамлакатлар ичида аҳоли жон

бошига атиги 100—150 доллар даромад тўғри келадиган давлатларнинг номини айтинг.

6. Ривожланаётган мамлакатлар ичида энг тараққий этган қуйидаги давлатларни ўқинг.

— — — — и — и —, — — — — и — —, А — — — — — — — а, — и — — — — — — —, — — — — о — —, — — — — т.

7. Африкада табиий ресурсларга энг камбағал бўлган мамлакатни айтинг?

8. Қуйидаги давлатлар ичида нам тропик ўрмонларга бой бўлган давлатларни тагига чизинг. Жазоир, Аргентина, Бразилия, Колумбия, Венесуэла, ЖАР, Перу, Заир, Индонезия, Гвинея, Малайзия, Нигерия.

9. Жаҳонда суғориладиган майдонларнинг 50% га тўғри келадиган 3 та давлатни айтинг?

10. Ривожланаётган мамлакатлар минерал-хом ашё ресурсларининг қуйидаги турлари бўйича капиталистик дунёда олдинги ўринларни эгаллайди. Улар рақамларда акс этган 93%, 88%, 85%, 75%, 70%, 65%, 64%. Бу рақамларнинг қандай хом ашёларга тўғри келишлигини биласизми?

II қисм

ВИКТОРИНА ЖАВОБЛАРИ

VI СИНФ. ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ БОШЛАНҒИЧ КУРСИ

Кириш

1. География терминини биринчи бўлиб грек олими Эратосфен қўллаган. У «География» деган 3 томлик асар яратган. Унда Ернинг шакли ва катталиги, ўша вақтда маълум бўлган қуруқлик ва денгизларнинг тақсимланиши тасвирлаб берилган.

2. Бундан 3000 йил аввал ҳозирги Вьетнам территориясидан Хитой пойтахтига қимматбаҳо совғалар билан элчилар келишган. Хитойлар уларни яхши кутиб олишган ва совға-саломлар билан кузатиб қўйишган. Аммо элчилар кўп ўтмай яна қайтиб келганлар, чунки улар ўз ватанларига қайтадиган йўлни йўқотиб қўйган эдилар. Шунда хитойлар уларга ажойиб кузатувчи «Чинана», яъни ўнг қўли олдинга чўзилган ёғоч одам ўрнатилган аравачани совға қилганлар. Аравача қайси томонга бурилмасин, унинг қўли ҳамма вақт жанубни, яъни элчилар ватанини кўрсатар эди. Чунки арава ичида магнит бор эди. Дастлабки компас ана шундай ихтиро қилинган.

3. Тверлик рус савдогари Афанасий Никитин 1466—1472 йилларда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган. У ўз таассуротларини ёзиб борган. Кейинчалик унинг хотиралари «Уч денгиз оша саёҳат» номи билан нашр этилди. Бу китобда унинг саёҳатлари ва Ҳиндистон аҳолисининг турмуши қизиқарли қилиб тасвирланган.

4. Америкалик сайёҳ Роберт Эдвин Пири ўзининг 5 та ҳамроҳи билан 1909 йил 6 апрелда Шимолий қутбни биринчи бўлиб забт этди.

5. Португалиялик денгизчи Васко-да-Гама 1498 йили Африкани жанубдан айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очди.

6. Н. Н. Миклухо-Маклай Тинч океан оролларидаги маҳаллий аҳолининг урф-одатини ўрганган.

7. Испаниялик Фернандо-Магеллан 1519 йил сентябридан 1522 йил сентябригача ер куррасини айланиб

чиқди ва Ернинг шар шаклида эканлигини биринчи бўлиб исбот қилди. Магеллан Филиппин оролларининг бирида маҳаллий қабилаларнинг жанжалларига аралашиб аҳоли билан бўлган тўқнашувлардан бирида ҳалок бўлди. 265 киши бўлган 5 та кемадан иборат экспедициядан фақат капитан Элкано бошчилигидаги «Виктория» кемасида 18 кишигина Испанияга қайтиб келди.

8. Инглиз денгиз сайёҳи Франсис Дрейк (1577—1580).

9. XV аср ўрталаридан XVII аср ўрталаригача бўлган давр.

10. Немис табиатшуноси ва географ назариётчиси Александр Гумбольдт. У янги қитъанинг тропиклари бўйлаб саёҳатларини 30 томлик асар қилиб яратган.

11. Академик Владимир Афанасьевич Обручев.

12. Николай Николаевич Баранский.

13. Норвег қутб сайёҳи Руаль Амундсен. У 1926 йилда «Норвегия диржаблида шимолий қутб устидан учиб ўтган.

План ва карта

1. Қутбда турган киши ер марказига яқинроқ туради, чунки ер эллипс шаклида бўлганидан унинг қутбий радиуси 6356,9 км, экваториал радиуси эса 6378,4 км. Демак, қутбий радиус экваториал радиусдан 21,5 км қисқадир. Шу сабабли, Ер марказига қутбдан бориш яқин.

2. Шимолий қутб.

3. Экватор энг катта параллелдир. Қуёш экваторда йилига икки марта: 23 сентябрь ва 21 мартда зенитда бўлади, демак 23 сентябрдан 21 мартгача экватордаги уйларнинг жанубий қисмини, 21 мартдан 23 сентябргача шимолий қисмини ёритади. Экваторда кун ва тун узунлиги йил бўйи бир хил. Шунинг учун ҳам қуёш ҳар вақт соат 6^{00} да чиқиб, соат 18^{00} да ботади.

4. Шимолий магнит қутби Канада архипелагидаги Батерст оролида 75° ш. к. ва 100° ғарбий узунликда. Жанубий магнит қутби Антарктидадаги Виктория ерида 67°2′ ж. к. ва 142° шарқий узунликда жойлашган.

5. Ер ўз ўқи атрофида айланганлиги учун марказдан қочма куч ҳосил бўлади, шунингдек қутблардан экваторга томон борган сари жисмларнинг ер марказига тортишиши камаяди. Булар жисм оғирлигини камайтиради, чунончи қутбдаги 1 кг юк экваторда 3,5 граммга яқин

камаяди. Маълумки, Мурманск, Тбилисига қараганда қутбга анча яқин жойлашган. Шу сабабли мурманскдик штангачи тбилисидик штангачига қараганда кўп энергия (куч) сарф қилади.

6. Аввал ўзингиз яшаб турган жойнинг географик координаталарини аниқлаб олишингиз зарур. Масалан, сиз Тошкентда яшайсиз, дейлик. Унинг координаталари 41°30′ ш. к. билан 69° шқ. узунликдан иборат. Бунинг учун 180° дан 69° шқ. узунлик олиб ташланади. Бунда 111° қолади. Бу ғарбий яримшарда биз излаётган пунктнинг узунлиги ҳисобланади. Унинг кенглиги 41°30′ жанубий кенгликка тўғри келади.

7. Жанубий Американинг шимолий қисми ва Африка материги тўғри келади.

8. Ўсимликларнинг жануб томони анча ривожланган бўлади.


9. Мумкин. Одатда қумурсқалар инларининг оғзини жанубга қаратиб қурадилар.

10. Кунгабоқар эрталаб шарққа, қуёш горизонтга кўтарила борган сари жанубга, қуёш ботиш олдида эса ғарбга қараган бўлади.

11. Дарахтларнинг шимолга қараган томонида жанубга қараган томонига нисбатан қор кўпроқ тўпланган бўлади. Ана шунга мувофиқ горизонт томонларини аниқлаш мумкин.

12. а) янги ой; б) эски ой.

13. Бу аввало фаслларга боғлиқ. Дейлик, 21 март кундуз соат 3^{00}. Бундай жанубий нуқта 2 сонининг устида бўлади. Соатни горизонтал ҳолатга қўйиб соат стрелкасини қуёшга тўғрилаймиз. Кейин соат стрелкаси кўрсатган 3 рақами ва 1 рақамининг қоқ ўртасидан соат марказини туташтирувчи чизиқ ўтказамиз. Бу чизиқ тахминан шимол ва жанубни кўрсатади. 1930 йил СССРда



декрет вақти қабул қилиниб, барча соатлар 1 соат олдинга сурилгани учун юқорида 12 сони ўрнига 1 сони олинади.

Агар эрталаб соат 9 да аниқланмоқчи бўлса, соат стрелкаси қуёшга қаратилиб 1 ва 9 сонлари ўртасидан марказга томон чизиқ ўтказилади. Бу чизиқ 11 ва 5 сонларини кесиб ўтади.

14. К р о с с в о р д.

Бўйига: 1. Глобус. 3. Компас.

Энига: 2. Рулетка. 4. Масштаб.

15. К р о с с в о р д.

Бўйига: 1. Ғарб. 3. Гномон. 4. Шарқ.

Энига: 2. Жануб. 3. Горизонт. 4. Шимол.

16. Картада.

17. Еримиз эллипс шаклида бўлиб, унинг қабариқ қисмидан ўтувчи экватор қутбларга қараганда Ер марказидан узоқда туради. Экватор Африкадаги Килиманжаро, Жанубий Америкадаги Чимбороса чўққилари устидан ўтган. Шу сабабли, бу чўққилар Жомолунгма чўққисига қараганда Ер марказидан узоқда туради.

18. Компас стрелкаси магнит қутбларини кўрсатади. Лекин у географик қутбни кўрсатмайди. Қутб юлдузи географик қутбни билдиради, унга қараб ориентировка олаётган иккинчи группа ўқувчилари аниқроқ натижага эришадилар.

19. Хатнинг мазмуни қуйидагича:

Мен алоҳида уйда тураман. У қалин ўрмон ичида жойлашган. Бизнинг уйимиз олдидан сўқмоқ йўл ўтган, у тупроқ йўлга келиб қўшилади. У эса катта йўлга қўшилади. Бизнинг уйдан шимолда ҳайдаладиган ер бор. Жанубида эса ботқоқлик бор. Мактабимиз атрофи боғ билан ўралган. Унинг шимолий қисмида кўл жойлашган.

20. Хоразмлик Абу Райҳон Беруний.

Ернинг қобиғи
Литосфера

1. Океан сатҳидан 1 м ҳам баландликка кўтарилмаган бу тизма Шимолий Муз океанида жойлашган бўлиб, узунлиги 2500 км га тенг, баландлиги тахминан 2300—3000 м.

2. Энг баланд чўққи Ҳимолай тоғларидаги Жомолунгма чўққиси 8848 м. Энг паст ботиқ Ўлик денгизи сатҳи — 392 м.

3. Апеннин яриморолидаги Везувий вулкани отилиши туфайли Помпей шаҳри кўмилиб қолган. Ҳозир бу шаҳар қазилиб тикланди. Шаҳарда одам яшамайди. Аммо туристларни ўзига жалб этувчи муҳим жой саналади.

4. 1960 йил Чили зилзиласи, 1975 йил Гватемала зилзиласи, 1972 йил Перу зилзиласи, 1966 йил Тошкент ва 1976 йил Газли зилзиласи, 1988 йил Арманистон, 1989 йил Тожикистон зилзилалари ва ҳоказо.

5. Узоқ Шарқдаги иссиқ булоқларда (гейзерларда) қишда ҳам чўмилиш мумкин. Улар атрофида иссиқ сувли кичик дарёлар ҳам бор.

6. 1300°×33 м=40 км. Демак, лава 40 км ва ундан ҳам чуқурдан отилиб чиқади.

7. 8848 — Жомолунгма (Ҳимолай)
7495 — Коммунизм (Помир)
6193 — Мак-Кинли (Кордильера)
5895 — Килиманжаро (Килиманжаро)
7134 — Ғалаба (Тяншань)
1894 — Народная (Урал)

8. Амазонка пасттекислиги 5 млн. кв. км. Бунга Бирлашган Араб Амирликларидан бештасини жойлаштириш мумкин.

9. Қекса тоғлар ўсишдан тўхтаганига кўп йиллар бўлганидан емирилиб, яссиланиб қолган. Шунинг учун бундай тоғларнинг қиррали чўққилари бўлмайди.

10. Планетамиздаги энг узун тоғ тизмаси Кордильерадир. У 16 минг км га чўзилган.

11. Ҳимолай тизмасининг ўртача баландлиги 7000—8000 м.

12. Жомолунгма чўққисини 1953 йилда Янги Зеландиялик Э. Хиллари забт этди.

13. Урал — мамлакатимизда фойдали қазилмаларга энг бой тоғ саналади.

14. Жанубий Америкадаги Тулунгато вулкани баландлиги 6800 м.

15. Литосфера кроссворди.

Энига: 1) Ҳимолай. 2) Литосфера. 4) Кордильера. 6) Урал. 7) Альп. 8) Анд.
Бўйига: 3) Текислик. 5) Кавказ. 7) Амазонка. 9) Помир.

Гидросфера

1. Тинч океаннинг Филиппин ороллари яқинидаги Марнана ботиғи 11034 метр.

2. Охота ва Беринг денгизлари.

3. Тинч океани.

4. Қора ва Азов денгизлари.

5. Пиринней яриморолн, Атлантика океани, Ўрта денгиз, Гибралтар бўғози ва Бискай қўлтиғи билан ўралган.

6. Байкал, Африкадаги Таньганика ва Ньяса кўллари, Қизил денгизи, Охота ва Адриатика денгизлари ва ҳоказо.

7. Евросиё материгини барча океанлар ўраб олган.

8. Беринг бўғози, Тинч ва Шимолий Муз океанларини, Чукотка ва Беринг денгизларини, Осиё ва Америка қитъаларини, Евросиё ва Шимолий Америка материкларини, СССР ва АҚШ давлатларини бир-биридан ажратиб туради.

9. Материк катта қуруқлик бўлиб, бевосита океанлар билан ўралиб туради. Орол эса сув билан ўралган кичик қуруқлик.

10. СССР қирғоқларини ювиб турган денгизлар ичида энг кичик ва энг саёзи Азов денгизи ҳисобланади.

11. Европадаги Болқон яриморолининг қирғоқларини Ўрта, Адриатика, Мармар, Иония, Эгей денгизларининг суви ювиб туради.

12. Арабистон яриморолидаги Ўлик кўлининг сув сатҳи океан сув сатҳидан 392 м пастда туради. Бу қуруқликдаги энг паст жой ҳисобланади.

13. Ойнинг тортиш кучи таъсирида планетамизнинг ойга қараган томонидаги океан суви сатҳи кўтарилади. Айни вақтда унинг қарама-қарши томонидаги океан ёки денгиз суви пасаяди. Бу жараён суткада икки марта такрорланади. Кўтарилишнинг баландлиги турлича бўлади. Оролларнинг қирғоқларида сув 0,5—1 м кўтарилади. Материк қиргоқларида эса 2 метр ва ҳатто 3 метргача кўтарилади. Тор бўғозларда ва узунчоқ кўрфазларда кўтарилган сувнинг баландлиги 5 метргача етади, айрим ҳолларда эса ҳатто 10—12 метргача чиқиши мумкин.

14. Африкадаги Нил дарёси энг катта дельта ҳосил этган.

15. Балхаш кўли сувининг бир қисми шўр, иккинчи қисми чучук. Бунинг биринчи сабаби шуки, унинг чучук томонига Или дарёси қуйилади, шўр томонига эса дарё қуйилмайди; иккинчи сабаби кўлнинг ўртаси тор бўғоз билан бир-биридан ажралганидир. Бўғоз саёз, қамиш-

тоғлар билан қопланган, бу эса чучук ва шўр сувларнинг аралашишини чеклайди.

16. В. И. Ленин номидаги Волга-Дон канали орқали Волга дарёсидан Қора денгизга чиқиш мумкин. Каналнинг узунлиги 101 км.

17. Одатда сув буғланганда сувнинг таркибидаги туз ажралиб қолади. Шунга кўра ёғин-сочин сувларида туз бўлмайди. Бироқ баъзан шамол ва кучли тўлқинлар пайдо бўлганда денгиз сувининг заррачалари атмосфера қатламига ўтади. Шу туфайли ёмғир сувида жуда оз миқдорда туз бўлиши мумкин.

18. Антарктидада ҳарорат йил давомида совуқ бўлганидан муз эримайди, ёмғир ёғмайди. Бинобарин, дарё ҳам ҳосил бўлмайди.

19. Қизил денгизи.

20. Бриз — дарё ёки денгиздан кундузи қуруқликка, кечаси эса қуруқликдан сувга қараб эсувчи шамол. Айсберг океанда сузиб юрувчи муз тоғи. Жунгли — ўтиш қайин бўлган тропик ўрмон. Саванна — шимолий яримшардаги табиат зонаси.

21. Ўрта денгиз 3 та қитъа—Европа, Осиё, Африка қирғоқларини ювиб туради.

22. Каспий кўли Ер шаридаги энг катта кўл бўлиб, майдони 371000 кв. км га тенг.

23. Энг катта орол Гренландия, майдони 2 млн. 176 минг кв. км. Энг катта яриморол Арабистон яриморолн.

24. Антарктида материгини айланиб оқувчи оқим, унинг эни 1300 км бўлиб, материкни 1 марта тўлиқ айланиб чиқиши учун 16 йил керак бўлади.

26. Сахалин ороли ва Скандинавия яриморолн.


26. Охота денгизининг Пенжина губаси ва Шимолий Америкадаги Фанди кўрфазида сув кўтарилиши 12—18 метрдан ошади. Бу жойлар планетамиздаги сувнинг Ой тортиш кучи таъсирида энг юқори кўтариладиган жойи ҳисобланади.

27. Тинч океанининг кўп қисми экваторда, шунингдек, Шимолий Муз океани билан ҳам камроқ боғланган. Шуларга кўра бошқа океанларга қараганда Тинч океани иликроқ.

28. 1. Боку. 2. Амур. 3. Кура. 4. Урал. (151-бетдаги расм).

29. Панама канали — Шимолий ва Жанубий Америка материкларини, Суэйш канали эса Африка ва Евросиё материкларини бир-биридан ажратиб туради.

30. «А» ч а й н в о р д и.



1. Америка. 2. Антарктида. 3. Африка. 4. Аомэнка. 5. Аляска. 6. Аргентина. 7. Адриатика. 8. Ангола. 9. Амур.

31. Денгизлар чайнворди.

1. Сариқ денгиз. 2. Қора денгиз. 3. Кара денгизи. 4. Баренц денгизи. 5. Кариб. 6. Тиррен. 7. Арабистон. 8. Ўрта денгиз. 9. Адриатика денгизи. 10. Норвегия денгизи. 11. Маржон. 12. Беринг денгизи.

32. Гольфстрим оқими.

33. 1 л (1000 г) денгиз сувида ўрта ҳисобда 35 граммгача туз бор, яъни денгиз сувининг $\frac{35}{1000}$ бўлаги (‰) туздан иборат. Промилль (‰) бирон миқдорнинг мингдан бир қисми. Демак, сувнинг шўрлиги 25‰.

34. Энг йирик айсберглар қалинлиги 600—700 метргача боради, энига ва узунасига 10 км ларга чўзилиши мумкин. Улар материк музликларидан ҳосил бўлади. Жанубий яримшардаги айсберглар катта бўлади. Узунлиги 160—180 км гача ҳам етиши мумкин. Гренландия оролидан йилига 13—14 минг айсберг океанга оқиб тушади. Шу сабабли айсберглар узоқ жойларга оқиб боради.

35. Туркманистондаги В. И. Ленин номидаги Қорақум каналининг узунлиги 1000 км дан ортиқ. У СССР даги энг узун канал ҳисобланади.

36. Красноярск ГЭСи СССРдаги энг йирик электр станция ҳисобланади. Саян-Шушенск ГЭСи ундан ҳам каттадир.

37. Помирдаги Федченко музлигининг майдони 75 кв. км бўлиб, СССРдаги энг катта тоғ музлиги ҳисобланади.

38. Шимолий Америкадаги Колорадо дарёси 1800 м пастдан оқади.

39. Денгизлар, бўғозлар, каналлар кроссворди.

Бўйига: 1. Беринг. 2. Панама. 5. Сувайш.
Энига: 1. Баренц. 3. Малакка. 4. Каспий.

40. К р о с с в о р д. Бўйига: 1. Атлантика. 5. Америка. 7. Евросиё. 8. Антарктида. 9. Австралия.
Энига: 1. Африка. 2. Ҳинд. 3. Тинч. 4. Гидросфера. 6. Гренландия.

41. О р о л л а р, я р и м о р о л л а р, қ ў л т и қ л а р к р о с с в о р д и.
Бўйига: 1. Янги Гвинея, 3. Сахалин. 5. Камчатка. 7. Бискай. 8. Бенгал. 9. Болқон.
Энига: 2. Исландия. 3. Арабистон. 5. Кола. 6. Ҳиндистон.

42. Д а р ё л а р в а к ў л л а р к р о с с в о р д и.
Энига: 1 Дунай. 2. Амазонка. 3. Ладога. 6. Конго. 9. Ганг.
Бўйига: 2. Амур. 3. Лена. 4. Нил. 5. Байкал. 7. Волга. 8. Онега.

Атмосфера ва биосфера

1. Ер атмосфера қатлами билан ўралгани учун Ерда бундай ҳолат бўлмайди.

2. Ҳаво температурасининг кун давомида турлича бўлиши қуёш нурининг бир хил тушмаслигидандир.

3. Ер ўқининг ўз орбитасига қиялиги ва Ернинг шарсимонлигидан ҳаво температураси ёз билан қишда бир хил бўлмайди.

4. Баландликка кўтарилган сари атмосфера сийраклашади, натижада ер юзасидан тарқаладиган ҳароратнинг таъсири камайиб боради.

5. Гўшт тоғ этагида тез пишади, чунки юқорида ҳаво босими паст.

6. 3° ж. к. 37° шарқий узунликда Африкадаги Килиманжаро тоғи жойлашган. Биринчи группа барометри 570 мм ни кўрсатса, у 1900 м баландликка кўтарилган бўлади. Иккинчи группа барометри 427 мм ни кўрсатса, улар 3370 м баландликка кўтарилган бўлади, чунки ҳар 100 м юқорига чиққан сари ҳаво босими 10 мм камайиб боради.

7. Қишда материк совуқ бўлганлиги учун унинг босими океан устидагига қараганда юқори бўлади. Натижада ҳаво массалари юқори босимли областдан паст босимли областга қараб, яъни қуруқликдан денгизга йўналади. Ёзда бунинг акси бўлади, чунки қуруқлик сувга қараганда тез қизийди. Натижада океан устида босим юқори, қуруқликда кам бўлади ва ёғин келтиради.

8. Кечқурун қуруқлик тез совийди, сув эса секин. Шу туфайли кечаси сув устидаги ҳаво илиқ бўлади.

9. Муссон мавсумий, бриз эса сутка давомида рўй берувчи ходиса.

10. Бунга сабаб кечқурунги ва кундузги бризлардир. Шамол кечқурун қуруқликдан денгизга, кундузи денгиздан қуруқликка эсади.

11. Ер атмосфера билан ўралганидан Ердан осмонга қаралса, осмон зангори кўринади. Ойда атмосфера бўлмаганлиги учун ундан осмон қопқора кўринади. Космонавтлар бунинг гувоҳи бўлишган.

12. Тропосфера, стратосфера, ионосфера.

13. а) қутб доирасида; б) ўрта кенгликларда; в) экваторда.

14. Шамол кундузи денгиздан қуруқликка, кечаси эса қуруқликдан денгизга эсади. Сабаби қуруқликнинг сувга нисбатан тез исишидир. Демак, кундузи қуруқлик устида босим тез камаяди, натижада кундузи босими кўп жой — сув устидан, босим кам жой — қуруқликка шамол эсади. Кечаси эса аксинча бўлади.

Демак, а) кечаси, б) кундузи.

15. 60 соатдан кейин ярим кеча бўлади, шунинг учун ҳам қуёшли об-ҳавони кутиш мумкин эмас.

16. Б. шаҳар шимолроқда жойлашган, чунки қутб юлдузи А. шаҳарга қараганда Б. шаҳарда каттароқ бурчак остида кўринади.

17. Одатда Қуёш ва Ойдан таралаётган нурлар ҳаво қатламидан ўтаётганда унинг кўк, ҳаво ранг, яшил каби қисқа тўлқинли нурларини ҳаводаги чанглар тўсиб қолиб, фақат узун тўлқинли нурларигина бизгача етиб келади. Шу туфайли Қуёш ва Ой горизонтда қизғиш кўринади.

18. Кўча шимолдан жанубга йўналган.

19. 22 июнда қуёш Ашхободда 75°30′, Душанбеда 74°, Фрунзеда 70°30′, Тошкентда 72°30′ горизонтдан баландда кўринади. Демак, 22 июнда қуёшнинг горизонтдан баландлиги Ашхободда энг юқори экан.

20. 23 сентябрда экваторда қуёш нурларининг тушиш бурчаги 90° га тенг.

21. Қутб юлдузи турли жойда турлича, яъни шу жой қайси географик кенгликда жойлашган бўлса, шу бурчак остида кўринади. Шимолий қутбда турган одам қутб юлдузини ўзининг худди тепасида кўради. Тошкентда қутб юлдузини 41° бурчак остида кўриш мумкин.

22. Метеорологик ёз 1 июндан, астрономик ёз 22 июндан бошланади.

23. Ленинград шаҳри. Координаталарини мустақил аниқланг.

24. СССРда бундай жойлар йўқ, чунки мамлакатимизнинг энг жанубий нуқтаси 36° ш. к. да жойлашган.

25. Ҳар 100 м юқорига чиққанда ҳаво 0,5°—0,6° пасайиб боради. Агар ер юзида ҳаво температурасини 0° деб олсак, 8000 м баландда учаётган самолёт ташқарисида—40°—48° совуқ бўлади.

26. Ҳар 4 йилда февраль ойи 29 кунлик келади, бу кабиса йили деб аталади, масалан, 1964, 1968, 1972, 1976, 1980, 1984, 1988 йиллар кабиса йилларидир. Бинобарин, туғилган кунларини ҳар 4 йилда бир марта нишонлайдиган кишилар 29 февралда дунёга келган бўлади.

27. Маълумки, ҳар бир меридианнинг ўз маҳаллий вақти бор. Барча меридианлар қутбда туташган, шунинг учун у ернинг маҳаллий вақти исталган жойнинг маҳаллий вақтига тўғри келади.

28. Австралия материгининг ўртасидан жанубий тропик чизиғи кесиб ўтган.

29. Ростов-Донда ёз кунининг узунлиги Ленинград ёки Москвадагидан қисқароқ.

30. Қор ҳаводаги чанг зарраларини ўзига шимиб олади.

31. Экваторда.

32. Шимолий ва Жанубий қутбларда йил давомида 1 сутка буткул кундуз ва 1 сутка тун бўлади.

33. Жанубий яримшарнинг қутб доиралари кўпроқ океанларга тўғри келганлиги учун кишилар фаолиятида камроқ эсланади.

34. Кузатувчи жанубий яримшарда бўлса, қутб юлдузи кўринмайди.

35. Тошкент 41° ш. к. даллиги маълум. 1° меридиан узунлиги тахминан 111 км га тенг. 90°—41° = 49°,
49°×111 км = қутбгача бўлган масофа.
41—0° экв. = 41°, 41°×111 км = экваторгача бўлган масофа.

Демак, Тошкентдан экваторгача бўлган масофа (41°×111 км) = 4551 км га тенг. Тошкентдан шимолий қутбгача эса (49°×111 км) = 5439 км га тенг экан.

36. Шимолий қутб иссиқроқ. Жанубий қутб анча баландда жойлашган ва доимий муздлар билан қопланганлиги учун совуқроқдир.

37. Норильск, Мурманск, Воркута.

38. Рио-де-Жанейро.

39. Шимолий тропик чизиғи кесиб ўтган Куба пойтахти Гавана шаҳрида 22 июнь туш пайтида қуёш зенитда туради.

40. Атмосфера кроссворди.

Бўйига: 1. Атмосфера. 6. Қор. 7. Шудринг.

Энига: 2. Термометр. 3. Тропосфера. 4. Флюгер. 5. Барометр. 6. Қиров.

Табиат компонентлари алоқадорлиги

1. Муз ва тундра зоналарининг кроссворди.

Энига: 1. Пингвин. 3. Кит. 5. Лишайник. 6. Қуён.

Бўйига: 2. Айиқ. 4. Тулки. 6. Қайин.

2. Мўътадил минтақа ўрмонлар зонасининг кроссворди.

Бўйига: 1. Олмахон. 3. Липа.

Энига: 2. Ель. 4. Қарағай. 5. Қундуз.

Ер шарининг аҳолиси ва дунё сиёсий картасидаги давлатлар

1. 5 млрд. дан ортиқ.

2. 80—85 млн.

3. Аҳоли сони майдон катталигига бўлинади.

4. Хитой, инглиз, ҳинд, рус, араб, испан, француз, итальян, немис, вьетнам.

5. Хитой — 1, Ҳиндистон — 2, СССР — 3-ўринда туради.

6. Австралия давлати.

7. Қуруқликда чегараси бўлмаган давлатлар: Исландия, Япония, Куба, Янги Зеландия, Филиппин.

8. Туркия, СССР, Миср ва бошқалар.

9. Миср — пойтахти (Қоҳира) Нил дарёси дельтасида жойлашган.

10. Чехославакия. Пойтахти — Прага.

11. Мамлакатлар кроссворди.

Энига: 1. Будапешт. 5. Монголия. 7. Ханой. 8. Берлин.

Бўйига: 2. Польша. 3. Токио. 4. Кобул. 5. Миср. 6. Япония.

VII СИНФ. МАТЕРИКЛАР ВА ОКЕАНЛАР ГЕОГРАФИЯСИ КУРСИ

Африка

1. «Африка» сўзи барбар қабиласининг *«афригия»* деган номидан келиб чиққан. Римликлар материк шимолида яшовчи қабилага мана шундай ном қўйганлар.

2. Машҳур инглиз сайёҳи Давид Ливингстон Марказий Африкага қилган саёҳатларидан бирида тасодифан шерга рўпара келиб қолади. Шунда йиртқич сайёҳни даст тишлаб чангалзорга судраб кетади. Бу ҳодиса ҳақида сайёҳнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: «Шернинг ириллаган мудҳиш товуши нақ қулоғим тагида эшитиларди. У мени дам у ёққа, дам бу ёққа силтарди. Мен эса бўри оғзидаги қўзичоқдек қотиб қолгандим. Ақли-ҳушим жойида бўлишига қарамай, на оғриқ, на қўрқув сезмасдим. Ўзимни худди операция столида ҳушсиз ётган бемордек ҳис қилардим». Қиши танасида ҳаётдан асар йўқлигини сезган шер ҳафсаласи пир бўлиб сайёҳни ташлаб кетган. Бу пайтдан фойдаланган Ливингстон ҳушини тўплаб қочиб қолган.

3. В. В. Юнкер, Е. П. Ковалевский, Н. Н. Миклухо-Маклай, А. В. Елисеев, И. П. Герасимов ва бошқалар.

4. Африка материги капиталистик дунё олтинининг ярмини, олмоснинг 99% ини беради.

5. Шимолий яримшарда ёз июнь ойига тўғри келса, жанубий яримшарда қишга тўғри келади. Демак, жанубий яримшарда ёз январь ойига тўғри келади.

6. Қоҳира шаҳари 30° ш. к., 30° шқ. у.

7. Экваториал Африканинг шарқий қисмига унинг ғарбий қисмига қараганда ёғин кам тушади. Бунга сабаб Европа материги чўлларининг яқинлиги, шарқий қисмида эса баланд тоғларнинг бўлиши ва шимоли-шарқий пассатларнинг Шарқий Африкага континентал тропик ҳаво келтиришидир.

8. Экваториал Африканинг Кения ва Килиманжаро тоғларида доимий қор ва музликлар бор. Чунки, бу тоғ чўққиларининг баландлиги 5000 метрдан ортади.

9. Цеце пашшаси чақса киши уйқу касалига дучор бўлади.

10. Баобаб дарахти бўйи 20—25 м, танасининг диаметри 10—12 м, унинг йўғон танасида сув тўпланади.

11. Жирафа бўйи 6 метрга боради. Африка материгида саванналарда яшайди.

12. Конго дарёси.

13. Африка саванналарида яшовчи гепард. У соатига 140—160 км гача чопиши мумкин.

14. Қизил денгиз. Икки томони қумлар билан ўралганлиги учун буғланиш катта. Шунинг учун суви шўрдир.

15. Африкада кичкина гўзал нектар қушини ҳам, улкан африка туяқушини ҳам, оёғи энг узун йиртқич секретарь қушларни ҳам учратиш мумкин.

16. «Қуёш товуши» тоғ жинсларининг қаттиқ қизиб ёрилишидан ҳосил бўлади.

17. Бундай ҳодисани ҳаво ниҳоятда қуруқ бўладиган чўлларда учратиш мумкин. Ёзда ер қаттиқ қизийди. Ернинг исиши туфайли ҳаво ҳам қизийди, ёғаётган ёмғир томчилари ерга тушмасданоқ буғланиб кетади. Ана шу қуруқ ёмғирнинг ўзгинасидир.

18. Жазоирдаги Тольга воҳасидаги 63 м чуқурдан чиқадиган артезиан қудуғи суткасига 4098240 челак сув чиқаради.

19. Конго республикаси — Конго дарёси.
Камерун республикаси — Камерун дарёси.
Сенегал республикаси — Сенегал дарёси.
Гамбия республикаси — Гамбия дарёси.

20. Африканинг шимоли-шарқидан оқувчи Тажура дарёси, у ўз номидаги қўлтиқдан бошланиб материк ичкарисидаги кўлга қуйилади.

21. Жанубий Америка ва Африка материклари экваторга нисбатан турлича жойлашган. Африканинг ўрта қисмидан экватор кесиб ўтган бўлса, Жанубий Американинг шимолий қисмидан экватор кесиб ўтган. Шу туфайли Африканинг шимолида тропик зона, Жанубий Америка шимолида экваториал ўрмонлар зонаси вужудга келган.

22. Африканинг Камерун массивининг жануби-ғарбий ёнбағирларига йилига 10000 мм гача, тропик чўлларга 3 мм гача ёғин тушади. Камерун массивига ёғин келтирувчи Атлантика океанидан жанубий-ғарбий ҳаво массалари эсади. Бу кўп ёғин келтиради.

23. Африка материги 37° ш. кенглик ва 35° жан. кенгликлар орасида жойлашган.

24. Миср давлатидаги Нил дарёсида СССРнинг бевосита ёрдами билан Асвон гидроузели ва сув омбори қурилган.

25. Африкадаги энг баланд чўққи Килиманджаро 5895

м, энг паст ботиқ Ливия чўлидаги Сива ботиғи океан сатҳидан — 133 м пастда.

26. Қоҳира, Касабланка, Искандария, Киншаса, Йоханнесбург шаҳарлари миллионер шаҳарлар.

27. Африкада аҳоли энг зич жойлашган район Нил дарёсининг қуйи оқими. Бу ерда 1 кв. км га 600 дан ортиқ киши тўғри келади. Гвинея қўлтиғи, Ўрта денгиз бўйларида ҳам аҳоли зич яшайди.

28. Энг паст бўйли қабила экваториал ўрмонларда яшовчи пигмей қабилалари бўлиб, уларнинг бўйи 135—145 см дир. Энг баланд бўйли қабила нилот қабиласи бўлиб, бўйи 215 см, Суданнинг жанубида яшайди.

29. Жазоир, Гана, Мали, Конго, (Браззавиль), Танзания, Гвинея Республикалари ва бошқалар.

30. Намибия ҳозирча мустамлака асоратида яшамоқда.

31. Жанубий Африка Республикасида ирқчилик режими авжга чиққан.

32. Шарқий Африка рельефи баланд. Ғарбий Африка океанга томон оҳиста пасайиб боради, шунинг учун Ғарбий Африка дарёлари Шарқий Африка дарёларидан узун.

33. Африкадаги энг чуқур кўл Танганьика кўли бўлиб, чуқурлиги 1435 м. Байкалдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Чуқур бўлишига сабаб, у тектоник ботиқда жойлашган.

34. Африкада магмаларнинг қотиши натижасида вужудга келган тог жинслари кўп бўлганлиги сабабли, у рудали фойдали қазилмаларга бой.

35. Қуёш нурлари тик тушади.

36. Африка шимолида жойлашган Триполи шаҳри яқинида ҳаво температураси +58° С га боради. Бу ер Африкада энг иссиқ жой ҳисобланади.

37. Ҳинд океанидан эсувчи ҳаво массалари Жанубий Африкадаги тропик минтақада жойлашган Дракон тоғлари этакларига кўп ёғин келтиради. Аммо шу минтақанинг ғарбий қисмида совуқ Бенгалия оқимининг таъсири катта. У ўзида кўп нам сақламайди. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли Атлантика океанидан эсувчи ҳаво массалари шимоли-шарққа бурилиб кетади. Шу сабабли тропик минтақанинг ғарбий қисмида Намиб чўли вужудга келган.

38. Шарқий Африкада узилмалар кўп, кўлларнинг кўпчилиги ана шу узилмаларда вужудга келган. Кўл-

ларининг чўзиқлиги ҳам уларнинг узилмалар ўрнида пайдо бўлганидандир.

39. Чад кўли майдонини кескин ўзгартириб туради. Чунки унга қуйиладиган Шари дарёси ҳавзасига ёз ойларида ёғингарчилик даврида ёғин кўп ёғади, натижада кўл суви икки баравар кўпаяди. Қишда эса бунинг тескариси содир бўлади.

40. Зебраларга цеце пашшасининг чақиши писанд эмас. Улар Африка саванналарида яшайди.

41. Вельвичия ўсимлиги фақат Намиб чўлида учрайди. Унинг пакана, йўғон танаси ердан 20 см кўтарилиб туради.

42. Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба 2440 м баландда жойлашган. Бу ерда йил бўйи ҳаво илиқ ва салқин бўлади, шунинг учун уни «мангу баҳор» шаҳар деб атайдилар.

43. Гана Республикаси какао йиғиш ва четга чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бунга асосий сабаб бу ерга келган чет эл капиталистлари маҳаллий аҳолини какао ўстиришга мажбур этиши бўлди.

44. Бунга сабаб экватор Африканинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган.

45. Африканинг жанубида океан оқимларининг таъсири кучли ва материкнинг жанубга томон торайиб бориши каби омиллар таъсирида чўллар шимолий қисмидагидан кичикроқ майдонни эгаллайди.

46. Гвинея-Бисау, Мозамбик, Ангола.

47. Шим. тропикда 22 июнь, экваторда 21 март ва 23 сентябрь, жанубий тропикда 22 декабрь кунлари қуёш нури 90° бурчак ҳосил қилиб тушади.

48. Африка чайнворди.

1. Мадагаскар. 2. Расхафун. 3. Виктория. 4. Ҳабашистон. 5. Сахрои Кабир. 6. Сувайш.

49. Африканинг дарёлари ва тоғлари кроссворди.

Энига: 1. Атлас. 4. Конго. 5. Нигер. 6. Қоҳира. 7. Нил. 8. Қап.

Бўйига: 1. Лесото. 2. Сенегал. 3. Дракон. 4. Кения.

50. Африканинг сиёсий картаси кроссворди.

Энига: 1. Мозамбик. 5. Жазоир. 7. Замбия. 8. Того. 9. Заир. 10. Киншаса.

Бўйига: 2. Марокаш. 3. Конго. 4. Ангола. 6. Мали.

8. Антарктида материгидаги музлар эритилса, Дунё океанининг сув сатҳи 60 м кўтарилиши мумкин.

9. Энг баланд чўққи ғарбий Антарктидада бўлиб, баландлиги 5140 м.

10. Эребус вулкани. Бу шу районда тоғ пайдо бўлиш жараёни ҳали актив суръатда давом этаётганлигидан дарак беради.

11. Антарктиданинг муз қоплами қуёш иссиқлигининг деярли 90% ини қайтаради. Бутун Ер шари қуёш иссиқлигининг 40% ини қайтаради. Шу сабабли Антарктиданинг ер юзаси исимайди. Хусусан, қутб қишида ҳаво совиб кетади.

12. 1960 йил совет қутбчилари Восток станциясида — 88,8° совуқ бўлганлигини қайд қилганлар.

13. Антарктидада пингвинларнинг 17 тури мавжуд. Энг кўп тарқалгани Адели деган кичик пингвиндир. Энг каттаси Император пингвинидир.

14. Антарктидада. У деярли Арктика минтақасида жойлашган.

15. Денгиз сувида ўзига хос тузлар бирикмалар тарзида бўлади. Уни иситганда бу тузлар эриб кетади, шу туфайли айсберглардан чучук сув тайёрлаш мумкин.

16. Шимолий қутб океан сатҳига тўғри келади, жанубий қутб эса шимолий қутбга қараганда 3000 м баландда жойлашган, шу сабабли жанубий қутбда совуқроқ бўлади. Бундан ташқари, шимолий қутбга қуёш бир ҳафта кўпроқ тушади.

17. Планетамизнинг шамоллар қутби Антарктидадаги Адели ерида, совуқлар қутби эса Восток станциясида.

18. Антарктиданн кашф қилишда қатнашган «Мирний» кемаси шарафига қўйилган.

19. Антарктида материгининг музлар билан қопланганлиги атмосфера умумий циркуляциясига катта таъсир қилади. Агар Антарктида материги бўлмаса, еримизда ҳаво температураси ҳозиргидан анча юқори бўлган бўлар эди.

20. Антарктида материги ҳеч бир давлатга қарамайди. Барча давлатлар илмий текшириш ишлари олиб боришга ҳақли.

21. Инглиз саёҳатчиси Р. Скоттники.

22. «Антарктика» сўзи грекча бўлиб, «анти» қарши, «арктика» шимол сўзларидан олинган. Яъни шимолий қутбнинг қарама-қаршиси деган маънони англатади. Ан-

тарктиканинг марказий қисмини Антарктида материги эгаллаган.

23. Антарктиданики.

24. Антарктида кроссворди.

Бўйига: 1. Эребус. 2. Мирний. 4. Лазарев. 6. Пингвин.
Энига: 3. Росс. 5. Амундсен. 6. Пионерская. 7. Кит. 8. Беллинсгаузен. 9. Восток.

Жанубий Америка

1. Оловли Ер архипелагининг оролларидан бирида Гори деб аталувчи бурун бор.

2. Христофор Колумб Америка қитъасининг борлигини тасаввур этолмай, ўзи кашф этган қитъа (Америка)ни Ҳиндистоннинг шарқий қирғоқлари деб ҳисоблайди.

3. Христофор Колумбнинг биринчи саёҳати. 1492 йил эрта тонгда Багама ва Антил оролларини кашф қилди. Х. Колумб уларни Вест-Индия деб атади.

4. 1498 йил август ойида Колумб ўзининг учинчи саёҳатида материкдаги Ориноко дарёсининг қуяр жойи, Жанубий Америка материгига қадам қўйди. У бу ерни ҳам орол деб ҳисоблади.

5. Итальян Америго Веспуччи. У шундай деган эди: «Менинг саёҳатим экватордан жануброқда материк борлигини исботлади».

6. Аконкагуа чўққиси, унинг баландлиги 6960 метрдир.

7. Жанубий Америка қиёфаси учбурчак шаклини эслатади. Экватор яқинида унинг кенглиги 1500 км, жанубий қисми эса анча тор. Агар хаёлан Анд тоғларини унинг шарқий қисмига жойлаштирсак, Жанубий Америка иқлими худди Шимолий Америка иқлимига ўхшаган бўлур эди.

8. Жанубий Американинг Амазонка дарёси ҳавзасининг майдони 7 млн. кв. км. Дарё экваториал минтақада жойлашган. Ёғин жуда кўп ёққанлиги учун серсув.

9. Жанубий Американинг Чурун дарёсидаги Анхель шаршараси дунёда энг баланд шаршара ҳисобланади. Унинг баландлиги 1054 метр.

10. Анд тоғларидаги Титикака кўли 3812 м баландда жойлашган.

11. Жанубий Америкадаги Атамака чўли. Ғарбий соҳилидан Перу салқин оқими ўтади. У ёғин вужудга келтирмайди. Анд тоғлари эса Атлантикадан эсувчи нам

ҳаво массаларини ўтказмайди. Шунинг учун бу ерда ёғин ниҳоятда кам ёғади.

12. Бразилия, Эквадор, Перу, Венесуэла каби давлатлар жанубий яримшарда жойлашган. Маълумки, жанубий яримшарда ёзнинг ўртаси январь ойига тўғри келади. Шунинг учун бу мамлакларда янги йил биздагидан фарқ қилиб ёзда қарши олинади.

13. Амазонка ҳавзасида ўсувчи рафия пальмаси энг катта баргли ўсимлик ҳисобланади. Унинг баргининг узунлиги 22 м, эни 8 м, соясида бир вақтда 16 турист ҳордиқ чиқариши мумкин.

14. Нам экваториал ўрмонларда яшовчи анаконда илони узунлиги 9—10 м келади. Бу Жанубий Америкада энг катта илон ҳисобланади.

15. Амазонка ва унинг ирмоқларида яшовчи кичкинагина Пирайи деган йиртқич балиқ бор. Улар гала-гала бўлиб сузиб юради, қўлга туширган ўлжаларини бир неча минут ичида тамомила еб битиради. Масалан, битта катта сигирни 5 минут ичида йўқ қилади.

16. Колибр қуши оғирлиги 2—3 г келади.

17. Негрлар билан европаликлар никоҳидан пайдо бўлган авлодлар мулатлар, индеецлар билан негрлардан тарқалганлар самболар, европалик билан индеец никоҳидан пайдо бўлганлар метислар деб юритилади.

18. Аргентина, Амазонка, Венесуэла, Парагвай.

19. Анд тоғларида яшайдиган энг йиртқич ва катта қуш кондор қуши. Қанотининг узунлиги 3 м келади.

20. Ламалар (Гуанако, Вигон деб ҳам атайдилар).

21. Фидлер Жанубий Американинг нам экваториал ўрмонлари ҳақида ҳикоя қилади. Биринчи гал бу ўрмонларнинг гўзаллиги кишини ўзига мафтун қилса, аммо ундаги ҳавонинг намлиги пашша ва чивинларнинг жуда кўплиги, заҳарли чаён ва илонлар ҳар хил касалликларнинг манбаи эканлиги сайёҳачини бу ўрмонлардан тезроқ кетишга ундайди.

22. Энг каттаси Бразилия, энг кичиги Тринидад ва Тобаго.

23. Птолемей ва Бехайм глобусида Жанубий Америка материги кўрсатилган эмас.

24. Саванналар Оринноко пасттекислигида *льянос* (текис). Бразилия тоғлигида *кампос* деб юритилади.

25. Кебрачо — «болта синдирар дарахти», араукария ўрмонларида йербамате бутаси, маҳаллий халқ ундан чой тайёрлайди.

26. Шиншилла мўйнаси олтиндан қиммат. Уларни Ўрта Осиё республикаларига олиб келиб, қўйиб юборилган.

27. Жанубий Америка кроссворди.

Бўйига: 1. Горн. 2. Панама. 3. Парана. 4. Уругвай. 6. Ла-Плата. 8. Магеллан. 9. Чили.

Энига: 3. Перу. 5. Аконкагуа. 7. Пума. 10. Аргентина. 11. Пампа. 12. Гвиана. 13. Атакама. 14. Пассат.

Шимолий Америка

1. Шимолий Америка материгини Колумбдан анча илгари, X асрда норман Эйрик Рауди (сариқ) бир неча ҳамроҳлари билан Гренландиянинг жанубини ва Шимолий Американинг шимоли-шарқий қирғоқларини кашф қилдилар.

2. Гренландия ороли майдони 2 млн. 176 минг кв. км. У Шимолий Америка қитъасига тегишли.

3. Шимолий Американинг Фанди қўлтиғида сув кўтарилиши 18 м гача боради. Бу ер Дунё океани сувининг энг баланд кўтариладиган жойи саналади.

4. 1732 йилда Фёдоров ва Гвоздевлар Шимолий Американинг шимолий қирғоқларини текширади.

5. Мак-Кинли чўққиси 6193 м (координатини картадан аниқланг).

6. Кордильера тоғ тизмаси шимоли ва жануби билан 16 минг км га чўзилган.

7. Марказий Америкадаги Ирасу вулкани.

8. Миссисипи дарёси Мексика қўлтиғига қуйилади.

9. Атлантика океанидаги Саргассо денгизи.

10. Шимолий Америкада арктика, субарктика, мўътадил, субтропик, тропик, субэкваториал ва баланд тоғ минтақалари жойлашган.

11. Кордильера тоғларида ўсувчи секвойя дарахти баландлиги 140—150 метргача боради.

12. Колорадо дарёсининг дараси ўзининг гўзаллиги билан машҳурдир. Дара узунлиги 350 км, кенглиги 25 км гача, чуқурлиги 1800 м гача боради.

13. Мексика ясситоғлигида кактус ва агаваларнинг 500 дан ортиқ тури бор.

14. Куба Республикаси.

15. Индеецлар ва эскимослар.

16. Канада майдони деярли 10 млн. кв. км.

17. 1953 йили Дания ҳукумати Гренландияни ўз мулки деб эълон қилди. Оролнинг шимолидаги ороллар эса Канадага қарайди.

18. Панама каналининг узунлиги 81,5 км. 1914 йилда қурилган, суткасига 36 кема ўтади.

19. Орисаба, Попокотепетль.

20. Куба пойтахти Гавана. Унинг 3- ва 4- ҳарфларини олиб ташласак, Африкадаги Гана давлатининг номи келиб чиқади.

21. Аляска яримороли илгари Россияники эди, 1867 йили чор Россияси уни арзимаган пулга АҚШга сотиб юборди.

22. Миссисипи, Атабаска, Арканзас, Колорадо дарёлари.

23. Прериялар деб аталади.

24. Арктика чўлида фақат шу ерда сақланиб қолган ёввойи қўчқор яшайди. Унинг тўқ жигар ранг қалин ва узун жуни уни совуқдан яхши сақлайди.

25. Нью-Йорк. Аҳолиси шаҳар атрофи билан 14 млн. кишидан ортиқ.

26. Мексика қўлтиғи соҳилида Флорида яримороли да ёзда жанубдан кириб келадиган тропик ҳаво массалари кучли шамолга сабаб бўлади. Баъзан шиддат билан эсган шамол уюрма ҳосил қилиб, тор полосада катта куч билан ўтиб кетади. У ўз йўлида катта дарахтларни кўпоради, поездларни ағдаради.

27. Канада.

28. Буюк Британияники. Ҳозир ҳам Англия қироличаси расмий жиҳатдан Канаданинг давлат бошлиғи саналади.

29. Атрофи тоғлар билан тўсилган, Калифорния водийсига океандан ҳаво массалари кириб кела олмайди, шунинг учун кўп вақт жазирама иссиқ бўлиб, ёғин жуда кам тушади.

30. Шимолий Америка кроссворди.

1. Лабрадор. 2. Мак-Кинли. 3. Мексика. 4. Гренландия. 5. Мичиган 6. Колорадо. 7. Канада.

Евросиё

1. «Европа» ва «Осиё» деган номларни фанга қадимги юнон файласуфлари киритганлар. Финикияликлар тилида «Ереб»— кун ботар ва «Асу» — кун чиқар демакдир.

2. а) Беринг бўғози. У Шимолий Америка ва Евросиё материкларини, АҚШ ва СССРни, Чукотка ва Беринг денгизларини бир-биридан ажратиб туради.

б) Баб-ул-Мандеб бўғози Африка билан Евросиё материгини ажратиб туради. Эфиопия ва Яман Халқ Демократик Республикасини, Қизил денгиз ва Арабистон денгизини; Гибралтар бўғози Африка ва Евросиёни, Испания ва Марокашни, Ўрта денгиз ва Атлантика океанини бир-биридан ажратиб туради.

3. Арабистон яримороли нинг шарқидаги «Ўлик денгизи». Киши танаси кўл сувидан енгил. Сув жуда шўр, унда тирик мавжудот учрамайди.

4. Қора денгиз — Атлантика океанида. Оқ денгиз — Шимолий Муз океанида. Сариқ денгиз — Тинч океанида. Қизил денгиз — Ҳинд океанида.

5. Мармар денгизи. Майдони 11,472 кв. км.

6. Шимолий Муз океанидаги Ломоносов ва Менделеев сув ости тизмалари.

7. Каспий денгиз (кўли) майдони 1930 йилда 424,300 кв. км эди. Ҳозир унинг майдони 375 минг кв. км. У океан сатҳидан 28 м пастдадир.

8. Азов денгизи. Ундан океанга чиқиш учун Қора, Мармар, Эгей ва Ўрта денгизлардан ўтиш керак.

9. Орол денгизи (кўли), у океан сатҳидан 53 м баландда.

10. Ладога, Женева, Боден, Цюрих, Псков кўллари.

11. Малакка, Магеллан, Скагеррак, Каттегат бўғозлари.

12. Ҳиндистон яримороли ва Бомбай шаҳри, Беллинсгаузен денгизи.

13. Ўрта денгизида Кипр ороли Осиёга, Крит ороли эса Европага қарайди.

14. Форс қўлтиғи районида ёзда сув температураси +35°С га чиқади.

15. Андаман ва Никобар оролларини 10 градус бўғози ажратиб туради.

16. Эльба ва Ўрта Европадан оқувчи Эльба дарёси.

17. Жанубий яримшарнинг 50 градус жанубий кенгликлардаги океанларда 20—30 м келадиган тўлқинлар кузатилади.

18. Беринг бўғози Чукотка ва Беринг денгизларини, Чукотка ва Аляска яриморолларини, Шимолий Муз океани билан Тинч океанларни бир-биридан ажратиб туради.

19. Жомолунгма чўққиси Ҳимолай тизмасида, 1953 йилда забт этилган.

20. Энг баланд чўққи Жомолунгма, океан сатҳидан

8848 м баландда. Энг паст ботиқ Ўлик денгизи, унинг суви сатҳи океан сатҳидан 392 м пастда.

21. Энг кўп ёғин Ҳимолай тоғининг этакларига тушади, бу ерда йилига 12 минг мм, баъзан 24000 мм ёғин ёққан йиллари ҳам бўлган. Ёғиннинг асосий қисмини Ҳинд океанидан эсувчи муссонлар келтиради.

22. Евросиёда энг иссиқ жой Форс қўлтиғи районида +53°. Энг совуқ жой СССР территориясидаги Оймякон районида —71° бўлган.

23. Бунга сабаб, қиш ойида ғарбий ҳаво массалари, ўзи билан кўп миқдорда нам келтиради, ёзда эса қуруқ антициклонлар вужудга келади. Евросиёнинг шарқий субтропик районларида муссон иқлими устунлик қилади, яъни қишда материк усти совиши туфайли юқори босим области вужудга келади. Натижада қуруқликдан денгизга қараб шамоллар эсади, ёзда эса бунинг бутунлай акси бўлади.

24. Байкал кўли 1620 м. У тектоник ботиқда жойлашганлиги учун жуда чуқур.

25. Янцзи — зангори дарё.
Хуанхэ — сариқ дарё.
Қора дарё — Ўрта Осиёда.
Қизил дарё — Вьетнамда.
Оқ дарё — Ўрта Осиёда.

26. Лобнор кўли. Кўл унга сув келтириб қуядиган дарёлар оқимининг ўзгаришига қараб ўз ўрнини ўзгартириб туради.

27. Урал дарёси.

28. Саксовул.

29. Евросиёнинг нам ўрмонларида ўсувчи чирмовуқ пальмаси, узунлиги 300 м гача боради.

30. Бошқа дарахтларнинг шираси билан яшайдиган ҳинди сасиган гўштга ўхшаш, гулининг диаметри 1 м га борадиган раффлезия ўсимлиги.

31. Кичик Зонд оролларидаги Комадо оролида яшовчи Варан калтакесаги, узунлиги 4 м, оғирлиги 150 кг. У думи билан чўчқани бир урганда йиқитиши мумкин

32. Сейшель оролларида ўсувчи Сейшель пальмасининг ёнғоғи, бир донасининг оғирлиги 25—30 кг келади. Унинг етилиши учун 10 йил керак экан.

33. Япон оролларида, Хуанхэ, Янцзи, Ганг, Рейн дарёларининг бўйларида аҳоли зич яшайди.

34. Евросиёдаги энг катта фьорд Норвегия террито-

риясидаги Согне-Фьорд бўлиб, унинг узунлиги 180 км дир.

35. 1985 йил маълумотига кўра Токио аҳолиси 11,7 млн. кишидан, Шанхай шаҳрининг аҳолиси эса 12 миллиондан ортиқдир.

36. Исроил Миср, Иордания ва Сурия ерларининг бир қисмини зўравонлик билан босиб олди.

37. Хитойликлар.

38. П. К. Козлов Тибет-Монголия экспедициясида иштирок этиб, Гоби чўлининг ўсимлиги ва ҳайвонот дунёси тўғрисида қимматли материалларни тўплади. Хоро-Хото шаҳрининг қолдиқларини топди.

39. Туяни.

40. Олд Осиёдаги араблар хурмони нон ўрнида ҳам истеъмол қиладилар.

41. Жанубий-Гарбий ва Олд Осиё мамлакатлари нефтга бой.

42. Буюк саёхатчи Н. М. Пржевальский Тибет ёзини шундай тасвирлайди.

43. Фудзияма вулкани.

44. Хиндилар.

45. Тибет тоғлигининг шимолида Москва тоғ тизмаси ва унинг Кремль чўққиси бор. Уни биринчи марта Н. М. Пржевальский кашф қилди ва шундай ном берди.

46. Ҳинд океанида вулкан отилишидан пайдо бўлган сув ости тизмасига Афанасий Никитин номи берилган.

47. Дунёда энг катта вулкан Япон оролларидаги Осо вулкани, кратерининг узунлиги 23 км, эни 14 км, чуқурлиги 500 м.

48. Атлантика океанига.

49. Камчатка яримороли.

50. Таймир яримороли.

51. Евросиёда 2 та тоғ тугуни мавжуд: булардан бири Европадаги Альп тугуни, иккинчиси Осиёдаги Помир тугуни. Тоғ тизмалари шу тугунларда бир-бири билан туташади.

52. Энг кучли зилзилалар 1908 йилда Апеннин яриморолида, жанубий Италияда рўй берди. Бу ерда 100 минг киши ўлди, фалокатли зилзилалардан яна бири 1923 йилда Японияниг Токио шаҳрида бўлди. Бу районлар Европа-Осиё сейсмик минтақасига киради. Тог пайдо бўлиш давом этаётган ерларда кучли зилзилалар бўлади.

53. Экватор яқинида жойлашган ва йил бўйи эква-

ториал ҳаво массалари устунлик қиладиган Катта Зонд оролларида 3000 мм ва фасллар бўйича бир меъёрда ёғин тушади.

54. Буғдой, шоли, чой, шакарқамиш, лимон, апельсин ва бошқалар.

55. Экваториал ўрмонлар учун тапир, каркидон, ёввойи ҳўкиз, йўлбарс, малайя айиги, орангутан ва гиббон маймунлари, узунлиги 3—4 м келадиган гигант эчкемарлар (варан), 7—10 м ли питон бўғма илонлари характерлидир.

56. Норвегия.

57. Иравади, Ганг, Брахмапутра, Ангара.

58. Осло — Норвегия, Афина — Греция, Анқара — Туркия пойтахтлари.

59. Япония, Филиппин, Иордания, Исландия, Ирландия.

60. Евросиёнинг снёсий картаси кроссворди.

Энига: 1. Рюкю. 3. Токио. 5. Хитой. 6. Прага. 8. Польша. 9. Вена. 10. Дания. 11. Яман. 12. Туркия.

Бўйига: 2. Югославия. 3. Тирана. 4. Япония. 7. Афина. 8. Пекин.

61. Европанинг дарёлари ва кўллари чайнворди.

1. Ока. 2. Нева. 3 Кама. 4. Сена. 5. Одра. 6. Висла. 7. Эльба. 8. Онега. 9. Женева. 10. Печора.

62. Европанинг ер усти тузилиши кроссворди.

Бўйига: 1. Скандинавия. 2. Апеннин. 5. Этна. 7. Болқон.

Энига: 3. Карпат. 4. Гекла. 6. Пиреней. 8. Нордкин. 9. Қрим.

63. Евросиёнинг рельефи, денгизлари қирғоқ тузилиши кроссворди.

Бўйига: 1. Фьорд. 3. Сахалин. 4. Ямал. 7. Кола. 8. Тибет.

Энига. 2. Исландия. 5. Мармар. 6. Урал. 7. Камчатка. 9. Қизил. 10. Везувий.

64. Евросиёнинг дарёлари ва кўллари кроссворди.

Энига: 2. Рейн. 6. Ладога. 7. Шилка. 9. Аргунь. 10. Амур. 11. Меконг.

Бўйига: 1. Янцзи. 2. Рона. 3. Орол денгиз-кўли. 4. Ганг. 5. Волга. 8. Тарим дарёси.

65. Европа қитъа, Мозамбик бўғозида Европа ороли, Пиреней яриморолининг жанубида Европа бурни бор.

VIII—IX СИНФЛАР. СССР ГЕОГРАФИЯСИ КУРСИ

Кириш. СССРнинг географик ўрни

1. СССР территорияси 22,4 млн. кв. км. бўлиб, Жанубий Америка, Антарктида ва Австралия материкларининг ҳар биридан каттадир.

2. Семён Иванович Челюскин томонидан кашф этилган.

3. 1648 йилда Беринг бўғозидан биринчи бўлиб Ф. А. Попов ва С. И. Дежнёв раҳбарлигидаги экспедиция ўтди. Аммо уларнинг бу кашфиёти XVIII асрнинг биринчи ярмигача номаълум бўлган эди.

4. СССР қуруқликда 12 та давлат билан чегарадош, унинг қирғоқларини 12 та денгиз сувлари ювиб туради.

5. СССР чегараси экватор узунлигидан 1,5 ҳисса узундир.

6. СССР ХХР билан энг узун, Норвегия ва КХДР билан эса энг қисқа масофада чегараланади.

7. СССР чегараси 60 минг км. Суткасига 30 км дан йўл босилса, СССР чегарасини 5 йилу 4 ойда айланиб чиқса бўлади, яъни 60000 : 30 км = 2000 кун.

8. Чукотка яриморолн ғарбий яримшарда жойлашган.

9. СССР ғарбдан шарққа 11 минг км, шимолдан жанубга 4,5 минг км га чўзилган.

10. 105° меридиани шқ. узунлик, СССР территориясининг қоқ ўртасидан кесиб ўтади.

11. Франц-Иосиф Ери архипелагидаги Рудольф ороли-нинг Флигели бурни 81°51′ ш. к., ундан қутбгача бўлган оралиқ 8°10′ ёки 981,4 км ни ташкил этади.

12. Совет учувчилари Чкалов В. П., Байдуков Г. Ф., Беляков А. Ф. 1937 йил 18—20 июнда АНТ-25 самолётида Шимолий Муз океани устидан Америка қитъасига қўнмасдан учиб бордилар.

13. Кушка 35° ш. к. 63° шқ. узунликда жойлашган. Шимолий Муз океанининг Кушка билан бир хил меридианда ётган жанубий нуқтаси Шимолий Муз океани 69° ш. к. га тўғри келади. Кушкадан Шимолий Муз океанининг жанубий қирғоғига қадар бўлган масофа 70° 35° = 35° ёки 35°×111,3 км = 3888 км. Кушкадан экваторгача ҳам 35°×111,3 км = 3888 км. Демак, Кушка Шимолий Муз океанининг жанубий нуқтаси ҳамда экватордан бир хил узоқликда туради.

14. Шимолий қутб доираси бўйича СССР территориясида ғарбдан шарққа 30 шқ. у., 170° ғ. у., нуқталаригача қадар 160° чўзилган. Демак, шимолий қутб доираси бўйича СССРнинг чекка нуқталари орасидаги фарқ 160°×
×47 км=7520 км экан.

15. Ватанимиз чегарасининг шарқий нуқтаси 169°40′ ғарбий меридиандан ўтган.

16. СССРнинг қуруқликдаги чегарасининг узунлиги 23000 км дан ортиқ.

17. Территориал сувлар ҳар бир давлатнинг ўз хоҳиши ёки битимлар билан белгиланади. СССРни ўраб турган денгизларда территориал сувларнинг кенглиги 12 денгиз миляси миқдорида белгиланган (денгиз миляси 1852 м).

18. Арктиканинг Совет Иттифоқига қарашли қисми — 35° шқ. у. билан 169° ғ. у. орасида жойлашган.

19. СССРнинг географик ўрни ва чегаралари кроссворди.

Энига: 1. Чириков. 3. Канин. 4. Амур. 5. Эрон. 6. Норвегия. 7. Чехословакия. 8. Монголия. 10. Кушка. 11. Дежнёв. 12. Туркия.

Бўйига: 2. Венгрия. 3. Корея. 4. Афғонистон. 7. Челюскин. 9. Япония.

20. С. С. Тяньшанский.

21. Каспий денгизи — Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, РСФСР; Балтика денгизи — Эстония, Латвия, Литва, РСФСР; Қора денгиз — РСФСР, Грузия, Украина республикалари қирғоқларини ювиб туради.

22. Қозоғистон ССР.

23. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон.

24. Молдавия ССР.

25. Қирғизистон ССР территориясида.

26. 1) Украина, 2) Арманистон, 3) Озарбайжон, 4) Белоруссия, 5) Грузия.

27. Туркманистон ССР. Биринчи карта, сўроқ ўрнида унинг пойтахти Ашхобод шаҳри.

28. СССРнинг снёсий-маъмурий картаси кроссворди

Бўйига: 1. Литва. 2. Тожикистон. 6. Якутия. 8. Мордва АССР. 9 Мари АССР. 10. Тува.

Энига: 3. Қозоғистон. 4. Латвия. 5. Ажария АССР. 7. Уфа. 10. Татаристон АССР. 11. Украина.

29. РСФСР территориясида.

30. Энг баландда жойлашган Тожикистон ССР, энг пастда жойлашган Эстония ССР.

31. Молдавия ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР.

32. СССР территорияси ғарбдан шарққа томон 170° га чўзилган.

33. Москвада соат 12 бўлганда Фрунзеда 15, Иркутск, Читада 17, Владивостокда 19 бўлади.

34. Ҳар 15° узунлик 1 соатга тенглиги дарсликдан маълум. СССРнинг ғарбидан шарқигача бўлган узунлик (170°) ни 15° га бўлсак, шунда 11 соат-у 20 мин. чиқади.

35. Владивостокда маҳаллий вақт билан янги йил бошлангач, 1989 йил 1 январь соат 1 да юборилган телеграмма 1988 йил 31 декабрда Москва вақти билан 18-у, 12 минутда келади. Демак, мумкин экан.

36. Ереван, Душанбе шаҳарлари Ашхободдан шимолроқда. Ашхобод 38° ш. к., демак у экваторга яқин.

37. Ер шарининг алоҳида нуқталарининг айланиш тезлиги турлича. Нуқталарнинг айланиш тезлиги қутбларга томон борган сари секинлашади. Масалан, экватордаги ҳар бир нуқта, соатига 1667 км тезликда айланади (40000:24). Бу янги йилнинг экваторда силжиш тезлиги бўлади. Тошкент жойлашган кенглик бўйича Ер шари айланасининг узунлиги тахминан 30600 км (30600: 24 = 1275 км). Демак, янги йил Владивостокдан Тошкентга томон соатига 1275 км тезлик билан «кўчади». Биз ўтирган самолёт тезлиги 900 км/с. Демак, Тошкентда 2-марта янги йилни кутиш мумкин эмас экан.

38. 11 марта кутиш мумкин.

39. 30° ва 40° ш. к. лар орасидаги фарқ 10° га тенг. Бу километр ҳисобида (111 км×10°) = 1110 км. Бу масофанинг ўлчами 5 см га тенг десак, километрларни сантиметрларда ифодалаб, сўнгра у (111000000) ни 5 га бўлсак, 22200000 ҳосил бўлади. Биз излаётган масштаб (1:22200000) топилади.

40. Маълумки, Тошкент ва Салехард шаҳарлари бир меридианда жойлашган. Тошкент 41° ш. к. да, Салехард 66° шим. кенгликда. Демак, бу шаҳарлар орасидаги масофа 66°—41° = 25° га тенг. 1° меридиан ёйининг узунлиги 111,3 км. Бинобарин, Тошкент ва Салехард шаҳарлари орасидаги масофа (25×111,3 км) = 2782,5 км га тенг.

41. Агар йўл ғарбдан шарққа йўналган бўлса, махсус справочникда тегишли параллелдаги бир градуснинг

узунлиги неча км га тенглигини аниқлаймиз. 51° параллелни 1° ёйининг узунлиги 70 км га тенг. А ва Б шаҳарлар бир-биридан (35° шқ. у.—30° шқ. у.) 5° градус оралиқда туради. 5°×70 км=350 км. Демак, шаҳарлар орасидаги масофа 350 км экан.

42. Аввал Салехард шаҳри ва Дежнёв бурни жойлашган нуқталарнинг узунликларини аниқлаймиз. Чиққан фарқни справка материалидаги кўрсаткичларга кўпайтирамиз.

43. Кроссворд.

Энига: 1. Изотерма. 3. Тенбурчакли. 6. Изогипс. 7. Изогиета. 8. Профиль. 9. Горизонтрих.

Бўйига: 1. Интерний. 2. Отливка. 4. Изобара. 5. Азимут.

44. Қуйидаги мазмун чиқади. Ғарбдан шарққа йўналган узунлиги 2 км га яқин узунликда асфальт йўл ўтказилган. Йўлнинг умумий кенглиги 15 км келади. Унга 10 м кенгликда асфальт ётқизилган. Йўлнинг шимол томонида ель, қайин ўрмонлари бор, йўлдан 500 м шимолда ўрмон қоровулининг уйи жойлашган. Йўлнинг жануб томонида янги ўрмонлар бўлиб, дарахтларнинг ўртача баландлиги 2 м келади. Йўлнинг тахминан 900 метридан жилға оқиб ўтган. Унга узунлиги 100 м, эни 13 м, 30 тоннагача юк кўтарадиган тош кўприк қурилган. Катта йўлнинг 1150 м қисмидан жануби-шарққа қараб кенглиги 6 м келадиган йўл кетган. Бу йўлнинг ғарб томонида кесиб юборилган ўрмонлар, шарқ томонида эса ўтлоқ ва қамишзорлар кўзга ташланади. Катта асфальт йўл бўйлаб тахминан 1,5 км юрилгач, ундан 250 м шимолда узунлиги 1 км, эни 250 м, чуқурлиги 0,7 м келадиган ўтиб бўлмайдиган ботқоқлик бор.

VIII СИНФ. СССРнинг ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

СССРнинг рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари

1. СССР территориясидаги исталган объектнинг абсолют баландлигини белгилашда Балтика денгизидаги Фин қўлтиғининг сув сатҳи асос қилиб олинади.

2. Турон пасттекислигининг кўп қисми океан сатҳидан пастда, ундаги оқар сувлар океан билан деярли боғланмаган. Ғарбий Сибирь пасттекислиги эса океан сатҳидан баланд, дарёлари сувини Дунё океанига қуяди.

3. Рус платформаси ўрнида узоқ ўтмишда денгиз бўл-

ган. Денгиз жониворларининг қолдиқларидан қалин бўр қатламлари ҳосил бўлган.

4. Ғарбий Сибирь пасттекислигининг фундаменти товоқсимон шаклга эга, текислик нишаби жуда кам. Ёғинсочин сувлари марказга сизиб тўпланади. Ана шу сабабларга кўра Ғарбий Сибирда ер ости сувлари кўп ва минераллашган.

5. Геосинклинал областларда асосан нефть, газ, қисман металл рудалари учрайди.

6. Тоғ жинси ёшини уранинг парчаланиш константасига қараб аниқлаш мумкин. Вақт ўтиши билан уран парчаланиб гелий ва қўрғошинга айланади. Гелий фазога тарқалади, қўрғошин эса қолади. Уранинг парчаланиш тезлиги маълум. Таркибида уран ва қўрғошин бўлган тоғ жинси ўрганилаётганда, парчаланиб улгурмаган қўрғошин уран миқдорига қараб, Ернинг ёшини аниқлаш мумкин.

7. СССР территориясида кембрийдан олдинги даврда пайдо бўлган Россия ва Сибирь платформалари бор.

8. Сибирь платформасини бир неча марта денгиз босган. Шунинг учун платформадан ҳам нефть, газ каби фойдали қазилмалар топилмоқда.

9. Урал, Хибин тоғлари турли геологик даврларда бурмаланган ва узоқ даврдан бери кучли емирилиб келмоқда. Шунинг учун уларда фойдали қазилмалар кўп ва бу казилмаларнинг кўпчилиги ер юзига яқин ётади.

10. Тоғларни кўтарилишидан кўра унинг емирилиши кучлироқ. Шу сабабли тоғнинг баланд қисмлари кўпроқ емирилишга учрайди. Шунинг учун ҳам ер юзида баландлиги 10 км га етадиган тоғлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

11. Олой, Тяншань, Ҳимолай, Тибет тоғ системалари СССР территориясида туташиб Помир тоғ тугунини ташкил этади. Бу ердан СССР, Хитой ва Афғонистоннинг давлат чегараси ўтади.

12. Ғалаба чўққиси Тяншань тизмасининг энг баланд нуқтаси, Улуғ Ватан уруши йилларида унинг тепасига илк бор чиқилди. Ғалабага ишонч билдириб, Победа (Ғалаба) деб аталди.

13. СССРнинг энг баланд чўққиси Коммунизм 7495 м, энг паст ботиғи Қорағиё — 132 м, улар орасидаги фарқ— 7627 метр.

14. Тошкент Ашхободга, Куйбишев Калининга нисбатан океан сатҳидан баландда жойлашган.

15. 1. Хибин тизмаси — Хибин чўққиси 1191 м.
2. Яйла — Роман-Кош чўққиси — 1545 м.
3. Урал — Народная — 1894 м.
4. Карпат — Говерла — 2061 м.
5. Шарқий Саян — 3491 м.
6. Олтой — Белуха — 4506 м.
7. Камчатка — Ключи Сопкаси — 4750 м.
8. Тяншань — Ғалаба — 7438 м.
9. Помир — Коммунизм — 7495 м.

16. Темир рудасини ва кўмирни.

17. Жанубий Уралнинг шарқий ёнбағридаги В. И. Ленин номидаги Ильмен Давлат минераллар қўриқхонасини А. Е. Ферсман, «Минераллар макони» деб атаган.

18. 60-меридиан Уралнинг шарқий этакларидан ўтган, у ерда фойдали қазилмалардан боксит жуда кўп тарқалган. Бокситдан алюминий олинади. У кумуш тусли ялтироқ металл. Шунинг учун ҳам уни «Кумуш меридиан» деб атайдилар.

19. Соколов-Сарбой темир рудаси кони ва Магнитогорск металлургия комбинати.

20. География дафтарида бажарилади.

21. СССР территориясининг геологик тузилиши кроссворди.

Бўйига: 1. Кембрий. 2. Интрузия. 3. Тошкўмир. 4. Донбасс. 6. Пермь. 7. Бўр

Энига: 5 Полеантология. 6. Плита. 8. Мезозой. 9. Силур.

22. Тоғлар чайнворди.

I. Й чайнворд жавоби. 1. Торбағотой. 2. Яблоновой. 3. Становой. 4. Черский. 5 Олтой. 6. Олой.

II. Р ҳарфи. 1. Жиғунлар. 2. Муғожар. 3. Юкагир. 4. Жугжур. 5. Анадирь. 6. Жунғор. 7. Помир.

СССР ни ўраб турган денгизлар

1. Беринг, Япон, Қора, Балтика денгизлари икки давлатни бир-биридан ажратиб туради.

2. Азов денгизини.

3. Балтика денгизи СССРдан бошқа яна Польша, ГДР, ГФР, Дания, Швеция, Финляндия қирғоқларини ҳам ювиб туради.

4. Лаптевлар — ака-ука Харитон Прокофьевич ва Дмитрий Яковлевичлар номида.

5. 12 та денгиз, буларни картадан топинг.

6. Чукотка яриморолн — Шимолий Муз океани ва Тинч океан сувлари билан ювилиб туради.

7. Новая Земля ороли Баренц, Кара денгизлари билан ювилиб туради.

8. Оқ денгиз.

9. Беринг денгизи.

10. Лаптевлар денгизида Куба қўлтиғи бор.

11. Шимолий Муз океанининг акваторияси 13 млн. кв. км га тенг.

12. Чукотка денгизига Тинч океандан (Беринг бўғози орқали узлуксиз) илиқ сув келади. Шу сабабли, Чукотка денгизи Шарқий Сибирь денгизидан илиқ.

13. Челюскин бурни.

14. С. М. Киров номидаги ороллар. Кара денгизининг шарқий қисмида, уни 1934 йилда «Ермак» музёрар кемаси кашф қилди.

15. Кара денгизида.

16. Қора, Балтика, Каспий денгизлари.

17. Қора денгизидан Азов денгизига Перекоп бўйни орқали пиёда 2—3 соатда етиб борса бўлади.

18. Эхолот.

19. Адмирал С. О. Макаров.

20. СССР қирғоқларини ювиб турган денгизлардан энг саёзи ва энг кичиги Азов, ўртача чуқурлиги 14,5 м; энг чуқури Беринг — 4191 м.

21. Шокальский бўғози.

22. Таймир яриморолида шимолнинг жасур тадқиқотчиси М. Прончишева қирғоғи бор.

23. Шелихов ва Пенжина қўлтиқлари СССРда сув энг юқори кўтариладиган жой ҳисобланади.

24. Камчатский яриморолн Камчатканинг шарқий қисмида жойлашган. У Беринг денгизи сувн билан ювилиб туради.

25. Камчатский ва Сахалинский бўғозлари.

26. 1600—1650 йилларда Шимолий Муз океанига қуйиладиган дарёлар ҳавзасини И. Ребров, П. Бугор, Е. Буза, М. Стадухинлар текширдилар. А. Попов ва С. Дежнёвлар Колима ҳавзасини ва Чукотка яриморолини, Поярков ва Хабаровлар Амур ҳавзасини текширдилар.

27. Рус денгизчиси ва сайёҳи, адмирал Невельский 1848—1849 йилларда Сахалининг орол эканлигини исботлайди.

28. Баренц денгизига Гольфстрим оқими келиб туради. Балтика денгизига эса унинг таъсири кам.

29. Оқ денгиз 6 ой давомида музлар билан қопланиб ётганлигидан шундай ном олган.

30. Каспий денгизи турли даврларда Боку, Хоразм, Дарбанд, Кавказ, Бухоро каби жами 75 дан ортиқ ном билан аталган.

31. СССР денгизлари кроссворди.

Бўйига: 1. Тикси. 2. Беринг. 3. Кара. 4. Макаров. 5. Колгуев.

Энига: 4. Мурманск. 6. Чукотка. 7. Лонг. 8. Охота. 9. Цусима.

СССР иқлими

1. Бунинг учун аввал Арктиканинг 1 см² юзасига тушадиган ялпи радиацияни атлас ёки китобдан топамиз. Масалан, Новая Земля оролига тушадиган йиллик ялпи радиация 60 ккал см².

1 м² = 10000 см² га тенг. 10000 см² × 60 ккал = чиққан сон.

1 га ер — 10000 м² га кўпайтирилади.


1 кг тошкўмир — 7500 ккал.

1 га жойга тушган ялпи радиация тошкўмир калориясига бўлинади. Бунда 1 га ерга қуёшдан тушадиган радиация миқдорига тенг иссиқ берадиган кўмир миқдори топилади. 1 вагонга 60 т кўмир сиғишини назарда тутиб, чиққан сон (кўмир миқдори)ни 60 га бўлинса, сўралган масала (вагонлар сони) маълум бўлади.

2. Бу ҳам худди биринчи мисолдаги тартибда ечилади. Фақат газ неча калория иссиқлик беришини дарсликдан аниқлаб олинади.

3. Мурманск порти жойлашган қўлтиққа Гольфстрим

4.



лиқ оқими таъсир қилиб туришлиги сабабли у музламайди. Владивосток порти совуқ денгизлар билан ўралгани учун музлайди.

5. Ёз кунининг узунлиги географик кенгликка боғлиқ. Географик кенглик қанча катта бўлса, кун узунлиги шунча кўп бўлади. Масалан, Ленинград шаҳри, Москва, Тошкент, Тбилиси шаҳарларига қараганда юқори географик кенгликда жойлашган. Шунинг учун ҳам у ерда ёз куни узоқроқ бўлади.

6. Табиатдаги бундай мўъжизаларни табиатнинг ўзи вужудга келтиради. Бунга асосий сабабчи шамолдир. Шамол турли рангдаги жинсларни учириб атмосфера ёғинларига аралаштириб юборади. Сўнгра турли рангдаги ёғинлар содир бўлади.

7. Якутия АССРнинг Оймякон районида январда минимал температура —71°, июлда +31°, бунда йиллик амплитуда 102°.

8. Таймир яримороли да.

9. Ашхободда, у ерда қуёшнинг горизонтдан баландлиги 75°30′.

10. Шаҳар қайси географик кенгликда жойлашган бўлса, қутб юлдузи ҳам горизонтдан шунча градус юқорида кўринади. Демак, Калуга шаҳрида қутб юлдузи 55° бурчак остида кўринади.

11. Энг совуқ жой Оймякон райони —71°, энг иссиқ жой Термиз +50°.

12. «Қуруқ ёмғирни» Ўрта Осиё чўлларида кузатиш мумкин. Ҳаво ниҳоятда қуруқ ва иссиқ бўлиб, ёғаётган ёмғир ерга тушмасданоқ буғланиб кетади. Ёмғир ёғаётган товуш эшитилади, лекин ерга бир томчиси ҳам тушмайди. Бу эса қуруқ ёмғирнинг ўзгинасидир.

13. Энг кўп ёғин (Ботуми районига) йилига 2500 мм, энг кам ёғин (Шарқий Помирга) 40—50 мм тушади.

14. Туман ўсимликларни совуқ уришдан сақлайди.

15. Ёзда ҳаво массалари деярли ҳамма томондан, атмосфера босими нисбатан баланд бўлган Атлантика, Шимолий Муз океани ва Тинч океанлардан қуруқликка қараб эсади. Улар сув заррачаларига бой бўлганидан ёғин беради. СССР территориясига кўп антициклон Арктикадан келади. У фақат қуруқ совуқ келтиради.

СССРнинг ички сувлари ва сув ресурслари

1. 253 м — 100 м = 153 м.

Дарёнинг 1 км даги ўртача нишабини топиш учун 153 м : 2285 км = 6,8 см.

2. A = F·V формуласига биноан топилади.

A — сув сарфи, F — дарёнинг кўндаланг кесим майдони. v — ўртача тезлик.

$$100 \times 2 \times 2 = 400 \text{ м}^3/\text{сек}.$$

3. Шимолий Муз океани ҳавзасига.

4. Унинг узунлиги Рибинскдан Ленинградгача 1136 км. Пётр I планига мувофиқ 1808 йилда қуриб битказилган. Сув йўли Оқ, Балтика, Каспий денгизлари портларини бирлаштириб туради. Совет даврида бу сув йўли тубдан яхшиланди.

5. Обь, Иртиш билан бирга 5410 км бўлиб, СССР даги энг узун дарё ҳисобланади.

6. Обь ҳавзаси 2 млн. 975 минг кв. км бўлиб, ҳавзасининг катталиги жиҳатдан Иттифоқда энг олдинда туради.

7. Енисей. У қуйилиш жойида 19800 м³/сек. сув сарфлайди. Бу жиҳатдан СССРда бирорта дарё унга тенглаша олмайди.

8. Дарёларимиз узунлиги 5 млн. км дан ошади. Бу жиҳатдан мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринда туради.

9. Н. ч а й и в о р д и.

1. Ханка кўли. 2. Ленинград шаҳри. 3. Ориноко. 4. Воҳандарё.

10. а) Оролга — Сирдарё қуйилмоқда. б) Каспийга — Эмба ва Урал дарёлари қуйилмоқда.

11. 1. Норин. 2. Или. 3. Андижон. 4. Гаага. 5. Бодайбо.

12. Дон дарёсининг ирмоғи — Медвидица (Айиқ), Вятка ирмоғи Кобра — (илон).

13. Қорадарё — Қора денгиз. Қора кўл. Оқдарё — Оқ денгиз.

14. Қорадарё, Оқдарё, Кўксув, Қизилдарё — бу номлар Ўзбекистон ССРда ва РСФСРда бор.

15. Шўр сувли дарёлардан бири Лена ирмоғи Солека дарёси, унинг бир литр сувида 10 г туз бор. Вилюй ирмоғи Кемпендей дарёсининг 1 литр сувида 162 г туз бор. Дарёларнинг бундай шўр бўлишига сабаб, бундан бир неча млн. йил илгари дарё ўрнида денгиз бўлган. Денгиз йўқолгач, унинг ўрнида катта туз қатламлари қолган. Уларнинг аста-секин эриши туфайли дарё суви шўр бўлиб туради.

16. Курил оролларидаги Итуруп оролида Илья Муромец шаршараси бор, баландлиги 141 м.

17. Волганинг ирмоқлари Свияга ва Сура.

18. Нева дарёси.

19. Свирь дарёси Онегадан оқиб чиқиб Ладога кўлига қуяди. Волхов дарёси Ильмендан чиқиб Ладогага қуяди.

20. Байкал кўлига 336 дарё қуяди ва битта Ангара дарёси оқиб чиқади.

21. Воронеж областида Юг (жануб) дарёси.

22. Ангара, Ахтуба, Или, Норин, Неман.

23. Артек пионерлар лагери ва Атрек — Туркманистондаги дарё.

24. Дарёлар чайнворди.

1. Лена. 2. Ангара. 3. Атрек. 4. Колима. 5. Алдан. 6. Нева. 7. Аргунь. 8. Неман. 9. Нива. 10. Амур. 11. Реут. 12. Терек. 13. Кама. 14. Аракс.

25. Камчатка яриморолида вулкан атрофларидаги кўлларда чўмилиш мумкин. Чунки кўл суви ернинг чуқур қисмидан чиқишидан ташқари вулканлар сувни иситиб туради.

26. Балхаш кўли шарқий қисмининг суви шўр, ғарбий қисминики эса чучук. Кўл қамишлар ўсиб ётган «узун орол» бўғози орқали икки қисмга бўлинган. Ғарбий чучук сувли қисмига йирик Или дарёси қуяди. Уни Л. С. Берг 1903 йилда аниқлаган.

27. Эстония ССР ва Псков области чегарасида жойлашган Чуд кўли. Кўлнинг шимолий қисми Чуд, жанубий қисми Псков кўли деб аталади.

28. Орол кўлининг энг чуқур жойи (68 м), у океан сатҳидан 53 м баландда, Каспий кўлининг сув сатҳи океан сатҳидан 28 м пастда. Демак, Оролнинг энг чуқур қисми Каспийнинг сув сатҳидан 13 м баландда 53 м+28 м—68=13 м экан, шунинг учун Орол денгизининг энг чуқур жойидаги балиқ Каспий денгизи сув сатҳида турган балиққа нисбатан юқорида (абсолют баландлиги бўйича) сузмоқда.

29. Қишда музламайди, қирғоқларида иссиқ шифоли сувлар кўп чиқади, шу сабабли уни «Иссиққўл» деб атайдилар.

30. Камчатка яриморолини «гейзерлар водийси» деб ҳам атайдилар.

31. Телец кўли, кўл олтойликлар тилида «Олтин кўл» демакдир.

32. Челябинск областида Ширин кўл бор. Унинг су-

ви ҳақиқатан ҳам ширин. Кўл сувида ош тузи ва сода бор. Сода кўл сувига озгина ширин таъм беради, шунинг учун ҳам уни «Ширин» кўл деб атайдилар.

33. Охота денгизида Байкал қўлтиғи бор. Бу номни Сахалин оролини текширган Г. И. Невельский ўз кемаси шарафига «Байкал» деб қўйди.

34. Байкал тектоник кўл, чуқурлиги 1620 м.

35. Байкал сувн шу қадар тиниқки, ҳатто 40 м чуқурдаги нарсалар ҳам аниқ кўринади.

36. 1. Иссиққўл. 2. Ладога. 3. Онега. 4. Балхаш. 5. Байкал. 6. Ханка. 7. Таймир.

37. Босқунчоқ кўли. Туз қазиб олиш учун темир йўл қурилган. Унда поездлар қатнайди.

38. Иртиш Обнинг ирмоғи.

39. СССРдаги энг катта тоғ музлиги — Помирдаги Федченко музлигидир. Майдони 75 кв. км дан ортиқ.

СССРнинг тупроқлари, ер ресурслари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси

1. В. В. Докучаев тупроқшунослик фанига асос солган рус олими.

2. Ер доимий музликдан иборат бўлиб, ёзда тупроқнинг устки қисмигина илийди. Шу сабабдан ўсимликлар илдизи чуқур ботмай тарвақайлаб ўсади.

3. Тундрада.

4. Атлантика ҳаво массасининг ва илиқ сув оқимининг таъсири ғарбдан шарққа борган сари камайиб, иқлим континенталлашиб боради. Бу ҳол тундра зонасининг чегарасини мамлакатимиз Осиё қисмида Европа қисмига нисбатан бирмунча жанубдан ўтишига сабаб бўлган.

5. Қарағай — ўрмонлар зонаси учун характерли дарахт ҳисобланади.

6. Новая Земля оролининг ғарбий қирғоқлари бирмунча иликроқ. Шунинг учун шарқий қиргоққа қарағанда бу ерда «қушлар бозори» кўп бўлади.

7. Иқлимнинг қаттиқ совуқлиги, ернинг музлаганлиги туфайли Сибирь ўрмонларида кенг баргли дарахт турлари деярли учрамайди.

8. Қорақарағай, Сибирь тилогочи, кедр, даурия тилоғочи кабилар Уралдан ғарбдаги ўрмонлар зонасида кўплаб учрайди.

9. Даурия тилоғочи Шарқий Сибирда кенг тарқалган.

Унинг характерли хусусияти илдизларининг ер юзасида ҳар томонга тарвақайлаб кетишидир. Шу туфайли у шамолга чидамлироқ.

10. Иқлим ва табиий шароитнинг ўзгариши туфайли.

11. 1919 йилда В. И. Ленин декрети билан Волганинг қуйи қисмида Астрахань қўриқхонаси, 1920 йилда Жанубий Уралда Ильмень минераллар қўриқхонаси, Байкал қўриқхоналари ташкил қилинди.

12. 1941 йил Туркманистондаги Тажан ва Мурғоб дарёлари оралиғида Бадхиз қўриқхонаси ташкил этилди. Унинг майдони 1500 кв. км, унда ёввойи эшаклар (қулон) дан 900 таси сақланмоқда.

13. РСФСР, Украина.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

Кириш

1. Ўзбекистон ССР, Иттифоқда аҳолисининг сони бўйича РСФСР ва Украина ССРдан кейин учинчи, майдонининг катталиги бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди.

2. Республикамиз чегараларининг умумий узунлиги 5300 км. Республикамиз чегарасини кунига 30 км дан йўл босиб (5300 км : 30 км), 176 кунда айланиб чиқиш мумкин.

3. Республикамизнинг шимолий нуқтаси 45°35′, жанубий нуқтаси 37°10′, тафовут градус ҳисобида 8°25′; километр ҳисобида эса 8°25′×111,3 км=925 км.

4. Шаҳар қайси географик кенгликда жойлашган бўлса, қутб юлдузи ҳам горизонтдан шунча градус баландда кўринади. Масалан, Урганч 42° ш. к. да. Демак, Урганчда қутб юлдузини горизонтдан 42° баландда кўриш мумкин.

5. Ўзбекистон ССР Греция, Япония давлатлари билан деярли бир кенгликда жойлашган.

Ўзбекистон ССР табиати ва табиий бойликларини ўрганиш тарихидан

6. Ўзбекистон ССР табиатини, умуман Ўзбекистонни географик жиҳатдан ўрганишда Р. И. Аболин, Л. Н. Бабушкин, К. З. Зокиров, Н. Л. Корженевский, Е. П. Коровин, Э. М. Мурзаев, Т. Зоҳидов, В. А. Шульц,

И. П. Герасимов, Н. А. Димо ва бошқа совет географларининг хизматлари катта.

7. Тошкентда 1897 йилда «Россия география жамияти»нинг филиали очилган.

8. Хоразмлик Муҳаммад ал Хоразмий. У Ўрта Осиё ва кўпгина Шарқ мамлакатларини кезиб географияга оид «Ер тасвири» деган асар яратди. Бу китобда Ўрта Осиё географиясига доир кўпгина маълумотлар берилган. Асар 1878 йилиёқ рус тилига таржима қилинган. Шулар туфайли биз уни фахр билан Ўрта Осиё географиясининг асосчиси дея оламиз.

9. Буюк ўзбек энциклопедист олими Абу Райҳон Беруний география фани соҳасида ҳам катта ишлар қилган. Унинг иқлим ҳақида («Қонуни маъсудий», «Аттафхим»), «Геодезия китоби», «Ҳиндистон» ва бошқа кўпгина китобларида географияга оид бўлган материаллар берилган. Умуман унинг географияга доир асарларининг сони 12 тадан ортади.

10. 1. П. П. С. Тяньшанский. 2. А. П. Федченко. 3. Н. Н. Северцов. 4. А. Ф. Миддендорф. 5. И. В. Мушкетов. 6. В. Ф. Ошанин. 7. В. А. Обручев. 8. Л. С. Берг. 9. В. А. Шульц. 10. К. К. Марков.

11. Х. М. Абдуллаев, А. Д. Архангельский, И. П. Герасимов, К. К. Марков, В. А. Николаев, В. Н. Огнев, В. И. Попов, Ю. А. Скворцов, В. А. Шульц, О. Акромхўжаев, Ғ. О. Мавлонов, А. Рафиқов каби олимлар Ўзбекистон территориясида табиий бойликларни қидириб топишда катта хизмат қилдилар.

12. Орол денгиз-кўлида Антарктида материгини кашф қилган буюк рус саёҳатчилари Беллинсгаузен ва Лазарев шарафига қўйилган ороллар бор.

13. 1848—1850 йилларда географ, контрадмирал Бутаков раҳбарлигида Орол денгизига уни текшириш мақсадида экспедиция уюштирилди. Бу экспедицияда машҳур украин шоири Т. Г. Шевченко ҳам қатнашган. У «Орол манзаралари» деб аталган расмлар альбомини тузган.

Рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари

14. Ўзбекистон ССР территориясининг тахминан 25% и тоғларга, қолгани текисликларга тўғри келади.

15. Рақамлар ўрнида қуйидаги тоғлар жойлашган.

1. Султон Увайс. 2. Бўкантоғ. 3. Ойтимтоғ. 4. Етимтоғ. 5. Томдитоғ. 6. Овминзатоғ. 7. Қулжуқтоғ. 8. Қора-

тоғ. 9. Оқтоғ. 10. Нурота. 11. Моргузар. 12. Зиёвуддин. 13. Қоратепа. 14. Туркистон. 15. Зарафшон. 16. Олой. 17. Фарғона. 18. Отўйноқ. 19. Чотқол. 20. Қурама. 21. Писком. 22. Қоржонтоғ. 23. Угом. 24. Ҳисор. 25. Бойсун. 26. Боботоғ. 27. Талас Олатоғи.

16. 2169 м — Нурота тизмасидаги Ҳаёт чўққиси.
4424 м — Бойсун тизмасидаги Хўжапарёх чўққиси.
4448 м — Писком тизмасидаги Манас чўққиси.
4688 м — Ҳисор тизмасидаги КПСС XXII съезди чўққиси.

17. Ҳисор тизмасидаги КПСС XXII съезди номли чўққи ЎзССРнинг энг баланд нуқтасидир. Унинг абсолют баландлиги 4688 м, энг паст жой Сариқамиш ботиғи, у океан сатҳидан 38 м пастда. Улар орасидаги фарқ (4688+38)=4726 м. Уларнинг координаталари қуйидагича: КПСС XXII съезди чўққиси 39° ш. к. ва 68° шарқий узунлик, Сариқамиш ботиғи 42° ш. к. 57° шарқий узунликларда жойлашган.

18. «Очилмайдиган ва ёпилмайдиган» дарвозаларнинг биринчиси Моргузар билан Нурота тизмалари ўртасидаги Темурланг дарвозаси, унинг географик координатлари 40°10′ ш. к. ва 67°40′ шарқий узунликда жойлашган. Иккинчиси Бекобод шаҳри ёнидан Фарғона водийсига киришдаги Хўжанд ёки Фарғона дарвозасидир, унинг географик координати 40°20′ ш. к. 60°20′ шарқий узунлик бўлиб, бу дарвозалар «очилмайди» ҳам, «ёпилмайди» ҳам.

19. Қашқадарё областидаги Супатоғ ва Тошкент областидаги Товоқсой. Уларнинг биринчиси кўринишдан супага, иккинчиси товоққа ўхшайди.

20. Улар орасидаги асосий фарқлар қуйидагилар: Турон пасттекислиги Дунё океани билан бевосита боғланмаган, Ғарбий Сибирь пасттекислиги эса Дунё океанига боғланади. Турон плитада, Ғарбий Сибирь платформада жойлашган, яна энг муҳими, Ғарбий Сибирь тарелкасимон тузилишига эга бўлиб, ер ости суви жуда яқин туради. Шу туфайли территориянинг катта қисми ботқоқланган. Турон пасттекислигида бунинг бутунлай тескариси ва ҳоказо.

21. Устюрт платосининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг чекка томонлари текисликлардан кўтарилиб турадиган тик жарликлардан иборат бўлиб, улар «чинклар» деб аталади. Чинклар учламчи даврнинг оҳактош, мергель ва гилларидан тузилган.

22. Қизилқумдан шарқ томонда Жом чўли жойлашган, унинг бош ҳарфини алмаштириб ўқисак, Устюрт платосидаги Сом деб аталувчи қум массивининг номи келиб чиқади.

23. Учбурчак учларида Фарғона, Наманган, Қўқон шаҳарлари жойлашган бўлиб, марказда эса Қорақалпоқ чўли ястаниб ётибди.

24. Тоғлар чайнворди. 1. Чотқол. 2. Боботоғ. 3. Мўғўлтоғ. 4. Қулжуқтоғ. 5. Қоратепа. 6. Қоржонтоғ.

25. Ўзбекистонда архей эрасининг жинслари ҳалигача топилмаган. Протерозой эрасининг жинслари эса Ҳисорнинг жануби-ғарбий қисмларида, Нурота тоғининг баъзи жойларида ва Марказий Қизилқумда топилган.

26. Ўзбекистон территорияси триас даврида қуруқликка айланган. Шу туфайли триаснинг асосий жинслари ҳисобланган конгломерат, гил, қумтош ва кўмир қатламлари Ўзбекистонда бирмунча оз учрайди.

27. Мезозой эрасининг юра даврида Ўзбекистон территориясида қайтадан денгиз босиш рўй берган ва Шўроб, Тошкўмир, Шаргун, Ангрен тошкўмир конлари пайдо бўлган.

28. Ўзбекистон территорияси палеоген даврида денгиз остида бўлганлиги туфайли, унинг жинсларида моллюскали фауналар кўп.

29. Чотқол, Қурама, Туркистон, Угом, Писком, Зарафшон, Ҳисор тоғлари неоген охири плиоцен даврида кўтарилиб, ҳозирги кўринишга эга бўлган.

30. Ўзбекистон территорияси Совет Иттифоқидаги актив сейсмик районлар қаторига киради. Зилзилаларнинг кўпи тоғли ерларда тоғ ораларидаги водий ва ботиқларда бўлади. Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Ғузор, Ургут, Термиз шаҳарлари 7 балли зонага, Наманган, Фарғона шаҳарлари 8 балли зонага, Фарғона водийсининг шарқий қисми 9 балли зонага киради. Республикамизда фалокатли зилзилалар 1803 йилда Ургутда, 1822 йилда Самарқандда, 1868 йил ва 1966 йилларда Тошкентда, 1902 йилда Андижонда, 1927 йилда Наманганда, 1946 йилда Чотқолда бўлган.

31. Ўзбекистонда Иттифоқ аҳамиятига молик бўлган Олмалиқдаги мис-молибден, Қалмоққирдаги полиметалл конларини киритиш мумкин.

32. Фойдали қазилмаларни тўғри топ ўйини. Ҳар гал ўзига хос натижа беради.

33. Ўзбекистон ССР фойдали қазилмаларн кроссворди.

Энига: 1. Хўжакўл. 4. Жарқоқ. 7. Олмалиқ. 9. Қоғон. 11. Шўрсув. 12. Хонқиз. 13. Ингичка.

Бўйига: 2. Қўқайти. 3. Полвонтош. 5. Оқтош. 7. Газли. 8. Зарафшон. 10. Чортоқ.

34. Оҳактош, озокерит, фосфорит, доломит, кумуш, трепель.

35. Тошкўмир даврида ёғингарчиликка қараганда буғланиш кўпроқ бўлган, шу сабабли бу даврда гипс ва тузлар кўп ҳосил бўлган.

36. Сурхондарё областидаги Шарғун кўмир кони, у океан сатҳидан 2000 м баландда жойлашган. Қазиб олинган кўмир узунлиги 17,5 км ли осма йўлда ташилади.

37. Мезозой эраси ва учламчи даврда нефть, табиий газ, ёнувчи сланец, озокерит, олтингугурт, ош тузи, тоштуз, калий тузи, қўнғир темиртош, фосфорит, мармар, гипс, кварц қумлари, трепель, мергель ва бошқа фойдали қазилмалар ҳосил бўлган.

ЎзССР иқлими

38. Ҳар бир ўйин ўзига хос натижа билан тугайди.

39. Тошкент шаҳрига йилига 1 кв. см юзага 136 ккал иссиқлик тушади.

136 ккал 10000 $см^2$ = 1 360000 ккал.

Қўнғир кўмир калорияси 3500 ккал = 1 кг.

Нефтники 11000 ккал.

1360000:3500 ккал = 390 кг қўнғир кўмир.

1360000:11000 ккал = 124 кг нефть.

40. Намлик коэффициенти $K = \frac{Ё}{Б}$ формуласи билан топилади. Бунда K — намлик коэффициенти, $Ё$ — йиллик ёғин, $Б$ — потенциал буғланиш. Орол атрофида йиллик ёғин 200 мм, буғланиш 1000 мм, $K = \frac{200\ мм}{1000\ мм} =$ $= 0{,}2$. Демак, намлик коэффициенти жуда кам.

41. Самарқанд области Ғарбий тоғолди этакларида ёғин 800 мм, буғланиш 1500 мм. Шунга биноан $K = \frac{800}{1500} = 0{,}6$. Бу Ўзбекистондаги энг юқори кўрсаткичдир.

42. Ўзбекистонда Омонқўтон қишлоғи (Самарқанд

области) энг ёғин кўп тушадиган районлардан биридир. Бу ерга 900 мм атрофида ёғин ёғади. Бунга сабаб қишлоқ ғарбий ҳаво массаларига рўпара жойлашганлигидир. Ўзбекистондаги, умуман СССРдаги энг иссиқ жой Термиз бўлиб, бу ерда 1914 йилнинг 21 июнида ҳаво температураси +49,5° га етган.

43. Ўзбекистонда Наврўзнинг байрам қилиниши табиат қонунига асосланган. 21 мартгача қуёш жанубий яримшарга кўпроқ нур сочса, 21 март куни у экватор чизиғи устига тик келади. Худди шу кунида бутун ер шарида кечаси ва кундузи баробарлашади. 21 мартдан кейин қуёш ўз нурларини кўпроқ шимолий яримшарга соча бошлайди. Шунинг учун республикамизда яшовчи кўпгина халқлар Наврўз байрамини ўтказадилар. Бу эса дала ва боғларда баҳорги ишларнинг бошланишидан дарак беради.

44. Схемада қиш ойларида Ўзбекистон иқлимининг ташкил топиши акс эттирилган.

45. Ўзбекистон иқлими кроссворди.

Энига: 1. Бекобод. 4. Алисов. 6. Циклон.

Бўйига: 2. Гармсел. 3. Субтропик. 4. Афғон. 5. Воейков. 7. Фён.

45 а. Ёз фасли.

Ўзбекистон ССР нинг ички сувлари

46. Дарёлар ўйини. Ҳар гал ўзига хос тугайди.

47. Ким кўп ёзади ўйини. Ҳар гал ўзига хос тугайди.

48. Дарёлар чайнворди.

1. Сирдарё. 2. Қорадарё. 3. Чирчиқ. 4. Зарафшон. 5. Норин. 6. Шероботдарё. 7. Оҳангарон. 8. Сангзор. 9. Исфайрам. 10. Сурхондарё.

49. Шероботдарёнинг суви камайганда ундан шўртанг сув оқади. Чунки бу пайтда Хамкон туз конидан чиқиб қўшиладиган шўр сувнинг салмоғи кўпроқ бўлади.

50. Мохандарё. Поччаота. Тўполон.

51. Амударё, унинг 10 дан ортиқ номлари бўлган. Шулардан кўп ишлатилгани Жайҳун, Ўкуз, Окс.

52. Қуйи Амударёда яшовчилар дарёнинг қирғоғини ювиш ҳодисасини «дегиш» деб юритадилар. Дегиш илгари хўжаликка катта зиён келтирар эди. Лекин Амударёдан бир қанча каналларнинг чиқарилиши дегиш ҳодисасини камайтирди.

53. Амударё сувининг 1 литрида 3740 г лойқа бор. Лойқалиги жиҳатидан Иттифоқда олдинги ўринлардан бирида туради. У тоғ дарёси ҳайқириб оқади ва ўз йўлидаги тоғ жинсларини емиради, юмшоқ жинслар орасидан оқиб ўтади. Шу туфайли унинг суви жуда лойқа.

54. Қоракўлдарё.

55. Қашқадарё областида — Қизилдарё, Зарафшон ирмоқлари — Қорадарё ва Оқдарёлар, Чирчиқ ирмоғи Кўксув.

56. Сўроқ аломатлари ўрнида Шерободдарё, Сурхондарё, Амударё ва Жанубий Сурхон сув омбори тасвирланган.

57. Амударёнинг узунлиги —2540 км, Сурхондарё — 196 км, Сирдарё —2982 км, Зарафшон —740 км.

58. Қадимги греклар Сирдарёни Яксарт, араблар эса Сайхун деб атаганлар.

59. Амударёнинг сув режими бир хил эмас. В. А. Шульц маълумотига кўра Амударёнинг тоғли қисмида секундига 2500 куб м, қуйи қисмида эса кўп йиллик ўртачаси секундига 500 куб м дан кам, бунга кўплаб каналлар ва сув омборлар қурилиши сабаб бўлади.

60. Республикамизнинг сув манбалари территория бўйлаб бир текисда жойлашмаган. Текисликларда дарёлар жуда кам. Тоғларда эса минглаб дарёлар бор. Бунга сабаб тоғларда ёғин кўп ёғади, буғланиш кам, ҳаво тоғларда узоқ совуқ бўлиб турганидан катта қор далалари ва музликлар пайдо бўлган.

61. Агар канал қазиш имконияти мавжуд бўлганда Сирдарё суви Амударё томон оққан бўлар эди.

62. Ўзбекистон сув омборлари кроссворди.

Бўйига: 2. Ўртатўқай. 3. Каттақўрғон. 4. Туябўғиз. 5. Қамаши. 7. Чордара. 9. Сурхон. 11. Панжкамар. 12. Қайроққум.

Энига: 1. Чорбоғ. 3. Кампирровот. 5. Қуйимозор. 6. Шўрсой. 7. Чимқўрғон. 8. Туямўйин. 10. Толимаржон.

63. Республикамизнинг суғорув каналлари чайнворди.

1. Киров. 2. Даргом. 3. Анҳор. 4. Занг. 5. Полвон. 6. Ленин. 7. Ҳазарбоғ. 8. Шеробод каналлари.

64. Ўзбекистон кўллари кроссворди.

Энига: 1. Арашон. 4. Судочье. 5. Тузкон. 7. Орол.

Бўйига: 1. Ахскент. 2. Яшил. 3. Қуббон. 6. Денгизкўл.

65. Ўзбекистондаги аксарият кўллар дарё водийларида ва тоғ ёнбағирларида вужудга келган тўғон ва морена кўлларидир. Тектоник кўллар кам. Одамлар яратган сунъий кўллар — сув омборлари ҳам анчагинадир.

66. Тоғлар ва ер ости сувларининг асосий манбаидир. Бу ердаги муз, қор ва ёмғир сувлари тоғ жинслари орасига сингиб кўпгина ер ости сувларини ҳосил қилади. Тоғлардаги ер ости сувлари одатда чучук бўлади. Агар жуда чуқурдан ёки тектоник ёриқлари рўй бераётган жойлардан чиқаётган сувлар бўлса, улар иссиқ, ишқорли ва карбонатли бўлади.

67. Ўйин ўзига хос натижа билан тугайди.

68. Ўзбекистон ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш ўйини ўзига хос натижа билан тугайди.

69. Янтоқ, унинг томири жуда узун бўлиб, пояси жазирама иссиқда бўлади. Янтоқ чорвачиликнинг муҳим озуқаси ҳисобланади.

70. Ўзбекистон чўлларида ўсувчи ўсимликлар кроссворди.

Бўйига: 1. Чалов. 3. Жузғун. 4. Қиёқ. 5. Шувоқ. 7. Қаврак. 9. Боялиш. 11. Ранг.

Энига: 2. Лолақизғалдоқ. 4. Қўнғирбош. 5. Саксовул. 8. Акация. 9. Буюргун. 10. Ширач.

71. Ёғингарчиликдан кейин саксовул тез ўсади. Қурғоқчил давр бошланиши билан унинг ўсиши жуда секинлашади ва тўхтайди. Йил давомида ёғин ва қурғоқчил давр неча марта такрорланса, саксовул танасида шунча доира ҳосил бўлади. Бу эса саксовулнинг ёшини аниқлашни қийинлаштиради.

72. Исириқ. Уни республикамизнинг турли жойларида ҳазориспанд, адрашман, адрасман деб атайдилар. Ундан ҳар хил касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида исириқ ҳақида шундай дейди: «Бўғинлар оғриганда ва нерв шамоллаганда огриган жойга исириқ боғланса, у кишига яхши шифо бўлади».

73. Арпаған, қўшоёқ, қорамашоқ, сарисазан.

74. Сасир, лола, чучмома, қасмалдоқ.

75. Ўзбекистон ҳайвонот дунёси кроссворди.

Энига: 1. Тулки. 3. Тошбақа. 6. Жайра. 7. Бедана. 8 Кирқуйруқ. 10. Қумсичқон. 12. Ондатра. 13. Қуёқ. 14. Тустовуқ.

Бўйича: 2. Бўри. 4. Оққуш. 5. Қўшоёқ. 8. Қарқара. 9. Қорақурт. 11. Қумчарх. 15. Сайғоқ.

76. Ток илон, сариқ илон деб аталувчи оёқсиз калтакесаклар. Уларнинг узунлиги 1 м атрофида бўлиб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини еб катта фойда келтиради.

77. Қум илони, қум эфаси, ўқилон, қалқонтумшуқ илон, кўзойнакли илон.

78. 1) Типратикан. 2) Булбул. 3) Жиблажибон. Буларнинг биринчиси кемирувчи, қолганлари қуш.

79. Қушлар чайнворди.

1. Кўккарға. 2. Чуғурчиқ. 3. Қорашақшақ. 4. Булдуруқ. 5. Қораялоқ. 6. Қирғовул.

80. Асбоб-ускуналарни тол, терак, тўпонгил, қайрағоч, заранг, қамиш, арча, ёнғоқ, тут ва ҳоказолар ёғочидан тайёрлаш мумкин.

81. Андиз, қизилмия, эрман, момақаймоқ, баргизуб, қашқарбеда, қўйпечак, итузум, жамбил, сумбул, ялпиз ва ҳоказо. Масалан, андиз кўп йиллик ўсимлик бўлиб, халқ медицинасида йўтал, бронхит, дизентерия, буйрак касали каби касалликларни даволашда қўлланилади.

82. Қалам — кўп йиллик субтропик ўсимлик бўлиб, Амударё соҳилларида ўсади. Таркибида —2—4% қанд бор, 1 га ердан 10—15 т қанд олиш мумкин. Шакарқамиш, ширинмия, янтоқ, зира, жилонжийда, қатронғижийда, тут ва бошқа ўсимликлар таркибида ҳам қанд бор.

83. Ўзбекистонда ўсадиган ширач ўсимлиги таркибида 33% елим моддаси бор. Республикамизда 10 минг га дан ортиқ ерда ширач ўсади. Ўрик, олхўри, жийда елимидан ҳам фойдаланилади.

Топишмоқ.

84. Қорақобиқ, у пиёз бошли кўп йиллик ўтдир.

85. Хина.

СССР табиатини муҳофаза қилиш

86. 1918 йилдаёқ В. И. Ленин ва Я. М. Свердлов табиатни қўриқлаш ва уни қайта тиклаш тўғрисидаги декретга имзо чекдилар. Бу табиатни қўриқлаш борасидаги биринчи декрет эди.

87. 1959 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети-нинг

учинчи сессияси республикада табиатни қўриқлаш тўғрисида махсус қонун қабул қилди.

88. Ўзбекистондаги қўриқхоналардан энг муҳимлари: Тошкент областидаги Чотқол миллий парки ва Сирдарё областидаги Зомин миллий паркидир.

Асосий табиий районлар

Шарқий Европа рельефи ва фойдали қазилмалари

1. Кроссворд.

Энига: 1. Воркута. 4. Печора. 6. Шебелинка. 7. Мешчёра.

Бўйига. 1. Валдай. 2. Кривой Рог. 3. Тиман. 4. Полесье. 5. Кола.

Шарқий Европа текислиги дарёлари

2. Чайнворд.

1. Пна. 2. Ока. 3. Кама. 4. Сура. 5. Вятка. 6. Волга. 7. Сухона. 8. Печора. 9. Вичегда. 10. Ветлуга. 11. Березина. 12. Медведица.

3. Балтика ва Украина қалқонлари бунга мисолдир.

4. Бу текислик рельефининг тузилишига боғлиқ.

5. Бу дарё Ладога кўлидан оқиб чиқиб, Фин қўлтиғига қуяди. Дарё сувининг тўлиб оқишига, биринчидан, дарёнинг қисқа ва намнинг етарли бўлиши, иккинчидан, шимоли-ғарбдан эсувчи шамол қўлтиқ томондан Нева ўзанига сувни ҳайдаб киритишидир. Натижада кучли тошқинлар бўлиши ҳам кузатилади.

6. Белая-Вежа Белоруссиянинг энг муҳим қўриқхонаси ҳисобланади. У республиканинг ғарбида бўлиб 70 минг гектар майдонни эгаллайди. Унда хилма-хил дарахт турлари бўлиб, баъзиларининг бўйи 40 м дан ҳам ортади. Қўриқхонада қўтос, буғу, косули, ёввойи тўнғиз каби ҳайвонлар ҳам яшайди.

Карпат, Қрим, Кавказ тоғлари

1. Кроссворд.

Бўйига: 1. Роман-Кош. 2. Эльбурс. 4. Казбек. 5. Терек. 8. Колхида. 9. Прут.

Энига: 3. Говерла. 6. Заранг. 7. Артек. 10. Кура-Аракс. 11. Лакколит. 12. Тисса. 13. Кума-Манич.

2. Карпат, Қрим, Кавказ тоғлари асосан кайнозой эрасининг Альп бурмаланишида кўтарилган.

3. Қрим ва Карпат тоғлари Урал тоғига нисбатан анча жанубда жойлашганлиги учун уларда доимий музлик йўқ.

4. Қумтош ва сланец қатламлари орасига магма кириб чўкинди жинсларнинг устки қаватини юқорига кўтарган; натижада лакколитлар ҳосил бўлган. Қрим Яйласи эрийдиган оҳактошлардан иборат бўлганлиги учун, у ерда ғорлар, воронкалар, бўшлиқлар, ўпқонлар кўп учрайди.

5. Рица кўл

Урал тоғлари

1. Кроссворд.

Бўйига: 1. Юрма. 3. Ильмень. 4. Асбест. 6. Пайхой. 8. Чусовая. 10. Сильва.

Энига: 2. Магнитная. 5. Миасс. 7. Народная. 9. Сосьва. 11. Соликамск. 12. Качканар.

2. Урал тоғининг ғарбий ва шарқий ёнбағридаги фойдали қазилмаларнинг бўлиши геологик тарихи билан боғлиқдир.

3. Урал тоғлари кучли емирилганлиги туфайли фойдали қазилмалар ер бетига яқин жойлашган ёки очилиб қолган. Умуман Уралнинг фойдали қазилмаларга жуда ҳам бойлиги геологик ўтмиш маҳсулидир.

4. Бу Қутбий Уралга нисбатан айтилган гап.

Ғарбий Сибирь текислиги

1. Кроссворд.

Бўйига: 1. Ишим. 2. Гидан. 4. Сапропель. 5. Тайга. 8. Чана. 10. Обь.

Энига: 3. Надим. 6. Ямал. 7. Васюганье. 9. Волхов. 11. Бараба дашти. 12. Нефть. 13. Қулунда.

2. Ғарбий Сибирда нефть ва газнинг борлигини 1932 йилда академик Н. М. Губкин айтган эди.

3. Шимолий Муз океанининг совитиш таъсири ва Осиё марказий қисмининг илиқ океанлардан узоқдалиги ҳамда тоғлар билан тўсилганлиги каби сабаблар, Ғарбий Сибирь иқлимини континенталлаштириб юборади. Россия текислигига Атлантика океани ҳаво массалари доимий равишда таъсир қилиб турганлиги туфайли унинг қиши Ғарбий Сибирга қараганда бирмунча юмшоқроқ бўлади.

4. Тундра, ўрмон-тундра, тайга, ўрмон-дашт, дашт.

5. Сув оқими шароитининг ёмонлиги рельефнинг яссилиги, ўсимликлар қалин бўлганлиги, шунингдек, сувнинг етарли буғланмаслиги бу ерда ортиқча намни вужудга келтирган. Бу ҳол Ғарбий Сибирь тайгасининг жуда ботқоқланиб кетишига сабаб бўлади; ботқоқ босишида грунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашиши ҳам катта роль ўйнайди.

6. Тулки, соболь, олмахон, савсар ва бошқалар.

Шарқий Сибирь

1. Кроссворд.

Энига. 1. Тунгуска. 3. Норильск. 5. Путорана. 8. Траппа. 9. Тилогоч. 10. Оленёк. 11. Тура.

Бўйига: 1. Тулки. 2. Ангара. 4. Кара. 5. Пясино. 6. Лама. 7. Таймир.

2. Ёзда Шарқий Сибирнинг катта қисми исиб кетади, бу ҳол ҳаво босимининг паст бўлишига олиб келади. Атлантика океани жуда узоқда, Тинч океан эса баланд тоғ тизмалари билан тўсилганлигидан таъсир этмайди. Бунинг устига Ўрта Сибирь денгиз сатҳидан анча баландда жойлашганлиги сабабли, Сибирда ёзда паст босим, қишда эса юқори босим вужудга келади.

3. Атлантика океанидан узоқлашган сари Сибирда ёғин камайиб боради. Шарқий Сибирнинг ғарбида йил давомида 500 мм, шарқида эса 180 мм гача ёғин тушади.

4. Кроссворд.

Бўйига: 1. Юкагир. 2. Черский. 3. Победа. 5. Яхмалак. 7. Олтин.

Энига. 2. Чукотка. 4. Даурия. 5. Яна. 6. Оймякон. 8. Циклон.

5. Ҳозирги рельеф шакллари неоген ва тўртламчи даврдаги ҳаракатлар туфайли пайдо бўлган.

6. Сойликлар оралиғида совуқ зич ҳаво туриб қолиб, совуқ кунлар вужудга келади. Оймякон сойлигидаги совуқлик қутби шу тарзда ташкил топади.

Жанубий Сибирь тоғлари минтақаси

1. Кроссворд.

Бўйига: 1. Омуль. 3. Телец. 4. Баргузин. 5. Голомянка. 6. Белуха.

Энига: 2. Патом. 4. Байкал. 7. Қизил. 8. Олтой. 9. Хамардабан. 10. Саян.

2. Кузнецк сойидаги тошкўмир ҳавзаси билан машҳур.

3. Олтойнинг энг баланд чўққиси Белуха Катунь белоклари тизмасида жойлашган.

4. Сахалин оролининг иккинчиси Байкал кўлида жойлашган.

Узоқ Шарқ

1. Кроссворд.

Энига: 1. Бахмал. 4. Атласов. 6. Охота. 8. Женьшень. 9. Тўнгиз. 10. Йўлбарс.

Бўйига: 2. Муссон. 3. Шилка. 5. Тетюха. 7. Гейзер.

2. Узоқ Шарқ дарёлари тўйинишининг 80% и муссон ёмғирлари ҳиссасига тўғри келади. Маълумки, Узоқ Шарқда муссон ёзда кўп ёмғир келтиради. Шунинг учун Узоқ Шарқ дарёлари ёзда тўлиб оқади.

3. Шимолдан жанубга 1200 км масофага чўзилган Курил ороллариии.

4. Бу Сахалин ороли.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон

1. Кроссворд.

Бўйига: 1. Балхаш. 3. Қирғизистон. 4. Тенгиз. 5. Турон.

Энига: 2. Қорагиё. 3. Қоратов. 4. Тўрғай. 6. Иртиш. 7. Зарафшон. 8. Или. 9. Копетдоғ.

2. Олатоғ.

3. Зарафшон, Тажан, Мурғоб.

4. 1856—1857 йилларда П. П. Семёнов Тяньшанский деярли ўрганилмаган Тяньшань тоғларига экспедиция уюштиради ва катта илмий кашфиётлар қилади. 1906 йили Тяншанга қилинган саёҳатнинг 50 йиллигини нишонлаб, Тяньшанский деган ном қонун билан П. П. Семёнов фамилиясига қўшимча қилиб берилади.

5. Помир тоғидаги Сарез кўли Ўрта Осиёдаги энг ёш кўлдир. Кўл 1911 йилда Мурғоб дарёси ўзанига узилиб тушган тоғ тўсиғидан ҳосил бўлган, унинг майдони 90 кв. км бўлиб, океан сатҳидан 3239 м баландда жойлашган.

6. Помирдаги Федченко музлиги Ўрта Осиёдаги энг катта музликдир. Уни географ Ошанин кашф этди ва Федченко номини берди.

7. Помирдаги Қоракўл океан сатҳидан 3914 м баландда жойлашган бўлиб, шўр кўл ҳисобланади.

8. Шарқий Помирда Ўш-Хоруғ йўлидаги Оқбайтал довони, океан сатҳидан 4655 м баландда, Мукўл тоғ тизмасида.

9. Фарғона тизмасидаги Арслонбоб шаршараси баландлиги 80 м дан ошади. Бу Ўрта Осиёдаги энг баланд шаршара ҳисобланади.

10. Тўрғай дарвозаси, Тўрғай дарёси, Қўстанай областидаги Тўрғай посёлкаси.

11. Новая Земля ороли билан Шарқий Қозоғистонда январнинг ўртача температураси бир хил. Бунга сабаб Шарқий Қозоғистоннинг Сибирь антициклони таъсирида бўлиб бирдан совиб кетишидир.

12. Каспий денгизида учрайди. Каспий денгизининг бир қисми Қозоғистон ССРга тегишли, Каспий денгизи қачонлардир Шимолий Муз океани билан туташ бўлган. Шу туфайли ҳам бу ерда тюленлар учрайди.

13. Қозоғистоннинг чўл ва чалачўл районларида ёққан ёмғир буғланиб кетгандан кейин ер юзи қуриб ёриқлар пайдо бўлади, натижада тақирлар вужудга келади.

IX СИНФ. СССРнинг ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯСИ КУРСИ

1. М. В. Ломоносов биринчи бўлиб ерни хўжалик жиҳатдан тасвирлаш деган маънони билдирувчи (Экономическая география) терминини, яъни «иқтисодий география»ни ишлатди.

2. Революциядан илгари Россия жаҳон саноат маҳсулотининг 4% ини берар эди. У 1913 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмига кўра АҚШ, Англия, Германия ва Франциядан кейин дунёда бешинчи ўринда турар эди.

3. Чор Россиясининг иқтисодий қолоқлиги, аввало, оғир саноатнинг заифлигида, оғир саноатнинг муҳим тармоқларини чет эл капитали қўлида эканлигида, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ярмидан кўпини қишлоқ хўжалиги бераётганида, ишлаб чиқаришнинг жуда ҳам нотекис жойлашгани кабиларда намоён бўлар эди.

4. СССР 1988 йилда жаҳон саноат маҳсулотининг 16% ини ишлаб чиқарган.

5. СССР темир рудаси ва кўмир қазиб олишда, пўлат, чўян, прокат, цемент, станоклар, тепловоз ва

электровозлар, ёғочсозлик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, шунингдек буғдой, қанд лавлаги, зиғир, кунгабоқар етиштиришда, темир йўлларда юк ташишда жаҳон мамлакатлари ичида олдинги ўринда туради.

СССР аҳолиси ва меҳнат ресурслари

1. 1913 йилда мамлакатимиз аҳолиси 159 млн. кишидан ортиқ эди. Ҳозирда йилига 2,5 млн. кишига кўпаймоқда.

2. Россияда дастлабки аҳоли рўйхати 1719 йилда Пётр I томонидан ўтказилган эди.

3. Чор Россияси аҳолисининг деярли 66% дан ортиқроғи саводсиз эди.

4. Молдавия ССР, Марказий район, Украинанинг жанубий, Ўрта Осиёнинг воҳа ва водийлари СССРда аҳоли ниҳоятда зич яшайдиган жойлар ҳисобланади.

5. Славянларнинг қадимий машғулоти асосан деҳқончилик бўлгани учун қоратупроқли ерларни ўзлаштириш муҳим эди. Шу сабабли Россиянинг қоратупроқли зонасига аҳоли азалдан кўчиб келиб ўрнашган ва тобора зичлашиб кетган.

6. Шимолдаги халқлар буғу боқиш, овчилик, балиқ тутиш билан шуғулланган. Бу табиий шароит ҳусусиятига ҳамда аҳолининг озлигига айнан мос тушар эди.

Бундай хўжалик юритиш учун тундра ва тайга каби кенг ерлар қўл келар эди.

7. Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қирғизистон республикаларида аҳолининг табиий ўсиши айниқса юқори, ҳар 1000 кишига табиий ўсиш 27—31 кишига тенг.

8. Дағистон АССР аҳолиси жуда ҳам кўп миллатлидир. У ерда 36 тилда газета, китоб ва журнал нашр этилади.

9. Мамлакатимиз аҳолисининг 84% и Ҳинд-Европа тиллари оиласида сўзлашади.

10. Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Боку, Харьков, Горький, Новосибирск, Свердловск, Куйбишев, Донецк, Минск, Омск, Челябинск, Днепропетровск, Тбилиси, Одесса, Ереван шаҳарларининг аҳолиси миллиондан ортиқ.

11. Магнитогорск, Урал дарёси орқали 2 га бўлинган, шаҳарнинг ярми Осиёда, ярми Европада жойлашган.

12. Асбест шаҳри — Свердловск областида, Апатит ва Никель шаҳарлари Мурманск областида, Марганец Днепропетровск ва Қарағанда областларида.

13. Ўзбекистон ССРнинг Сирдарё областида Ширин шаҳри бор.

14. Воронеж-Ворон — қарға, ёж — типратикан.

15. Нил — Амур областидаги аҳоли яшайдиган пункт. Чад — Пермь областидаги темир йўл станцияси. Виктория — Актюбинск областидаги темир йўл станцияси. Сахара — Якутия АССР даги дарё.
Африка — Камчатканинг шарқий қисмидаги бурун.

16. Динамо, Волгоград областидаги аҳоли пункти.
Спартак, Киев областидаги шаҳар.
Шахтёр, Кемерово областидаги посёлка.
Пахтакор — Сирдарё областидаги район мракази.

17. 1. Шимолий Двина. 2. Молочная. 3. Ока. 4. Лена. 5. Енисей. 6. Неман. 7. Кура.

18. Москва. 2—4—6 ҳарфларини ўқисак, Ока дарёсининг номи келиб чиқади.

19. Пермь областидаги Березники шаҳри (ўзбек тилида қайин).

20. Орёл — (Бургут) РСФСРда.

21. Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Боку, Тбилисида ва Тошкентда метро ишлаб турибди. Минск, Ереван шаҳарларида метро қурилмоқда.

22. Азов — Азовск, Оқ — Беломорск, Балтика — Балтийск, Каспий — Каспийск, Орол — Аральск, Охота — Охотск ва ҳоказо.

23. Симбирск — Ульяновск, Нижний Новгород — Горький.

24. Семипалатинск — Қозоғистонда.

25. Зима — Чита областида.

26. Москва, Боку, Рига, Таллин.

27. Ватутин, Черняховск, Панфилов, Чекалин ва бошқалар.

28. Мурманск, Гольфстрим оқими таъсир қилиб турганлиги учун музламайди.

29. Волгоград шаҳри.

30. Куйбишев шаҳридан ташқари Татаристон АССР ва Новосибирск областида ҳам Куйбишев шаҳри бор.

31. Пермь областида Чайковский номи билан аталадиган шаҳар бор.

32. Ленинград, Калининград, Свердловск, Киров, Дзержинский, Куйбишев, Беруний ва ҳоказо.

33. Солигорск, Соликамск, Сольилецк, Усолье.

34. Воркута — йирик кўмир қазиб чиқарувчи район. Мурманск — йирик порт ва балиқ саноати маркази. Норильск — никель ишлаб чиқариш комбинати бор.

35. Ломоносов билан Менделеевлар химия, иқтисодий география билан шуғулланганлар.

36. Пермь областида — Верешчагино, Ленинград областида — Репино.

37. Ломоносов ва Пушкин — Ленинград областида. Чернишевск — Чита областида. Лев Толстой — Липецк областида. Чехов — Сахалинда. Некрасовск — Ярославь областида ва бошқалар.

38. Нижний Новгород ҳозирги Горький шаҳри.

39. Владивосток.

40. Хасан кўли посёлкаси Каспий бўйида. У яқин ўтмишда порт эди. Каспийнинг сув сатҳи пасайиб бораётганлигидан ҳозирда унга кемалар етиб бора олмайди.

41. Ленинград шаҳри 102 та оролда жойлашган.

42. Днепропетровск, Волхов, Северодвинск, Терек ва бошқалар.

43. 1. Балаклава йирик темир йўл узели. 2. Қарағанда йирик саноат маркази.

44. Диксон ва Тикси.

45. Смоленск областидаги Гжатск шаҳри Ю. А. Гагарин номига қўйилган.

46. Куйбишев областидаги Тольятти шаҳри. Шаҳар «Жигули» автомобиллари ишлаб чиқариши билан машҳур.

47. Санкт-Петербург — Ленинград, Вятка — Киров, Тверь — Калинин, Екатеринбург — Свердловск, Самара — Куйбишев, Царицин — Волгоград.

48. Волгоград. Унга Волга дарёси орқали арзон ёғоч келтирилиши туфайли ҳам ёғоч саноати марказидир.

49. Москва.

Энг муҳим тармоқлараро комплекслар ва тармоқлар географияси

Ёқилғи-энергетика комплекси

1. СССР кўмир, сланец қазиб чиқариш бўйича дунёда биринчи, нефть ва газ қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

2. СССРда кўмирнинг потенциал запаси 8,7 триллион т. (5,2 трлн. т тошкўмир, 3,5 трлн. тоннаси қўнғир кўмир), унинг 3% и саноат запасига тўғри келади.

3. Тунгуска ва Лена ҳавзалари улар ҳали яхши ўрганилмаганлиги учун кўмир деярли қазиб олинмаяпти.

4. 1990 йилда 780—800 млн. т кўмир қазиб чиқариш планлаштирилган.

5. СССР территориясининг ярми нефть ва газ тарқалган территориядан иборат.

6. Нефтни фонтан усулида қазиб чиқариш энг арзон усулдир, бунда нефть бурғ қудуғидан нефть газларининг қатламлар ичидаги босими таъсирида ўзи отилиб чиқади. Вақти келиб босим пасайиши билан уни яна кучайтириш мумкин.

7. 1990 йилда мамлакатимизда 625—640 млн. т нефть, 835—850 млрд. куб м газ қазиб чиқариш планлаштирилган.

8. Волга-Урал райони — СССР нефтининг 70% ини бермоқда. Нефть қазиб чиқариш жиҳатдан бу район бошқа районлар ичида биринчи ўринда туради.

9. Ғарбий Сибирь (Тюмень), Шимолий Кавказ (Ставрополь, Краснодар), Оренбург, Ўзбекистон, Туркманистон, Карпат, Коми АССРлар СССРда газ олинадиган энг йирик районлар ҳисобланади.

10. 1963 йили узунлиги 1800 км бўлган биринчи Газли-Урал газ қувури ётқизила бошланди. 1965 йили Газли билан Урал ўртасидаги 2100 км бўлган иккинчи газ қувурини ётқизиш тугалланди.

11. Туймази — Иркутск нефть қувури, унинг узунлиги 4000 км га тенг. Бу 1964 йилда ишга туширилган энг узун нефть қувуридир.

12. Мамлакатимизда шартли ёқилғи бирлиги учун Донбасс кўмири қабул этилган.

13. СССР ёқилғи саноати кроссворди.

Бўйига: 1. Райчихин. 3. Куйбишев. 4. Газли. 5. Печора. 6. Омск. 7. Дўстлик.

Энига: 2. Эмба. 4. Грозний. 7. Донецк. 8. Шаим. 9. Самотлор. 10. Шебелинка.

14. Нефть маҳсулотларини истеъмол қилувчи районларда тўплаш. Ҳозирги кунда уни жойлаштиришнинг асосий принципидир.

Электроэнергетика

1. В. И. Ленин электрлаштиришнинг аҳамиятини изоҳлаб «Коммунизм совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир»— деган эди.

2. СССРда ишлаб чиқариладиган жами электр энергиясининг 80% ини иссиқлик электр станцияларида ҳосил этилади. Иссиқлик электр станцияларини тез ва арзон қуриш мумкинлиги ҳамда хом ашё базасининг кўплиги ана шунга сабаб бўлган.

3. Костромада қурилган ГРЭС СССРдаги йирик иссиқлик электр станцияси саналади.

4. Волхов дарёсига қурилган Волхов ГЭСи СССРда энг кекса ГЭС ҳисобланади.

5. Саян-Шушенск ГЭСи дунёда тенги йўқ бўлиб, қуввати 6,5 млн. кВт/с дан ортиқдир.

6. АЭСлар жуда кўп электр энергия талаб қилинадиган ва энергетика базаси етишмайдиган районларда кўплаб қурилади.

7. Электр энергия ишлаб чиқариш бўйича СССР АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўринда туради. 1985 йилда мамлакатимизда 1 трлн. 200 млрд. кВт соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилди.

8. Электроэнергетика кроссворди.

Бўйига: 1. Красноярск. 2. Углич. 3. Кострома. 4. Норак. 8. Братск. 12. Волхов.

Энига: 5. ГОЭЛРО. 6. Сирдарё. 7. Обнинск. 9. Белоярск. 10. Мамакан. 11. Назаров.

Қора металлургия

1. Пўлат, чўян, прокат ёки асосий ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси бўлган корхоналар комбинат деб, агар улардан бирортаси бўлмаса завод деб юритилади. Масалан, қувур заводи, қайта эритиш заводи ва ҳоказо.

2. СССР қора металлургия саноати бўйича 1-ўринга чиқди, ўсиш суръати ва темир рудаси қазиб чиқаришда ҳам биринчи ўринда туради.

3. Темир рудаси ва марганец рудаси қазиб чиқаришда СССР жаҳонда биринчи ўринда туради.

4. Жанубий металлургия базаси мамлакат чўянининг 50% ини, пўлат ва прокатнинг 40% ини беради. Бу ерда Кривой-Рог ва Керчь темир рудаси ҳавзалари ҳамда Донбасс коксланувчи кўмири, Никополь марга-

нецининг бир жойда тўпланганлиги унинг арзон бўлишини таъминлайди. Шулар туфайли ҳам район биринчиликни қўлдан бермай келяпти.

5. Кривой-Рог ҳавзасида кўпчилик руда очиқ усулда қазиб олинади. Руда таркибида темир ҳиссаси 60% га яқинни ташкил этади. Бу ерда қудратли руда бойитиш комбинатлари қурилган.

6. СССРда 1990 йилда 170 млн. т пўлат эритилиши мўлжалланган.

7. Магнитогорск металлургия комбинати. Бу жаҳондаги ғоятда катта металлургия комбинати ҳисобланади.

8. Қора металлургия кроссворди.

Бўйига: 1. Сумгаит. 2. Бекобод. 3. Темиртов. 6. Рустави. 7. Кокс.

Энига: 4. Кременчуг. 5. Магнитогорск. 8. Макеевка.

9. Металлургия заводида 1 т маҳсулот олиш учун: 2 т руда, 1,3 т кокс, 0,5 т оҳактош, 0,5 т темир-терсак, жами 4,3 т маҳсулот зарур.

Демак, 1 т пўлат ишлаб чиқариш учун 4,3 т хом ашё зарур.

6 млн. т — X т хом ашё.

$$X = \frac{6 \text{ млн. т} - 4{,}3 \text{ т}}{1 \text{ т}} = 25{,}8 \text{ млн. т. хом ашё.}$$

Бир темир йўл составида 60 та вагон бўлиб, ҳар бир вагонга 60 т дан юк ортилган бўлса, бир составда 3 600 т юк келтирилган. Демак (25,8 млн. т : 3600 т) 716 та темир йўл составини ташкил этади.

Рангдор металлургия

1. Боксит, нефелин, алунит алюминий хом ашёси ҳисобланади.

2. Ғоятда тиниқлиги, кислоталар таъсирига чидамлилиги, юқори температурада эришлиги, ҳеч қандай магнит хусусиятлари йўқлигидан титанни паҳлавон металл деб аталади.

3. 1 т алюминий олиш учун 20000 кВт/с электр энергия талаб қилинади. Шу сабабли алюминий заводлари катта электр станциялар яқинига қурилади.

4. Рангдор металлургия корхоналари арзон энергия манбалари яқинида ва хом ашё базалари яқинида жойлаштирилади.

5. Балхаш, Жезқазған, Урал, Арманистон, Ўзбекистонда.

6. 1 т алюминий олиш учун — 20 минг кВт/с электр энергия керак.

$$500000 \text{ т. алюм.} = X \text{ кВт/с}$$

$$X = \frac{500000 \cdot 20000}{1 \text{ т}} = 10 \text{ млрд. кВт/с.}$$

Демак, завод қуввати энергия миқдоридан 10 марта катта экан. Шунга кўра бу қадар қудратли заводни 1 млрд. кВт/с энергия ишлаб чиқарадиган электр станция базасида барпо этиш мақсадга мувофиқ эмас.

7. Никелнинг 80% идан қора металлургияда фойдаланилади. Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида никель аралаштирилади.

8. Рангдор металлургия кроссворди.
Бўйига: 1. Манчегорск. 3. Аллаверди. 4. Нефелин.
Энига: 1. Медногорск. 3. Запорожье. 5. Олмалиқ. 6. Шелихов.

Машинасозлик комплекси

1. Транспорт йўлларининг ҳолати, малакали кадрларнинг етарлилиги, истеъмолчининг борлиги, йирик металлургия корхонасининг бўлиши ва шу кабилар машинасозлик саноатини жойлаштиришдаги муҳим омиллар ҳисобланади.

2. Революцияга қадар Москва, Петербург, Рига, Нижний Новгород, Донбассдагина машинасозлик заводлари бор эди.

3. Горький ва Кривой-Рог шаҳарларидан чиқадиган автомобилларда ҳўкиз ва кийик эмблемалари бўлади.

4. Москва, Горький, Павлово, Львов, Кривой-Рог, Кременчуг, Жодино, Тольятти, Рига, Ижевск, Курган, Ульяновск, Запорожье, Набережная Челна, Минск, Луцк шаҳарларида автомобиль заводлари бор.

5. 1924 йилда СССРда биринчи марта 1,5 т юк кўтарадиган АМО-Ф 15 маркали автомобил ишлаб чиқарилди. 1925 йилда Ярославль автомобиль заводи 3 тоннали Я-3 маркали автомобиль ишлаб чиқарди. Биринчи беш йилликда АМО (ҳозирги Лихачёв) заводи реконструкция қилинди.

6. Мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқариш бўйича социалистик мамлакатлар ўртасида етакчи ўринда туради.

7. Олтой трактор заводи Рубцовск шаҳрида жойлашган. У 1944 йилда ишга тушган.

8. Машинасозлик саноати. Кроссворд.

Бўйига: 1. Таллин. 4. Ленинград. 5. Рига. 6. Ульяновск. 8. Тольятти.

Энига. 1. Тобольск. 2. Коломна. 3. Калининград. 7. Тарту. 9. Горький. 10. Днепропетровск.

Химия саноати

1. Химия саноати турли фойдали қазилмалар, ёғоч, ҳаво, сув, денгиз сув ўтлари ва ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланади. Шунинг учун уни чекланмаган хом ашё базасига эга бўлган саноат деб аталади.

2. Туркманистон ССРда Қорабўғозғўл қўлтиғи глаубер тузи олинадиган «табиий фабрика» ҳисобланади. Чунки, қўлтиқдан туз қанча олинмасин ўрнида янги қатлам вужудга кела беради.

3. 1 т апатит хом ашёсидан 2 т фосфор ўғити тайёрланади. Бунда кўп миқдорда сульфат кислота ҳам ишлатилади. Сульфат кислотани ташиш ноқулай. Шунингдек фосфор ўғити кўпроқ Украина, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ишлатилади. Фосфор ишлаб чиқарадиган заводларни жойлаштиришда ана шулар ҳисобга олинган.

4. Азот ўғитлар ишлаб чиқариладиган заводларда табиий газдан ҳамда нефтни, кўмирни қайта ишлашда чиқадиган йўлдош газлардан фойдаланилади. Шу сабабли бундай заводлар нефть ва газ саноат районларида, қувур транспорти ёки кўмирни кокслаш корхоналари яқинида жойлаштирилади.

5. Химия саноати кроссворди.

Энига: 1. Гудермес. 3. Самарқанд. 5. Чирчиқ. 6. Кировск. 7. Калинин.

Бўйига: 1. Гродно. 2. Соликамск. 3. Солигорск. 4. Дашава.

Ўрмон саноати

1. Бундай комбинатларда ёғочга кетма-кет ишлов бериш билан бирга чиқитлардан ҳам тўлиқ фойдаланиш мумкин. Бунга ўхшаш комбинатлар СССР Европа қисмининг шимолида, Уралда бор. СССРнинг шарқий районларида ҳам барпо қилинмоқда.

2. Целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари сув ва кўп

миқдорда электр энергия талаб қилади. Целлюлоза-қоғоз комбинатларини қуришда булар эътиборга олинади.

3. Ўрмон саноати кроссворди.

Энига: 1. Брянск. 2. Красноярск. 3. Урал. 4. Киров. 6. Архангельск.

Бўйига: 1 Братск. 2. Калуга. 4. Канск. 5. Ленинград.

Енгил саноат кроссворди

Энига: 1. Кутаиси. 3. Нарва. 5. Воронеж. 6. Вологда. 7. Клин.

Бўйига: 2. Иваново. 3. Нуха. 4. Слободской.

Озиқ-овқат саноати

1. Агар-агар ўтларидан кондитер саноатида фойдаланилади.

2. Овланадиган балиқнинг кўпи сельд балиғига тўғри келади.

3. Мурманск, Владивосток, Астрахань, Находка, Мўйноқ.

4. Озиқ-овқат саноати кроссворди.

Энига: 1. Семипалатинск. 3. Кубань. 6. Камчатка. 7. Сальск. 8. Купянск.

Бўйига: 1. Саратов. 2. Находка. 4. Ангарск. 5. Сума.

5. АСҚ—тармоқлараро комплекс бўлиб, унинг асосий вазифаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўплаб ишлаб чиқариш, уни ўз вақтида тайёрлаш ва транспортда ташиш, сақлаш, саноат йўли билан қайта ишлаш, истеъмолчига етказиш йўли билан мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан барқарор таъминлашдан иборат.

АСБ — аграр саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси — техник жиҳатдан қуролланган йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини кооперативлаштиришга асосланувчи бундай бирлашма саноат, савдо, қурилиш, транспорт корхоналари ва ташкилотларининг комбинациялашувидан ташкил топиб, унда барча корхоналар муайян маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлади.

6. Амортизация, таннарх, меҳнат унумдорлиги, даромад.

7. НОТ — меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш.

РАПО — район агросаноат бирлашмаси.

БАС — бошқаришнинг автоматик системаси.

НПО — илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

НУТ — бошқарув меҳнатини нормалаш.

8. 1—70, 2—19,0 3—45,5, 4—330—340.
5—13,2, 6—126—135, 7—66—70.

9. 1. Қишлоқ хўжалигини қайта ишловчи саноат ва унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар.

2. Илмий муассасалар ва АСҚ тармоқлари учун кадрлар тайёрлайдиган соҳалар.

3. Бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш.

4. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи тармоқлар.

5. АСҚнинг ишлаб чиқариш инфраструктураси.

6. АСҚнинг социал инфраструктураси.

Транспорт географияси

1. Дастлабки темир йўл 1837 йилда Петербург билан Царское-Село ўртасида қурилган эди.

2. Москва мамлакатимизнинг энг йирик транспорт тугуни ҳисобланади.

3. Москва-Владивосток темир йўли дунёдаги энг узун йўл ҳисобланади.

4. Энг узун электрлаштирилган темир йўл меридионал бўйича Ленинград-Ленинакан, кенглик бўйича эса Москва—Забайкальедир.

5. Қора-Азов денгизи ҳавзаси денгиз юк оборотн жиҳатдан мамлакатда биринчи ўринда туради.

6. Волга дарёси.

7. С у в т р а н с п о р т и к р о с с в о р д и.

Энига: 1. Ленинград. 3. Одесса. 6. Мурманск. 8. Боку. 9. Владивосток. 10. Сибиряков номли кема.

Бўйига: 1. Лиепая, 2. Новороссийск, 4. Пермь. 5. Находка. 7. Куйбишев. 9. Волга.

СССРнинг иқтисодий зоналари ва иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий районлари

I. 1. Ў р т а О с и ё и қ т и с о д и й р а й о н и. Сўроқ белгилари ўрнида Ашхобод, Тошкент, Душанбе, Фрунзе шаҳарлари жойлашган.

2. Волгабўйи райони. Сўроқ белгилари ўрнида Астрахань, Элиста, Волгоград, Саратов шаҳарлари жойлашган.

3. Балтикабўйи иқтисодий райони. Сўроқ белгилари

ўрнида Калининград, Вильнюс, Рига, Таллин шаҳарлари жойлашган.

4. Марказий район. Сўроқ белгиси ўрнида Москва шаҳри жойлашган.

II. Марказий район. Кроссворд.

Энига: 1. Климовск. 5. Тула. 7. Орёл. 8. Рибинск. 9. Рязань. 10. Брянск.

Бўйига: 2. Лихачёв. 3. Коломна. 4. Суздаль. 6. Калинин.

1. Машинасозлик, химия ва тўқимачилик.

2. Меҳнатни кўп талаб қилувчи тармоқлар: автомобиль, электрон, радио, электротехника. Бу саноат тармоқларининг ривожланишига бу ерда хом ашё базаларининг кам бўлишига қарамай, малакали кадрларнинг кўплиги сабаб бўлган.

3. Москвадаги «Серп и Молот» ва Москва ёнидаги Электросталь заводларида.

4. Клин шаҳри.

5. Комсомольск шаҳри.

6. Суворов шаҳри.

7. Чекалин шаҳри.

8. Электрогорск, Электросталь, Электроуглич.

III. Марказий Қоратупроқ райони кроссворди. Бўйига: 1. Курск. 3. Белгород. 4. Елец.
Энига: 2. Воронеж. 5. Липецк. 6. Цна. 7. Тамбов.

IV. Шимолий ва Шимоли-Ғарбий районлар.

1. Онега кўли.

2. 101 оролда. Уларни 500 та кўприк бирлаштириб туради. Ороллар сони бўйича Ленинград Венециядан кейин туради. Кўприклар сони бўйича эса дунёда 1-ўринни эгаллайди.

3. Бокситогорск, Апатит, Никель.

4. Рибачий яримороли.

5. Великая дарёси. Узи кичиг-у номи эса улуғ.

6. Полярний шаҳри.

7. Кроссворд.

Бўйига: 1. Виборг. 2. Бокситогорск. 3. Петрозаводск. 4. Мурманск. 7. Котлас.

Энига: 5. Кронштадт. 6. Новгород. 8. Череповец. 9. Псков. 10. Сокол.

V. Волга-Вятка райони кроссворди.

Бўйига: 1. Заволжье. 2. Кетово. 3. Балахна. 4. Горький.
Энига: 2. Канаш. 5. Бор. 6. Павлово. 7. Киров.

VI. Волгабўйи райони.

1. Куйбишев шаҳри.

2. Жигуловск, Волжск, Новокуйбищевск.

3. Қозон шаҳри.

4. Серафимович шаҳри.

5. Эльтон ва Боскунчоқ кўллари.

6. Набережние Челни ва Тольятти шаҳарлари.

